



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

А. А. МУХАММАДИЕВ А.У. ЭГАМБЕРДИЕВ

ЮРИСТНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ

Ўқув қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЮРИСТНИНГ КАСЪ ЭТИКАСИ

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2016

Тошкент давлат юридик университетининг Ўқув-услугий Кенгаши мажлисининг 2016-йил -июндаги -сонли мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Мухаммадиев А.А., эгамбердиев А.У.
Юристнинг касб этикаси. – Т.: ТДЮ нашриёти, 2016.
....бет.

Тақризчилар: Мингбоев У.Қ – Ўзбекистон Судьялари ассотсиятсияси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

Садиков Р.К. – Тошкент давлат юридик университетининг Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Мазкур ўқув қўлланмада юристнинг касб этикаси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, умумий этиканинг асослари, одоб-ахлоқнинг тушунчаси ва моҳияти, одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳақидаги қонунчиликнинг ахлоқий асослари, жиноят-протсессуал исботлашнинг ахлоқий асослари, одил судловни амалга оширишнинг ахлоқий асослари, айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг этик ва ахлоқий асослари, суд музокарасининг этик ва ахлоқий асослари, айрим юридик касб вакиллари фаолиятининг ахлоқий асослари, юристнинг касбий фаолиятидаги этикети каби мавзулар атрофлича кенг ёритилган. Ўқув қўлланма бўйича лозим бўлган адабиётлар, қонунлар, норматив ҳужжатлар ва махсус адабиётлар тизимида берилган.

Дарслик юридик олий ўқув юрти талабаларига, тадқиқотчилар ва амалиёт ходимларига, юристнинг касб этикаси масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таклиф: “ахлоқий асослари” сўзлари барча мавзулар билан боғлиқ бўлгани сабабли матннинг сўнгида бир маротаба ишлатилиши лозим.

© А.А. Мухаммадиев, А.У. Эгамбердиев

© Тошкент давлат юридик университети, 2016-йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
ГЛОССАРИЙ	6
И Боб. Юристнинг касб этикаси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	12
ИИ Боб. Умумий этиканинг асослари.....	22
ИИИ Боб. Одоб-ахлоқнинг тушунчаси ва моҳияти.....	37
ИВ Боб. Одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳақидаги қонунчиликнинг ахлоқий асослари	45
В Боб. Жиноят-протсессуал исботлашнинг ахлоқий асослари.....	53
ВИ Боб. Айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг этик ва ахлоқий асослари.....	67
ВИИ Боб. Одил судловни амалга оширишнинг ахлоқий асослари.....	84
ВИИИ Боб. Суд музокарасининг этик ва ахлоқий асослари.....	100
ИХ Боб. Айрим юридик касб вакиллари фаолиятининг ахлоқий асослари.....	111
Х Боб. Юристнинг касбий фаолиятидаги этикети.....	147
Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	162
Юристнинг касб этикаси фанидан тест саволлари.....	163
Мустақил иш – кейс стади учун вазифалар	167
АДАБИЁТЛАР	168

КИРИШ

Изоҳ: Сарик рангга бўялган сўзлар (харфлар) ёки жумлаларни матндан

чиқариш;

Қизил рангга бўялган сўзлар (харфлар) ёки жумлаларни матнга киритиш лозим.

Яшил рангга бўялган сўзлар ёки жумлаларни мазмунан қайта кўриб чиқиш лозим

Ўзбекистон Республикасида суд ва - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари йўналишида бугунги кунда соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга талабнинг ошиб бориши ни тақозо этиши муносабати билан Юристининг касб этикаси фанига бўлган эҳтиёжни оширмоқда туғулмоқда. Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013-йил 28-июндаги 1990-сонли қарорига биноан Тошкент давлат юридик университетида ишлаб чиқилган “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” модули ишчи ўқув программаси ва давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда тайёрланган бўлиб, унинг асосий мақсади талабаларни одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ахлоқий асослари, одил судловни амалга оширишнинг ахлоқий асослари, юридик касбнинг ахлоқий моҳияти, юридик касб вакиллари, хоҳ касбий фаолиятларида, хоҳ хизматдан ташқари вақтларидаги хатти-ҳаракатларига бўлган ахлоқий талаблар билан таништириш, келгусида ўз хизмат вазифаларини профессионал тарзда бажаришлари учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар мажмуини шакллантиришни кўзда тутди.

Мазкур фанни ўрганиш яна шу билан муҳимки, *этика* тушунчаси ва мазмуни юзасидан мавжуд бўлган бошқа давлатлар олимларининг бу борадаги қарашларини ҳам умумлаштириш ва таҳлил қилиш, амалий машғулотларни бажаришда зарур бўладиган меъёрий ҳужжатлар ва юридик адабиётларни топишда кўмаклашишдан иборатдир.

Мазкур фанни ўқитиш таълимнинг анъанавий ва илғор услублари, жумладан *Экспресс сўровлар, тест сўровлари, давра суҳбатлари, коллоквиумлар, илмий амалий анжуманларни ўтказиш, клиник таълим ва*

бошқа услубларни қўллаш орқали амалга оширилиши кўзда тутилган. Тайёрланган слайдлар ва жадваллар асосида доимо проектор ва ноутбук ишлатилади.

Ушбу ўқув қўлланмада *Юристинг касб этикаси* муаммолари ечимига оид баъзи масалалар назардан четда қолган ёки тўлиқ ёритилмаган бўлиши мумкин. Муаллифлар бундай камчиликлар борасида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирадиган китобхонларга олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради ва уларни кейинги нашрларда албатта инобатга олади.

Мазкур ўқув қўлланмани нашрга тайёрлашда беминнат ёрдами **кўрсатгани** учун Тошкент давлат юридик университети “Жиноят-хуқуқий фаолият” соҳаси мутахассислиги талабаси Раҳимов Жаҳонгир Зафаровичга **ушган ҳиссаси учун** алоҳида ташаккур изҳор этамиз.

ГЛОССАРИЙ

**Бу қандай тушунча? Изоҳ бериш керак
ёки “Атамаларнинг хуқуқий маъноси”
деб ўзгартирилиши лозим**

Адолат (араб. - одиллик, одилона иш тутиш) – инсонлар ўртасида хуқуқ ва мажбуриятлар лозим тарзда бўлиниши, қилмиш учун тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақидаги ахлоқий тасаввурлар тушунчаси. Суд одоб-ахлоқининг принципи.

Алтруизм (франс.алтруисме лотинчадан алтес – бошқа) – ўзга инсон манфаати учун ўз манфаатларидан воз кечишга, яқин кишисига беғараз хизмат қилишга йўналтирилган ҳаракат ифодаланган ахлоқий принцип; фидокорлик (қарама-қарши сўз - худбинлик).

Анъана – (арабча – наслдан наслга ўтувчи қоида) ижтимоий ва маданий мерос элементларини такрорлаш, сақлаш ва етказиш усули. Функционал маънода - маданиятда илдиз отган фаолият намуналари, услублари ва кўникмаларини сақлаш ва етказиш механизми.

Ахлоқсизлик (грекча “а” – инкорлик белгиси ва лотинча “моралис” – ахлоқий) – ўрнатилган тартиблар ва умумтанолинган одоб-ахлоқ нормаларини рад этиш. Ахлоқ қонун – қоидаларига хилоф иш, хатти – ҳаракат.

Беғаразлик – ғараз қилмаслик, ўз манфаатини кўзламаслик, холисоналик. Қониктириладиган ёки чекланадиган афзалликлар ва манфаатларга қарамасдан, “ҳақиқатда”, “ким бўлишдан қатъий назар”, фақат принципларга асосланган ҳолда қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган қарор ва хатти-ҳаракатлар хусусияти.

Бурч (ар. бурч) – ахлоқий тушунчалардан бири; жамият томонидан индивиднинг хатти-ҳаракатига қўйилган ижтимоий зарур талабларга эркин амал қилиш; хатти-ҳаракатнинг субъектив принципи сифатида белгиланган маънавий зарурият.

Виждон – (ар. Эҳтирос, ҳис-туйғу, инсоф, диёнат) инсоннинг ўз ҳаракатлари, фикрлари, истакларини танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, ўзининг шахсий камолоти каби заруриятга мос келмаслигини англаш ва қайғуриш қобиляти.

Ғамхўрлик – инсон ҳақида, унинг манфаати ҳақида қайғуриш, унинг ғамини ейиш, ғамхур шахсга хос иш, хатти-ҳаракат.

Гуноҳ – (форс. айб) шариат қонунига, диний ақидаларга хилоф иш, хатти-ҳаракат. Ахлоқ қоидаларининг бузилишини билдирувчи (**жиноят**) тушунча (**жиноят**).

Ёвузлик – эзгуликнинг акси; жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормаларига зид фаолият: моддий ёки маънавий зарар етказди, оғриқларни ва шунга ўхшаш салбий ҳиссиётларни юзага келтиради, кишини таназзулга олиб келади.

Жавобгарлик – одоб-ахлоқ категорияси бўлиб, инсон томонидан қарор қабул қилишга ва бирор фаолиятни амалга ошириш учун белгиланадиган асос сифатида у томонидан қабул қилинадиган бирор нарсага (шартга) тобелиги.

Жазо – (ар. қасос: мукофот, сазо, жарима) айбдорнинг қабул қилинган қонунларни (қоидани) бузиши натижасида имкониятларнинг чекланишини ўз ичига олган ва ижтимоий мавқенинг (ҳуқуқлардан, мол-мулкдан, эркинликдан маҳрум этиш) пасайиши сифатида намоён бўладиган салбий оқибат.

Иллат – (ар. касаллик, дард, камчилик, нуқсон, сабаб) эзгуликка зид, инсон хусусиятининг салбий (маънавий жиҳатдан айбли) фазилати, кундалик хатти-ҳаракатида ахлоқий ёвузликнинг намоён бўлиши (ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, баднафслик, фаҳш, ҳасад ва ш.к.).

Индивидуализм (лотин. Индивидиум – бўлинмас, бутунлай бошқа) – ахлоқ принципи бўлиб, фикрлар, сезгилар ва хоҳиш-истаклар асосига алоҳида бир шахснинг манфаатларини, унинг шахсини коллектив ва бутун жамият манфаатидан устун баҳолаши.

Инсон ҳуқуқи – фуқаролар ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг норматив шакли, ҳукуматнинг фуқароларга нисбатан муносабати. Инсон ҳуқуқлари жамият ва давлатнинг эркинлик шароитида меъёрий ишлаши учун обектив равишда зарур бўлган инсонларнинг фаолияти қоидалари ва усулларига асос бўлиб хизмат қилади.

Камтарлик – комил инсонга хос хусусият, фазилат: ўзига, ўзининг аҳамиятга эга эканлигига ортиқча баҳо бермаслик қобиляти,

ўз фазилатлари ва хизматлари ҳақида жар солмаслик, ўзини тута билиш қобилияти.

Қадрият – (арабча – қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги). Барча халқларда ахлоқий қадриятлар сифатида ростгўйлик, садоқат, катталарга хурмат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик қадрланади.

Мажбурият (арабча – мажбурлик; ноиложлик; бурч, (ахлоқий) – махсус, кўпинча бошқа шахслар, ташкилотлар ва муассасалар билан ҳужжат асосида мустаҳкамландиган муносабатларга киришадиган киши томонидан қабул қилинадиган мажбурият шакли.

Мардлик – кўрқувни енгишда ахлоқий ҳаракатни тавсифлайдиган ахлоқий яхши фазилат; антик дунёнинг энг муҳим тўртта эзгу ишларидан бири (мўтадиллик, донишмандлик, одиллик билан бирга). Ҳозирги кунда “мардлик” тушунчаси асосан қатий фуқаролик позицияси сифатида тушунилади.

Морал (лотин. “моралис” – ахлоқий; “морес” – хулқлар, феъл-атворлар) - тахминан худди ўша грекча этос – феъл-атвор, одат деган маънони билдирган.

Мотив (франс. мотив, лотин. мовео - ҳаракатга келтирмоқ) – ҳаракатнинг асоси; шахснинг ички обектив манфаати ва уни амалга оширишга бўлган хоҳиши.

Одоб – (арабча - “адаб” сўзининг кўплиги) инсонларнинг фикрлаш ва амалий тажрибасида юксак қадриятларни ва муқаррарликни ифодаловчи одатлар, қонунлар, хатти-ҳаракатлар, хусусиятлар ажралиб чиқиши орқали инсон ўзини ақлли, ўз-ўзини англайдиган ва эркин мавжудот сифатида намоён қилиш тушунчаси.

Олтин қоида – маънавий принцип: “Одамлар сизларга қандай муносабатда бўлишини хоҳласангиз, сизлар ҳам уларга шундай муносабатда бўлинг”.

Раҳмдиллик – бошқа кишига нисбатан шафқатли, хайрихоҳли, жонкуяр муносабат (акси – эътиборсизлик, бағритошлик, бадниятлик, адоват, зулм).

Релятивизм (ахлоқий) (лотин. “релативус” – салбий, инкор этадиган) – ахлоқий қадриятларнинг нисбийлиги ва шартлилигини ҳамда инсоннинг хатти-ҳаракатларига шарт қилиб қўйиладиган ахлоқий талабларни тасдиқловчи принцип.

Санксия (ахлоқий) (лотин. “санстион” – қатъий, ўзгартириб бўлмайдиган қонун) – одоб-ахлоқ нормаларининг амалий натижа беришини таъминлаш мақсадида маънавий таъсир ўтказишнинг ташқи шакллари (айблаш, мукофотлаш ва жазолаш усуллари ва ҳ.к.). Расмий санкциялар қонун билан белгиланган қатъий тартибга риоя қилишни

(қонун, меъёрий ҳужжатлар, интизомий қўлланма, ташкилот низоми, кодекс ва ҳ.к.) талаб қилади.

Такаббурлик – ортиқча (ўта) мағрурлик, манманлик, ўзининг фазилатларини ҳаддан ташқари юқори баҳолаш.

Тенглик – тенг ҳолатга эгалик, тенг ҳолатлилик. бундай ҳолатларга нисбатан бир хил муносабатни кўзда тутадиган ва талаб этадиган, ҳар бир шахснинг маънавий мавжудот сифатида ўхшашлигини тасдиқловчи принцип.

Тўғри ва нотўғри – инсон мотивлари ва хатти-ҳаракатларини тегишли ижобий ва салбий баҳолаш орқали ифодаланадиган маънавий тушунча.

Уят – ўз қилмиши, ноурин хатти-ҳаракатидан хижолатлик ҳисси; номус. инсоннинг ўз одамлари ҳамда унга яқин одамларни, мазкур муҳитда қабул қилинган нормаларга ёки тахминий натижаларга номувофиқликни идрок этишни билдирувчи туйғу.

Хушмуомалалик – моҳияти хайрихоҳлик, бошқа кишига яхшилик тилаш (хушмуомалалик турлари: хушфёъллик, илтифот, мулоқимлик) бўлган кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат шакли.

Ҳасад – (арабча – рашк; кўролмаслик, қизғаниш) ўзида бўлмаган бойлик ёки мол-мулкка эгалигини бошқа кишида кўрганда, рақибининг улардан айрилишини исташи билан бирга юзага келадиган ўкинч ва алам ҳисси.

Эркинлик (ахлоқий) – инсоннинг мустақил, онгли ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда ўз хатти-ҳаракатлари шакллари ёки ҳаёт тарзини танлаб олишга қобилиятини тавсифловчи одоб-ахлоқ категорияси.

Этика – амалий фалсафа; одоб-ахлоқ (маънавият) ҳақидаги фан. “Этика” сўзи грекча этос – фёъл-атвор, табиат, одат сўзидан олинган. Уни 2300 йил аввал Арасту муомалага киритган бўлиб, уни инсоннинг – мардлик, мулоҳазалик, ростгўйлик каби хулқ-атворида намоён бўладиган инсоннинг “этик” фазилатлари ва кадр-қиммати деб, мазкур сифатлар ҳақидаги фанни эса “этика” деб атади.

Этикет (франс. “этикетте” – ёрлик, этикет) алоҳида шахснинг ҳурматини таъминлаш, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишга эришиш, шахс табиий равишда фаолият юрита оладиган ва ривожланадиган инсоний маданият қобиғини шакллантириш имконини берадиган мулоқотнинг (атрофдагилар билан мулоқот, мурожаат қилиш ва саломлашиш шакллари, жамоат жойларида ўзини тутиш, инсоннинг хатти-ҳаракати ва кийими тарзи ва б.) ўзига хос шаклидир.

Яхши фазилат – инсоният тимсолини унинг маънавий баркамоллигида гавдалантирадиган ички, руҳий ва маънавий

фазилатларнинг идеал даражадаги мажмуйи; инсоннинг онгли ва қатъий равишда эзгуликка амал қилишига тайёрлиги ва қодирлигини тавсифлайдиган асосли маънавий тушунча.

Яхшилик – яхши хислат, хулқ-атвор кабиларга эгалик. Жамоода ўзининг мавқеи билан (имтиёзли бурч билан бир қаторда) жавоб бера олиши, вазифасига мос келиши ҳақида гувоҳлик берадиган инсонийлик хусусияти, мулоҳазалилик, одамларга қалбан ёндашишлик, бошқаларга ёрдам беришга доимо интилишлик.

I БОБ. ЮРИСТНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- 1§ Юристининг касб этикаси фанининг предмети.**
- 2§ Юристининг касб этикаси фанининг мақсади.**
- 3§ Юристининг касб этикаси фанининг вазифалари.**

Мавзунинг аввалида “юрис” ва “этика” тушунчалари ҳақида тўхталиб ўтишлик лозим бўлади. “Юрис” тушунчаси ўта кенг бўлиб ўз ичига кўплаб касбларни қамраб олади.

“этика” ҳақида, этика фани ва унинг тарихи ҳақида қисқача куйидагиларни айтиб ўтиш мумкин. “Этика” сўзи қадимги грек “этнос” сўзидан келиб чиққан бўлиб, *жойлашган жой, биргаликда яшайдиган макон* маъносини билдиради.

Этика – ахлоқ ҳақидаги философ та’лим, одоб-ахлоқ қoidalari, normalari hisoblanadi.

Этиканинг ўзига хос мезоний тушунчалари бўлиб, улар диалектик алоқадорликни тақозо этади. Бу мезоний тушунчалар ижтимоий тараққиётнинг дастлабки даврларидан пайдо бўлиб, инсон фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жараёнدير. Ахлоқнинг мезоний тушунчалари маънавий ва маърифатни юксакка кўтаришда, кишиларни комиллик томон етаклашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Эрамиздан олдинги аввалги IV асрда *Аристотел* яхши фазилатлиларни ўрганадиган фанни ифодалаш учун янги этика сифатини яратди. Шундай қилиб, *этика фан сифатида* XXIV асрдан *буён этика фан сифатида* кўпроқ мавжуд. Замонавий тушунчада этика бу инсон, жамият ҳаракат фаолиятининг муҳим томонларидан ҳисобланган одоб-ахлоқни ўрганадиган философ фандир. Яъни этика фан сифатида ахлоқни, унинг моҳиятини, табиатини ва тизимини, пайдо бўлиши ва ривожланишини, бошқа ижтимоий муносабатлар орасида тутган ўрнини ўрганади, маълум ахлоқий тизимни назарий асослаб беради.

Odamlar! Eng avvalo ezgu axloqqa ega bo‘lishga harakat qiling, zero axloq qonunning asosidir.

Pifagor

(miloddan avvalgi 576-496-yillar)

Касб этикасида инсон хатти-ҳаракатининг икки қутби - *ахлоқийлик* билан *ахлоқсизлик* ҳолатлари таҳлил этилади. Ахлоқийлик фазилатларда, ахлоқсизлик эса иллатларда намоён бўлади. Бу икки қутб - тушунча кун-тун, оқ-қора сингари бир-бирини инкор ва айни пайтда тақозо этгани ҳолда мавжуддир. Зеро, фазилат, Арастудан тортиб Ибн Синогача бўлган қадимги файласуфлар таъкидлаганларидек, икки иллат

оралиғида рўй беради. Бошқача қилиб айтганда, фазилат икки манфийлик оралиғида юзага келадиган мусбат ҳодисадир. Чунончи, *адолат* - зулм билан мазлумликнинг, *сахийлик* - исрофгарчилик билан бахилликнинг, *иффат* - қизғанчиқлик билан ружунинг оралиғи сифатида воқеъ бўлади.

Мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти қурилиши, яъни унинг икки томони ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши жадал тарзда давом этмоқда. “Айтиш мумкинки, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, - ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир. Айнан шу боис биз “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” концепсиясини ишлаб чиқдик ва бу ғояни изчил амалга ошириш масаласига биринчи даражали аҳамият қаратиб келмоқдамиз”.¹ Фуқаролик жамиятидаги асосий масала инсон ҳуқуқларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ҳисобланади. Бу вазифани эса давлат амалга оширади. Ушбу жараён бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири – фуқаролик жамиятига мос ҳамда фаол

Yuristning kasb etikasi fanining ahamiyati shundan iboratki, u orqali umuminsoniy va milliy axloqiy va estetik qadriyatlarni sohaga, ixtisoslikka qo'llagan holda berish imkoniyati yuzaga keladi.

кишиларни, шу жумладан юристни тарбиялаб етиштиришни ҳам тақозо этмоқда.

Айни вақтда демократик фуқаролик жамиятини қуришга монанд ёшларимизни тарбиялашимиз ҳам зарур. Ёшларимиз соғлом, бақувват, сиёсий етук, зукко, ҳуқуқий саводхон, ахлоқан пок, жасоратли, ватанпарвар ва кенг мушоҳадали бўлиши лозим. Уларда бундай фазилатларни шакллантиришда юристнинг касб этикаси ўқув курси ҳам ёрдамчи вазифасини ўтайди, деган умиддамиз. Бунинг учун биринчи навбатда янгича мафкура – миллий мафкура билан суғорилган дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳам керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2001-йилда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган маърузаларида “Мамлакатимизда ҳуқуқшуносларни тарбиялаш иши ҳамон эскича олиб борилмоқда, ўқитиш дастурларининг сифати, айниқса ҳуқуқнинг устувор йналишлари бўйича замонавий талабларга жавоб бермайди. Уларда эскича ёндашув ва тамойиллар ҳали-ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Ўқитувчиларнинг ўзини қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш тизими ҳамон паст савияда қолмоқда. Улар ўз маҳоратларини ошириш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. - Б.108-109.

устида деярли ишламайди. Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас. Лўнда қилиб айтганда, таълим жараёни ҳам юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқшунослик фани замон талабларидан орқада қолган”², деб таъкидлаган эдилар. Мазкур фан ҳам ушбу эҳтиёжга жавоб тариқасида дастлабки уринишлардан бири бўлиб хизмат қилади.

1§ Юристнинг касб этикаси фанининг предмети

Мустақил Ўзбекистонда кечаётган жамиятнинг янгилаши ҳамда давлат бошқарувини модернизациялаштириш, мамлакатимизни жаҳон тараққиётининг юқори босқичлари томон юксалтириш тақдири кўп жиҳатдан маънавиятга боғлиқ. Ушбу ҳаётий ҳақиқатни ифода этар экан, муҳтарам юртбошимиз Ислон Каримов “**Юксак маънавият - енгилмас куч**”, “**Юксак маънавият – миллатнинг пойдевори**” деб таъкидлайди.³

Бу ҳар бир соҳанинг ўзига хос касбий хусусиятлари, талаблари конун ва қоидалари мавжудлигидан далолат беради. Демак, ҳуқуқ-тартибот, суд-ҳуқуқ тизими соҳасининг ҳам ўзига хос ахлоқ қоидалари мавжудлиги – бор ҳақиқатдир. Юристнинг касбий фаолияти ўта масъулиятли ва оғир касб соҳаларидан биридир. **Бунинг сабаби** – Ушбу соҳа вакиллари ўта масъулиятли ишни - инсон тақдири билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга баҳо бериш, давлат ва жамият манфатларининг устуворлигини таъминлаш билан шуғулланишади. **ар экан, Ҳуқуқшунослик соҳаси вакилларига юксак маънавий талаблар қўйилиши ушбу соҳани танлаган ватандошларимиздан авваламбор, юксак маънавий фазилатларни эгаллашни талаб этиб, уларнинг фаолиятини ган бўлишлиги** давлат ва ҳокимият обрўи, жамиятни янгилаш ва замонавийлаштиришга қаратилган сиёсат тақдири билан боғлайди. **иқдир.**

Юристнинг касб этикасига бўлган эҳтиёжи **асосан** уч омил, аниқроғи - сабаб билан боғлиқ:

Биринчидан, *танланган дунёвий тараққиёт йўлимиз,* - *ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатди..*

Бу эса, жамият аъзоларининг ахлоқий ҳолатига, маънавий маданияти даражасига узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. - Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – Б.47-48.

жамияти фақат юксак ахлоқий фазилатлар шаклланган, қарор топган ва амал қилаётган ижтимоий муҳитда мавжуд бўлади.

Ахлоқий тушунча ва тамойилларнинг, **яъни хусусан** тамойилларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти шундаки, улар киши маънавий фаолиятининг ички дунёсининг турли кўринишларини (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, оилавий ва ҳ.к) идора қилади. Шу боис **кишилар онгида** юқори даражадаги ахлоқ нормалари, қоидалари ва тамойиллари **кишилар онгида** шакллантирилмас экан юқори меҳнат самарадорлигига ҳам, кишилар фаоллигига ҳам, ҳуқуқий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришига асосланган жамиятга ҳам эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, - *ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ахлоққа зид иллатлар (ичкиликбозлик, ўғрилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, турли кўринишдаги жиноятчилик) бор жойда қарор топа олмайди.*

Маъмурий ҳуқуқбузарликка асосланган, тенглик тамойили тенглаштириш сиёсатига бўйсундирадиган, шахснинг жамиятдан, хусусан қоидадан бегоналаштирилган жамиятда ахлоққа зид иллатлар кўпайиши учун шарт-шароитлар мавжуд эди. Ҳар бир соҳада давлат монополияси, хусусан тадбиркорлик ва ишбилармонлик нафақат таъқиб билан тақиқланган даврларда - юристнинг касбий аҳволи бузилган эди. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришни жазолаш воситаси эмас, балки кишиларга тўғри йўл кўрсатиш воситаси **сифатида намоён бўлади. бўлишлигини талаб қилади.** Шу боис **юристининг касб этикасини** ўрганиш замонавий юрист кадрлар учун асосий маърифий талаблардан биридир.

Учинчидан, *юристининг касбий этикасига бўлган эҳтиёж суд-ҳуқуқ тизими ходимлари фаолиятида кузатилаётган эски тузум иллатларидан тезроқ қутулиш, ходимлар фаолиятида ахлоқ нормаларининг устуворлигини таъминлаш, турли ахлоқий оғишларнинг олдини олиш эҳтиёжи билан боғлиқ.*

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2013-йил 30-декабрдаги 104-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасалари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларининг Касб одобномаси **талаблари асосида** бўлажак юрист кадрларни тарбиялаш ушбу соҳанинг асосий эҳтиёжидир. Ходимлар томонидан турли ахлоққа зид хатти-ҳаракатларга (тамагирчилик, зўравонлик, инсон ҳуқуқларини менсимаслик, манманлик, хатто ичкиликбозлик, хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиш ва ҳ.к.) йўл қўймасликка, фаолиятда қонун устуворлигига эришиш касбий ахлоқ

Yuristning kasb etikasi fanining predmeti sud-huquq tizimida faoliyat ko'rsatuvchi xodimlar faoliyati bilan bog'liq bo'lib, huquqshunoslik sohasi xodimlarining kasbiy faoliyatida umuminsoniy va umumaxloqiy normalariga, qoida va talablariga og'ishmay rioya qilish, kasbiy burchga sadoqatli bo'lish bilan bog'liq.

нормаларини чуқур билишликнигина эмас, балки уларга касбий фаолиятда қатъий риоя қилишни ҳам тақозо қилади.

Юристинг касб этикаси бошқа касбий фаолият соҳалари (тиббиёт, журналистика, дипломатия, тадбиркорлик ва ҳ.к.) талабларидан ташқари фақат шу соҳа вакилларига хос ахлоқий талабларни (тергов материалларини судгача сир тутиш, ходимларнинг бир-бирларининг ишларига аралашмаслиги, юқори ваколатли ходимларнинг (прокуратура ходимларининг) адолатни қарор топтирувчи ходимга (судьяга) ўз ҳукмини ўтказишга уринмаслиги ва ҳ.к.) ҳам мавжудлиги билан фарқланади.

Юристинг касб этикаси фанининг *обекти* – жамият ва шахс ҳаётида кузатиладиган ахлоққа зид иллатлардир.

Юристинг касб этикаси фанининг *предмети* эса юқорида таъкидлаб ўтилганидек юристинг касбий фаолияти ва бурчига сadoqatli бўлиши учун муҳим ва зарур бўлган ахлоқ нормаларини, тамойилларини ва қоидаларини ўрганишдир.

2§ Юристинг касб этикаси фанининг мақсади

Yuristning kasb etikasi fanining maqsadi – mustaqil O'zbekiston hayotida yuz berayotgan ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, huquqiy va ma'naviy o'zgarishlar istiqbolida huquqiy davlat va fuqarolik jamiyati uchun har tomonlama va chuqur bilimga ega bo'lgan jismonan sog'lom, aqlan va vijdonan pok, ma'naviy jihatdan barkamol kadrlarni tarbiyalash bilan bevosita bog'liq.

Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Ҳозирги вақтда ислохотлар тақдирини энг аввало давлат ва жамият идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини,

бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз керак” деб таъкидлайдилар.⁴

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жинойтчиликка қарши курашиш, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси тушади. Бу вазифани самарали уддалаш учун суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз сафларини сиёсий жиҳатдан етук ва виждонан пок, адолатпарвар, қатъиятли кадрлар билан тўлдириб бориши ҳамда маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тозалаб туриши лозим бўлади.

Юристининг касб этикаси фанининг мақсади суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга меҳнаткаш, сиёсий жиҳатдан етук, малакали кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ. Бунинг учун улар даставвал ахлоқ категориялари, тамойиллари, қонун-қоидалари ва талаблари ҳақида дастлабки тасаввурларга эга бўлиш^{ли}лари лозим.

Ezgulikdan bir qal'a barpo aylangkim, mahkamlikda anga hech narsa teng bo'lolmas.

*Jaloliddin Rumi
(1207-1273)*

Гарчанд Бу шундай экан, юристининг касб этикаси фанининг мақсади ҳам – талабаларга дастлабки ахлоқий тушунча, назария ва тамойиллар ҳақида билим бериш ҳамда уларнинг касбий фаолияти соҳасида намоён бўлишлигининг хусусиятлари ҳақида тушунча ва тасаввурлар шаклланиб боришидир. Бўлажак юрист кадрларга касбий ахлоқ ҳақида, умумий ахлоқ нормалари ҳақида тушунча бермасликни гапириш оддан олдин аравани кўйиш билан тенгдир.

УШБУ ХАТБОШИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ КЕРАК. МАЗМУНИ ТУШУНАРСИЗ?

3§ Юристининг касб этикаси фанининг вазифалари

Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти суд ҳокимияти фаолияти билан узвий боғлиқ. Шакллантирилаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини одил судлов институтисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг

⁴ I.A.Karimov. O'zbek xalqi hech qachon hech kimdan kam bo'lmaydi. 13-jild.- Toshkent.: "O'zbekiston", 2005. B.239

амалиётда суд ҳокимияти мустақиллигига, эркинлигига эришиш мақсади ҳам одил судловни қарор топтиришдир.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий ахлоқи **шу жиҳатдан** турли шаклларга эга бўлиб, шу маънода *судьялар одоб-ахлоқи қоидалари, ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси, адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, прокуратура органлари ходимларининг касб одобномаси, ёхуд давлат божхона ёхуд солиқ қўмиталари ходимларининг касб одоби* ҳақида гапириш мумкин. Таркиб ва тузилиш жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг касбий ахлоқ қоидалари ҳар бир хизматнинг ички хусусиятларидан келиб чиқади ва жамиятда қарор топган умумий ахлоқ қоидаларига бўйсунди, аниқроғи улар билан уйғунлашади. Касбий ахлоқ ва умумий ахлоқ қоидалари ўртасида ўзаро зиддият истисно этилади. Айрим ҳуқуқий соҳаларда ахлоқ ёки ахлоқ одобномаси ушбу касбга киришни ихтиёр қилган кишига касбий қасамёд шаклидаги ахлоқий талабларни ҳам қамраб олади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси “**Прокуратура тўғрисида**”ги Қонунининг 44-моддаси айнан касбий қасамёдга бағишланган деса бўлади. Ёхуд тиббиёт ходимларининг “Гиппакрад қасамёди” деб юритилувчи касбий деонтология нормаларини касбий этика фанининг таркибига киритиш мумкин. Ушбу фикрни ривожлантирсак “Журналист этикаси”, “Дипломат этикаси” ёхуд “Депутат этикаси” каби касбий этика нормалари тизими хусусида гапириш мумкин бўлади.

Касбий этика ҳақида гапирганда ҳуқуқнинг кишилиқ жамияти ахлоқининг посбони **эканлигини унутмаслик**, ҳар қандай қонуннинг мазмуни ахлоқ нормалари **эканлигини**, қонун ушбу нормаларни киши ва жамият ҳаётида тўғри ишлатилишини таъминловчи восита эканлигини унутмаслик лозим бўлади.

Бу жиҳат умуминсоний сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидалар билан ўзаро уйғунлашиб кетгандир. Миллий қонунчилик, инсонпарварлик, инсон табиий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умуминсоний ҳуқуқий нормаларга бўйсун**адиган** ва уларнинг устуворлигига асосланади. Мисол тариқасида БМТ томонидан 1948-йилда қабул қилинган “**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**”, 1966 йилда қабул қилинган “**Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги**” Халқаро пакт ва бошқа ҳужжатларни келтириш мумкин. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”ни *одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий маданият алифбоси*, десак муболаға бўлмайди.

“Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi”ning 1-moddasiga binoan hamma odamlar o‘z qadr-qimmatini va huquqlarida erkin va teng bo‘lib tug‘iladilar. Ularga aql va vijdon ato qilingan, binobarin bir-birlariga nisbatan birodarlik ruhida munosabatda bo‘lishlari kerak.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг **29-моддасига** мувофиқ ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умумфаравонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак.

Қайд қилинган Пактнинг **10-моддасида** эса, озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан инсонийларча муносабатда бўлиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш талаб қилинади.

Бугунги кунда барча давлатларнинг конституциявий қонунчилигида суд ҳокимиятининг ташкилий жиҳатларидан ташқари ахлоқий мазмуни ҳам эътиборга олинган, инсон ва унинг ҳаёти, кадр-қиммати, манфаатлари олий кадрият деб тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон, унинг ҳаёти энг олий кадрият бўлиб, амалдаги миллий қонунчилигимиз юксак инсонпарварлик ғояси билан суғорилган бой мазмунга асослангандир.

Xalqimizda shunday gap bor: hokimiyat kursisida o'tirganlarga insof bersin, ular adolatli bo'lsin. O'ylaymanki, har bir hokimiyat tarmog'i chinakam adolatli bo'lganda (buning uchun ular avvalo mustaqil bo'lishi kerak), kuchlarni shunday nisbati vujudga keladiki, bunda diktatga, yakka hokimlikka o'rin qolmaydi, odamlar o'zlarini yanada erkin his etadi va ularda o'z qobiliyatlarini ro'yobga chiqarish imkoniyati ortadi.

Islom Karimov

Жумладан, Конституциянинг **18-моддаси** барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг жинси, ирки, миллати, тили, динидан, ижтимоий келиб чиқишидан ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди. Ушбу нормада *инсонпарварлик тамойили* акс этганлигини кузатамиз. Инсонпарварлик тамойили бош қонун асосида яратилган ва яратилаётган барча қонунларимизда марказий ўринни эгаллайди.

Юристининг касб этикаси фани айнан шу инсонпарварлик тамойилини суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари

фаолиятида устувор касбий тамойил эканлигини таъминловчи фан соҳасидир. Жиноят–протсессуал қонунчилигимиз ҳам айнан бузилган ҳуқуқларни тиклаш ёхуд ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракатларни жазосиз қолдирмасликдан иборат. Демак, одил судловни амалга оширишга бўйсундирилган. Жиноят қонунчилиги шахс ва жамиятни ижтимоий аҳволи, тажовузлардан ҳимоя қилади, жиноий хатти-ҳаракатларнинг инсон ва жамият ҳаёти учун қанчалик зарарли ёки хавфлиликдан келиб чиқиб жазо тайинлайди. Бу умумий ахлоқ категориялари – *яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик* категориялари асосида амалга оширилади. Бунинг учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судья ушбу категориялар мазмунини чуқур билиши ва уларни кўрилаётган ишга мазмунан татбиқ қилиши лозим бўлади. Бу ўз-ўзидан касбий ахлоқни умумий ахлоқ нормалари билан узвий боғлаш заруриятини юзага келтиради. Бугунги касбий ахлоқнинг мазмуни юксак ахлоқий нормалар билан тўлдирилган бўлиб, бу бирданига юзага келмаган. Жиноят қонунчилигининг тарихида инсон кадр-қиммати камситилган, инсонни қийноққа солган, унинг ҳаёти қадрсизланган, инквизитция судлари, тоталитаризм ҳуқуқшунослиги даврларини бошдан кечирган. Бугунги касбий ахлоқ қонуни жазо воситаси эмас, балки кўпроқ тарбия воситаси бўлишлигини таъминлашга қаратилган.

Юристинг касб этикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири – инсон тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳис туйғуга **берилмаслик**, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ёхуд миллатчилик каби туйғуларга берилмаслик одил судловни амалга оширишнинг барча босқичларида ахлоқ нормаларига оғишмай риоя қилишини ўргатади.

Бу жиҳат *афсонавий адолат маъбудаси* – **Фемида** образи орқали ифода этилади. Кўзи боғлиқ, тарозини кўлида ушлаб турган аёл образи – одил судлов рамзидир. Бу рамз, символ ҳар бир ҳуқуқшуносга таниш. Ушбу рамзларга риоя қилиш юристинг касб этикаси нормаларига риоя қилинишни аниқлатади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари сафини кенгайтирувчи ёш кадрларни малакали қилиб тарбиялашда, уларнинг ўз касбий бурчлари ва вазифаларини самарали бажаришларида афсонавий Фемида образини **ўз фаолиятларида** ўзига хос андоза қилишларига эришиш – касб

Yurtboshimiz I.Karimov sud-huquq islohotlari haqida gapirar ekanlar jinoiy jazoni liberallashtirish jarayonida bundan buyon sud, prokuratura va ichki ishlar idoralari bilan bundan buyon jazolovchi idoralar emas, balki kishilarga to'g'ri yo'l ko'rsatadigan, ularga qonun va qoidalarni hurmat qilishga o'rgatadigan idoralar

этикасининг вазифаларидан биридир. Юристнинг касб этикасининг яна бир муҳим хусусияти – унинг жамият ва давлат қурилиши, уларни бошқариш йўллари билан узвий боғлиқлигида кўринади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими – даставвал давлат хизмати ходимидир. У ўз касбий фаолиятида жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқади, уларни одил судлов жараёнларининг барча босқичларида ҳимоя қилади. Бунинг бош сабаби - ҳуқуқий давлатнинг асосий талабларидан – қонун олдида барчанинг тенглигини **таъминлаш таърифлаш**, шахс ва жамият фаолиятининг барча кўринишларида қонун устуворлигига эришишдир. Касб этикаси фанининг асосий вазифаларидан бири – фуқаролик қонун талаблари бўйича яшаш, ўрганиш, ҳуқуқий тарбиядир. Бунинг учун “*Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи*”, даставвал суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимининг ўзи қонунга итоат этмоғи, бошқа фуқаролар учун намуна бўлмоғи лозим. Юристнинг касб этикаси бўлажак ҳуқуқшуносга касбий фаолиятда умумий ва касбий ахлоқий нормалари, тамойиллари, ўзига хос тарихан жамланган қонун-қоидалари ва талабларига риоя қилиш^{нига} ўргатади.

Назорат учун саволлар:



1. Юрист ва “этика” тушунчалари ҳақида нима биласиз ?
2. Этика тушунчаси тўғрисида ва унинг фан тарикасида пайдо бўлиши ҳақида гапиринг.
3. Юристнинг касб этикаси фанининг предмети нимадан иборат?
4. Юристнинг касб этикаси фанининг мақсади нимадан иборат?
5. Юристнинг касб этикаси фанининг вазифалари ҳақида гапиринг.
6. Юристнинг касб этикаси фанининг қандай аҳамияти бор?

II БОБ. УМУМИЙ ЭТИКАНИНГ АСОСЛАРИ

1§ Ахлоқ ва юриш-туриш қоидалари.

2§ Этиканинг ривожланиш тарихи.

3§ Асосий этика қоидаларининг хусусиятлари

1§ Ахлоқ ва юриш-туриш қоидалари

Юқорида келтирганимиздек, “этика” термини қадимги грек “эмос” сўзидан келиб чиққан бўлиб - урфлар, одатлар, хулқ-атворларни билдиради ва **этика** фан сифатида узоқ тарихга эга.

Этика бу одоб-ахлоқ ҳақидаги фандир. Одоб-ахлоқ ижтимоий онг шакли бўлиб, унда жамиятда яшаётган кишиларнинг ғоялари, тасаввурлари, тамойиллари ҳамда юриш-туриш қоидалари ўз аксини топади. Ахлоқ ва юриш-туриш қоидаларини синоним тариқасида қўллаш мумкин. Маълумки, жамиятда кишиларнинг юриш-туриш қоидаларини тартибга солувчи турли ижтимоий нормалар мавжуд бўлади. Бу ижтимоий нормалар ижтимоий жамоа ёки гуруҳлар доирасида умумқабул қилинган қоидалар ёки ахлоқ намуналари ҳисобланади. Бу нормалар жамиятда одамларнинг юриш-туришини тартибга солувчи восита, келишилган жамоавий ҳаракатларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Ахлоқий нормаларнинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун бошқа ижтимоий нормаларни кўриб чиқишимиз лозим бўлади.

Масалан, одатларни олайлик. Одатлар авлоддан авлодга ўтиб келаётган умумқабул қилинган ва такрорланиб келаётган кишиларнинг ахлоқ қоидалари шакллари бўлиб, ижтимоий ва маданият тажрибаларини авлоддан авлодга ўтказиб келиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Маросимлар - бу маросимларни ўтказиш тартиб-қоидаларидир. Анъаналар - бу инсонларнинг у ёки бу жамиятдаги вақтлар давомида синовлардан ўтиб узоқ муддат яшаб келаётган ахлоқ нормалари ҳисобланади. Ҳуқуқ - бу давлат томонидан қабул қилинадиган ва қўриқладиган ахлоқ қоидаларидир. Дин - бу борлиқ оламни яратувчи Оллоҳ ҳақида инсонларнинг тасаввурига асосланган инсоният жамиятининг руҳий-ахлоқий қоидалари ҳисобланади.

Жамоат ташкилотларининг нормалари бу ушбу жамоат ташкилотларининг ўзлари томонидан қабул қилинадиган ва ушбу ташкилотларнинг уставларида кўзда тутилган жамоат таъсир чоралари воситасида ҳимоя қилинадиган муомала қоидаларидир.

Ушбу юқорида санаб ўтилганлардан фарқли ўлароқ, ахлоқ нормалари бу жамиятда инсонларнинг яхшилик билан ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шаън, қадр-қиммат ҳақидаги тасаввурларига мувофиқ ҳолда ўрнатиладиган қоидалар ҳисобланади.

Одоб-ахлоқ нормалари ноҳуқуқий тусдаги ҳужжатларда mavjud bo'ladi. Ularga turli xil kodekslar, qasamyodlar va boshqalar kiradi. Bunga misol qilib 1979-yilning dekabrda BMT Bosh Assambleyasining 34-sessiyasi da tomonidan qabul qilingan huquqiy tartibotni qo'llab-quvvatlash bo'yicha rahbar xodimlarning odob-axloqi Kodeksini keltirish mumkin. Ushbu Kodeksda huquqni himoya qiluvchi organlarning, birinchi navbatda jinoyat ishi bo'yicha tergov olib borayotganlarning inson qadr-qimmatini hurmat qilish va himoyalashini, inson huquqini qo'llab-quvvatlash va himoya qilishini (2-m.), oxirgi zarurlardagina va ularga yuklatilgan vazifalarni bajarishga talab qilinadigan darajadagina kuch ishlatishni (3-m.), o'z faoliyatini amalga oshirish davomida olingan maxfiy tUSDagi ma'lumotlarni, agar o'z vazifasini bajarish yoki odil sudlov boshqacha talab qilmasa, sir saqlashi lozimligi (4-m.), qiynash yoki boshqa shafqatsiz, noinsoniy yoki qadr-qimmatni toptaydigan har qanday harakatga murosasiz qarashlik lozimligi belgilab qo'yilgan.

Yodda tuting!

Etika fanining asoschisi bo'lib buyuk qadimgi grek faylasufi **Sokrat** (e.o.gi 469-399) hisoblanadi. Insoniyat tarixida buyuk etikashunoslar sifatida **Platon** (e.o.gi 428-328), **Aristotel** (e.o.gi 384-322), **Seneka** (e.o.gi 4-yil – eramizning 65-yili), **Mark Avreliy** (121 – 180), **Avgustin Blajenniy** (354 – 430), **B. Spinoza** (1632 – 1677), **I. Kant** (1724 – 1804), **A. Shopengauyer** (1788 – 1860), **F. Nitsshe** (1844 – 1900), **A. Shveytser**ni (1875 – 1965) **kirितिш mumkin.**

Бу нормалар баъзан ҳуқуқ деб аталади ва хулқ-атвор қоидаларини ўзида ифодалайди ва ахлоқий нуқтаи назардан олганда “яхши хулқ-атворлар”, “жиной хулқ-атворлар”, “хулқ-атворларни тузатиш”лар деб баҳоланади.


2§ Этиканинг ривожланиш тарихи

Этика моҳият ҳақидаги, ахлоқнинг келиб чиқиши ва тарихий ривожланиши, унинг ўзига хос хусусий вазифалари ҳақидаги фан бўлиб ўзининг бой тарихига эга.

Одоб-ахлоқ ҳақида кўплаб буюк мутафаккирларимиз шуғулланишган, қимматли фикрларини ўз асарларида айтиб

колдирганлар. **Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ибн Искандар, Амир Темур, Алишер Навоийлар**нинг ахлоқ тўғрисида айтиб кетган қимматли фикрлари жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлди.

Қадимги даврлардан, **хусусан энг муҳими** 2500 йил олдин *Қадимги Греция*да фанларнинг ривожланган вақтлардан бошлаб, одамларни ёмон ҳаракатлардан сақлаган ахлоқий сезги тушунчалари **нинг** моҳияти **ва** пайдо бўла **иши масалалари вужудга кела** бошлади. Инсонда нима ахлоқий деб аталиши тўғрисида илмий тушунтиришга уринишлар бўлиб ўтган. Айнан ўша синфий цивилизацияга ўтиш замонида **фалсафий философ** билимнинг мустақил бир қисми сифатида қайд этиш вужудга келган.



Этикадан олдинги давр. Ибтидоий жамиятнинг мулкый табақаланишининг юқори босқичини акс эттирувчи **Ҳомер** дostonларидаёқ муҳим қарама-қаршилиқлар учрайди. Бир томондан олганда *Ҳомер қаҳрамонлари* ахлоқли. Улар ўз **қабиласига тегишли**, қабиласи учун курашадилар ва бу уларнинг ҳаёт мазмуни ҳисобланади. Ватан, қабилла шаъни, жангчининг шон-шарафи, дўстлик, оиланинг фаровонлиги уларнинг хулқ-атвори асосини ташкил этади. Бошқа томондан қаралганда, на “*Илиада*”да ва на “*Одиссея*” да аниқ белгилаб қўйилган *ахлоқ кодекси* мавжуд эмаски, унга риоя қилишлиқ ахлоқнинг мезони ҳисобланса.


Гесиодада бошқача ҳолатни кўриш мумкин, қайсики синфий цивилизация даврига тўғри келади. Унинг дostonлари ахлоқий маъно билан суғорилган. Асосий қадриятлар тариқасида *Гесиод* меҳнат ва адолатни илгари суради ва унинг тагида авайлаб асраш, ҳисоб-китоблиқ, қонунийликни ва умуман олганда мулкни мустаҳкамлашга қар...

Adolat va ezgulikdan ayri tushgan har qanday bilim dog'ulilikka aylanadi. Uni donolik deb atash nojoizdir.

Suarot

Антик этика. Эрамиздан **аввалги олдинги** V асрда фалсафанинг инсон муаммолари тарафига бурилиши, этиканинг шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнади. *Антик этика*да иккита асосий йўналишни айтиб ўтиш мумкин:

- биринчиси – софистлар ва ахлоқни инкор этувчилар, улар ахлоқий талабларнинг мажбурийлигини инкор қилади;
- иккинчиси – Қадимги Грециянинг буюк мутафаккирлари **Сократ**, **Платон** (е.о. э.а.ги V аср), **Аристотел** (е.о. э.а.ги IV аср), **Эпикур** (е.о. э.а. III аср) ахлоқ фани тариқасида этикага асос солганлар.



Софистлар мактабининг **бир** вакили бўлган – **Протогор** (е.о. э.а. V–IV асрларнинг охири) фикрича, *ахлоқ муайян бир даврда ҳар бир инсоният жамияти учунгина бўлади*, шу сабабли ахлоқий талаблар барча халқларда ҳар хил бўлади, яхшилик ва ёмонлик тушунчалари нисбий ҳисобланади.

Софистларга **Сократ** (е.о. э.а.ги 469-399) қарши чиқди. Унинг фикрича, *яхши фазилатли деганда бошқаларни сиқиштирмасдан уларга нисбатан адолатли бўлиш, фақат ўзигагина эмас балки жамиятга хизмат қилишга қодир бўлиш, бунингсиз жамиятни тасаввур қилиб бўлмайди*. Бу борадаги антик ютуқларнинг якуни **Аристотелнинг** (е.о. э.а.ги IV аср.) этикаси бўлиб, у биринчи бўлиб этикани яхши фазилатлилар ҳақидаги теоретик фан тариқасида **илгари ҳам таъкидлаганимиздек** тизимга солган ва унга ном берган. Аристотелнинг таълимоти бўйича адолатли одам томонидангина содир этилган ҳаракатлар адолатли ҳисобланади.

Agar saltanat har qanday talabga javob bersa-yu, ammo uni donishmandlik tark etsa, mamlakat hukumatsiz qoldi deyavering.

Forobiy (Abu Nasr Muhammad ibn Tarxon ibn O'zlug' al Forobiy at-Turkiy)
(870-950)

Ўрта аср этикаси. Ўрта аср этикаси *диний этика* бўлиб қолди. Агар антик этика инсоннинг ахлоқий юксалиши унинг ўзига боғлиқ, ахлоқ кишининг яхши фазилатлари мажмуи бўлса, ўрта асрдаги *этиканинг ахлоқий талаблари худонинг амри* каби бўлади.

Янги давр этикаси. Ушбу давр ахлоқ концепсиясини **Т.Гоббс** яратган. Унинг таълимотига биноан, *ахлоқ тушунтиришига муҳтож, дунё ахлоқий баҳо нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.*

Шу сабабли **Гоббс** ижтимоий ахлоқ **учун ни** жазолаш хавфи билан кўрқитиб турадиган ҳокимият керак деган хулосага келади ва бу бир кишининг ёки одамлар йиғининг ҳокимияти**ми бўладими**, қатъий назар барча **унга** бўйсунishi керак. Давлатда табиатдагидай куч қонунни яратади. Давлатнинг хоҳиши олий қонун. Тинч яшаш фақат қудратли давлат кучига бўйсунish билан амалга оширилади.

XIX асрнинг 40-йилларида *марксистик назария* вужудга келди ва у кишилик жамиятининг ривожланишига моддий нуқтаи назардан қаради.

Марксистик этика қоидалари қуйидагиларда белгиланади:

1 • Inson nima qilishi kerakligini aniqlashda u o'zi nima edi.

2 • Insonning mohiyati barcha ijtimoiy munosabatlar majmuidir.

3 • Axloq inson jamiyati bilan, insoniyat bilan uchrashganda yuzaga keladi.

Замонавий этика. XX аср ахлоқ назарияси орасида *зўрликка асосланмаганлик этикаси* **бўлиб бутун дунёда** тарафдорлари **дунёда** кўпайиб бормоқда.

Тарихда **бўлгани каби**, ҳозирда ҳам давлатлар **ўртасидаги**, миллатлар **ўртасидаги**, кишилар ўртасидаги низоларни куч ёрдамида ҳал қилишга **оид қарашлар** мавжуд.

Куч ишлатмаслик этикаси эса низоларни куч ишлатишни истисно қилувчи бутунлай ўзгача ёндашишдир.

“*Ҳақиқий этика сўздан фойдаланишни бекор қилинган жойда бошланади*” деган **А.Швейтсер**нинг сўзларида катта маъно ётибди. Унинг этика концепсияси актив мақсадли фаолиятга чақиради, ҳаётнинг барча мавжуд формаларини сақлаб қолишга, одамларга шараф билан хизмат қилишга, уларга ҳаётининг бир парчасини, муҳаббатини, меҳрини беришга даъват қилади.

Ахлоқ тўғрисида Шарқ мутафаккирлари ва давлат арбоблари кўплаб қимматли фикрларни билдирганлар. Улардан Абу Наср Фаробий “**Фозил одамлар шахри**” асарида, Юсуф Хос Ҳожиб “**Қутадғу билиг**” асарида, Кайковус “**Кайковус**” асарида, Амур Темур “**Тузуқлар**”ида, Алишер Навоий кўплаб асарларида давлат раҳбари, вазирлар, қозилар ахлоқи ҳақида ибратли сўзларни келтирган.

Марказий Осиёда Уйғониш даврининг буюк мутафаккири *Абу Наср Фаробий* “**Фозил одамлар шахри**” асарида бу шаҳарга ҳоким бўладиган одам шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн икки хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, деган эди.

➤ Фозиллар шахри ҳокими *аввало* тўрт мучаси соғ бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим, деб таъкидлаган.

➤ *Иккинчидан*, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур.

➤ *Учинчидан*, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тавсилотларини унутмаслиги лозим.

➤ *Тўртинчидан*, у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур.

➤ *Бешинчидан*, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур.

➤ *Олтинчидан*, у устозлардан таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур.

➤ *Еттинчидан*, таом ейишда, ичимликдан очофат эмас, ўзини тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур.

➤ *Саккизинчидан*, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур.

➤ *Тўққизинчидан*, у ўз кадрили билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олий ҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур.

➤ *Ўнинчидан*, бу дунё молларига, динор ва дирҳамларига кизикмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур.

➤ *Ўн биринчидан*, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур.

➤ *Ўн иккинчидан*, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги керак.

Мободо бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлса-ю, аммо донишмандлар бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

Юсуф Хос Ҳожиб “**Қутадғу билиг**” (“*Қутга, яъни бахт-саодатга элтувчи билим*”, 1069-йилда ёзилган) асарида мансабдор шахсларнинг фазилатлари, уларга бўладиган ахлоқий талабларни баён қилганлар. Жумладан, беклар, яъни мамлакат бошлиғи, вазирлар ҳақида гап юритганлар. Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, бек доно, ботир, шерюрак бўлиши керак. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазакор бўлиши тақозо этилади. Очик юзлик бекнинг фазилатларидан бири.

XI асрнинг 82–83-йилларида Фарбий эрон подшоҳининг набираси *Кайковус ибн Искандар* ўз ўғли **Гулоншоҳ**га бағишлаб “**Насихатнома**” сини яратади ва ўша давр анъанасига кўра, уни бобоси подшоҳ *Шамс-ул Маолий* шарафига “**Қобуснома**” деб атайди. Ана шу асарда “*Илм талаби ва қозигарлик зикрида*” деб номланган боб бўлиб, унда бўлғуси қозиларга уларнинг ахлоқи қандай бўлиши кераклиги тўғрисида маслаҳатлар берилган. Жумладан, унда қуйидаги фикрлар келтирилган:

“Ҳар киши ҳар ишни қўлга олса, ул ишни яхши билсин ва уни кўп варзиш (яъни машқ, одат) қилсин, токи ул ишдан кўп наф кўргай”.

“Эй фарзанд, агар донишмандликда баланд даражага етиб, қози бўлсанг, оҳиста ва тамкин бўлғил ва тез фаҳм, соҳиби тадбир, пешбин (олдиндан кўрувчи), мардумшунос (одамларни текшира олувчи) ва соҳиби сиёсат бўлғил, ҳар гуруҳнинг урф-одатидин, йўл-йўриғидин хабардор, ҳар қавмнинг мазҳабидин огоҳ бўлғил. Керакдурким, қозилик хийлалари сенга маълум бўлғай. Агар бир вақт бир мазлум олдинга

келса, унинг гуноҳи бўлмаса ва зулм этиб, унинг ҳаққи бекор кетар бўлса, ул мазлумнинг фарёдига этғил ва тадбир юзидан ул мустаҳикқа ҳаққин эткурғил”⁵.

Юқорида берилган фикрлардан кўриниб турибдики, қозилар, (яъни ҳозирги кундаги судьялар) донишманд кишилар саналган. Улар барча инсоний фазилатлар эгаси бўлиб, қолган кишиларга ўз ахлоқлари билан намуна бўлишган. **лари лозим.**

Амир Темур Тузукларида қайд этилишича, салтанат ишларида энг биринчи галда *тўрт нарсага* амал қилиниш лозим:

1. *Кенгаш;*
2. *Машварат-у маслаҳат.*
3. *Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик.*
4. *Эҳтиёткорлик*⁶.

Давлатни шакллантириш борасида эса у яна муҳим саналган *тўрт устунга* суяниб фаолият юритган:

1. *Ислом ва шариат қоидалари*
2. *Тўра ва тузуклар*
3. *Хазина*
4. *Раият ва аскар*

Соҳибқирон Амир Темурнинг бундай қарорга, жиддий тўхтама келиши - давлат юритишда мазкур тамойил ва устунларга суяниши ўз-ўзидан ёки қайсидир бир сиёсий тизимларга таяниш орқали эмас, балки у аждодларнинг давлатчилиқ ва қонуншунослик борасидаги энг яхши анъаналарини замонасининг талабларига уйғунлаштирди, уларни адолатли тамойиллар даражасига кўтара олди, чунончи ушбу қарорга келишгача бўлган даврда энг олий анъаналардан тортиб, ҳатто пири **Зайнуддин Абубакр Тойибодий**нинг маслаҳатларигача пухта ўрганди, унга суяниб иш тутди.

Хусусан, у “мактубда (пири Зайнуддин Тойибодийнинг хати кўзда тутиляпти) ёзилган сўзлар салтанат ишларида мен учун энг тўғри йўлбошчи эди”, – деб ёзган эди. **Шунга кўра**, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим” - деб ёзади Амир Темур бобомиз. Мазкур фикрнинг аслида, бугунги кунда ҳам катта нуфузи бор. Зеро, **XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида** Яқин Шарқ, Афғонистон можароларида, мурасага келиш, Темур бобомиз тили билан айтганда, кенгаш ва машварат лозимки, можароларнинг қурол кучи билан тинчитаман, деганлар фақат қонли тўқнашувлар, ур-йикитлар ва хунрезликни келтириб чиқарадилар. Амир Темур, ҳатто шундай оғир

⁵ Кайковус. Қобуснома. –Т.: “Ўқитувчи”, 2006. - Б.122-123.

⁶ Темур тузуклари. – Тошкент, 1996. - Б.24.

вазиятларни, энг қийин ва мураккаб ҳолатларда ҳам тўққиз марта кенгашиб, тадбир ишлатиб, ҳал этиш лозимлигини таъкидлар экан, бу нафақат ўз замонаси, балки келажакка ҳам адолатли хитобки, инсон бор экан, дунё бор экан, бу сиёсий қарашлар ва одилона белгиланган қонунлар ўз кучи, салоҳияти, нуфузини йўқотмайди.

Кўриниб турганидек, адики, Амир Темур ҳар қандай сиёсий можароларни бир тўғри тадбир билан жиловлаш мумкинлигини одиллик ила олға суради. Шу боис ҳам у “тадбиркор ва ҳушёр киши минг-минглаб лаёқатсиз кимсалардан яхшидир”, дейди. Ғалаба, муваффақият ҳақида эса янада одилона фикр юритиб: “ғолиб бўлмоқлик тангрининг мадади ва бандасининг тадбири билан” амалга ошишини таъкидларди. биларди.

“Donishlar demishlarkim, o‘z o‘rnida qilingan tadbir bilan sanoqsiz lashkar qilichi ojizlik qilgan har qanday mamlakat darvozasini ochib, behisob lashkarni yengib bo‘lur”.

Amir Temur

Men o‘n ikki ishni qilib, saltanat martabasiga yetushubdurman va ul o‘n ikki ish bila mulkgirlik va mulkdorlik qilib saltanatim o‘zangiga zeb-ziynat berdim.

*“Qissai Temur”
Amir Temur*

Хусусан, у тажрибасига таяниб, кенгашнинг икки турли бўлишини, биринчиси – тил учида айтилгани, иккинчиси чин юракдан чиққани эканлигини айтади. “Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим, - дейди у, - юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим”, дерди у.

Подшоҳлар учун тўғри сўз, ҳаққоний хабарнинг фойдаси кўп, чунки ёлғон давлатни емиради. Амир Темур тўғри сўз кишига ҳурмат билан қарайди: “қайси киши ақлга сикқан бир ишни қуюниб гапирса, суйиб эшитар эдим; кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга қулоқ солардим; ҳар кимдан кенгаш сўрар эдим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини тавлаб олардим».

Амир Темур нуқтаи назарида салтанатни бошқаришда 12 тамойилга асосланиш керак:

► Биринчиси, қонун-қоидага эътибор қаратадиган бўлсак, у ўзини ёлғиз, танҳо ҳукмрон ҳисобламайди: оламнинг яратувчисини, унинг

буюклигини тан олади, элчи Расулуллоҳ динига содиқлигини ва шариатга нафақат ўз юртида, балки бутун дунё бўйича ривож берганлигини эътироф этади.

► *Иккинчиси, у ўн икки табақа, тоифа ёрдамида мамлакатни идора қилдим, дейди.*

► *Учинчиси, у хоҳ мамлакатни забт этиш, хоҳ ғалабани кўзлаган бўлсин, аввало, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликка эътибор қаратди, салтанат ишларида мураса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат қўл келишини айтади, унинг фикрича, подшоҳ гоҳо кўп нарсани билиб турса ҳам билмасликка олиши керак. Чунки давлатнинг майда-чуйда, икир-чикири кўп, улар орасида ўралашиб қолмаслик керак. Бундан сабоқ шуки, миллат, халқ жабр-у зулм кўрмаслиги, мустамлакачилар оёқлари остида хор-зор бўлмаслиги; унинг ғурури, шон-шавкати, ор-номуси топталмаслиги учун миллат ва халқ бошида турган раҳнамолар салтанат юритиш борасида, аввало, қонун устуворлигига эришмас эканлар, ундай давлат фуқароси охири-оқибат жуда кўп азоб-уқубатларга дучор бўлади.*

► *Тўртинчиси, бу хил салтанат қонун-қоидаларини мустаҳкам тутиш, ҳар бир кишини мансабга тайинлаганда, у ўз мансабини суиистеъмол қила олмади ва бошқаларникига ҳам кўз олайтирмади.*

► *Бешинчиси, Амир Темур ҳар бир қалб эҳтиёжсини қондиришига, уни зар-у зеварлар билан зийнатлашга ҳаракат қилганки, билъакс, инсон ҳақ-ҳуқуқини англаб, меҳнат қилар экан, яшаш эҳтиёжи билан ҳисоблашади, меҳнат қилиб, истаганидек турмуш кечирмас экан, ундаги фаолликни кучайтириш, шижоат ва гайратни ошириш қийин. Шунингдек, амирлар, сипоҳсоларлар, баҳодирларнинг иттифоқлиги ва бирлиги ғалабани таъминлашда асосий ўрин тутган.*

► *Олтинчиси, Амир Темур давлатда зулм бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди ва жабр-зулм юритишига қарши туради. Динсиз жойларда давлат туриши мумкин, аммо зулм бор жойда у таназзулга учрайди, бобосининг ушбу ўғитларига амал қилган З.М.Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгач, ҳатто энг ашаддий душманлари билан ҳам мураса-ю мадорага келиб, жабр-зулм ўрнига адолат пойдеворини яратди, шу боис ҳам унинг авлодлари узоқ ҳукм сурдилар.*

► *Еттинчиси, ажойиб фазилатли инсонлар қадрланиши лозим, шижоатли кишиларни яқин тутиш керак, уламо билан суҳбатда бўлиб туриш давлат ишларида катта фойда келтиради, аммо зинҳор-базинҳор бузуқи ва оғзи шалоқ кимсаларни мажлисларга яқин йўлатмаслик, уларнинг тухматларига, ғийбатларига эътибор қаратилмаслик лозим.*

► *Саккизинчиси, Амир Темурнинг фикрича, подшо бир ишга киришдими, унга бутун фикри-зикри, кучини бериши, битмагунича ишдан қўлини тортмаслиги керак. Бир сўз айтдими - бажарсин.*

Қадимдан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг давлатчилик борасида олиб борган сиёсатлари, қонунлари, **турмуш** туриш-турмушларини ўргансин, улардан намуна олсин. Давлатларнинг таназзулга учраш сабабларини сўраб суруштирасин ва давлат-у салтанат заволига сабаб бўлувчи, очарчилик ва вабо келтирувчи ҳолатлардан эҳтиёт бўлсин.

Одатда, подшолар шундай фаровонлик ва тўкин-сочинликни орзу қиладилар. Биз бу далил-исбот орқали Амир Темур ўз давридаёқ “Тузуқлар”ида баён этган қонун-қоидаларга амал қилиб, раият учун шундай ҳаётни таъмин этганига гувоҳ бўламиз.

► *Тўққизинчи* тамойилда биз бунинг яна бир тасдиғини топамиз: “*Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға ўрнида, кичикларни фарзанд қаторида кўрдим*”. Соҳибқирон ҳар бир мамлакат аҳволидан доимо воқиф бўлиб туради.

► *Ўнинчиси, унга хизматга кирган бошқа қабила, эл, элатнинг улуғларига ҳурмат кўрсатди, яхшиларга яхшилик қилди, ёмонларни ўз ёмонларига топширди. Узр сўраб келганларни кечирди.*

► *Ўн биринчиси, давлат мансабларини тақсимлаганда, ўз яқинларини, таниш-билиш, ошна-оғайниларини унутмади. Ҳатто душмани билан келишиб яшади.*

► *Ўн иккинчиси, хоҳ дўст, хоҳ душман бўлсин, навкарларнинг иззатини жойига қўйди. Ўз валинеъмати туз ҳақини оқлаган сипоҳни ҳам беҳад қадрлади. Сотқинларни эса ўз душмани деб билди. Масалан, Тўхтамишхоннинг амирлари вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳузурига паноҳ излаб келишганда, “соҳибни берган туз ҳақиқа хиёнат қилганлар менга вафодорлик қилармиди”* дея улардан юз ўгирди.

Tarixiy faktlar

Amir Temur musulmon hukmdori sifatida davlat ishlarini yuritishda o‘z davrining ijtimoiy-siyosiy hayotidagi yetakchi omillaridan ustalik bilan foydalandi:

- *har bir ishda, hatto muomalada ham me’yorni unutmadi;*

- *yaxshilarga yondashdi, hech kimdan o‘ch olish payida bo‘lmadi;*

- *xalqni e’zozda tutdi, jabr-u zulmni o‘ziga begona bildi.*

Маданий меросларимиздан ҳисобланган Амир Темур бобомизнинг “**Тузуқлар**”и бизда фахр ҳиссини уйғотади, ундаги давлатчиликка хос, унинг бошқарувига оид маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик каби қимматли фикрлар, йўл-йўриқлар, қоидалар, тамойиллар, шунингдек яхшилик билан ёмонлик, адолат билан адолатсизлик, меҳрибонлик билан шафқатсизлик, жазо ва кечиримлилиқ, ахлоқ ва

ахлоқсизлик каби хислатлар ҳақида берилган қимматли фикрлар, ўғитлар давлатчилик, давлат бошқаруви соҳасида, хусусан суд ва

хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият кўрсатаётган, айниқса раҳбарлик лавозимларида ишлаётган юристлар фаолиятида, шунингдек юрист бўлишга азм-у қарор қилган талабаларнинг ўқув жараёнида ҳуқуқий манба ва ахлоқий асос бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоий ўз асарларида яхшилик ва ёмонлик, сабр-қаноат, ҳаё, садоқат, ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида жуда қимматли фикрларни билдирганлар, ҳуқуқий қарашлари одилликка, адолатга, ҳалолликка, тенгликка ҳамда тинчликка асосланган.

Алишер Навоий фикрича, қанчалар ширин бўлмасин, ҳаёт яхшиликлардангина иборат эмас. Дунё яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш асосига қурилган. Инсон табиатан мураккаб хилқат. Яшашнинг ўзи ҳам осон кўчаверадиған нарса эмас. Умр гоҳ хуш, гоҳ нохуш кайфиятлар гирдобида ўтаверади.

Инсонда нафс бор экан, у нимадандир тамагир бўлаверади, тама эса кишини ёмонликлар сари етаклайверади. Дунёда яхшиликнинг уруғи қанча кам бўлса, ёмонликнинг уруғи шунча кўп бўлаверади.

Мана бу рубоий, айнан шу дард билан битилган:

*Ким кўрди экан жаҳонда оё хушлик,
То бир киши айлагай таманно хушлук?!
Юз йилда бир ўлса пайдо хушлук,
Омададурур ёнида юз нохушлук.*

Рубоийдан тушуниладики, бу жаҳонда яхшилик кўрган киши бормикин, яхшилик қиламан деб ният айлаган бирор кимса топилармикан, ахир юз йилда бир яхшилик пайдо бўлса, кетидан юз ёмонлик келади-ку!

Яхшилик ўта ноёб нарса эканлиги сезилиб турибди. Демак, яхшиликни қадрлаш керак. **Одамлардан яхшилик кутиб, умидвор бўлиб юрмаслик, бировлардан ёмонликлар кўрсангиз, дунё ўзи шундай тузилганини эсдан чиқарманг.** Ҳаёт бўлса уни шундай қабул қилиш, шундайича сева олиш керак, яхшиликка яхшилик қайтади. Бу Навоий асарларидаги қатъий ишонч. Чунки шоир **“Ҳайрат ул-аброр”** да назарий асосда:

*Наф‘инг агар халққа бешакдурур,
Балки, бу наф‘ ўзунга кўпракдурур,-*
деб ёзган эди. *Фарҳод* халққа яхшилик қилган эди, бунда у ўзини заррача ўйлагани йўқ, албатта. Лекин, қарангки, шу туфайли ёрининг ўзи унинг олдиға келди.

Навоийнинг ҳуқуқий қарашларида порахўрлик ва бировдан тама қилиш

Islom Karimov Navoiy haqida: “Agar Alisher Navoiyni avliyo desak – u avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak – mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak – shoirlarning sultonidir”, - degan edilar.

Yuksak ma ‘naviyat –

кораланади. “**Ғаройиб ус-сиғар**”нинг 7 байтли “қаро” радифли ғазалида бази нопок фақиҳларни фикҳ тизимидаги фаолиятидаги адолатсизликни танқид қилиб, покликка, адолатга ундаб шундай мисраларни ёзган:

*Ғайридин қилғил замиринг сафҳасин пок, эй фақиҳ
Тобакай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро*⁷.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ўз асарларида мансабдор шахслар ахлоқи ҳақида жуда қимматли фикрларни билдирган ва бу фикрлар ҳозирги кунда ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

3§ Асосий этика қоидаларининг хусусиятлари

Этика категориялари этика фанининг ахлоқий муҳим элементларини акс эттирувчи асосий тушунчаларидир.

Этика категориялари қаторига ҳаёт мазмуни, бахт ҳам киради.

Albatta, farzandga mehr qo'yish, ularning qornini to'q, ustini but qilish o'z yo'li bilan, lekin bolalarimizni yoshlik chog'idan boshlab milliy tarbiya, axloq-odob, yuksak ma'naviyat asosida voyaga yetkazish biz uchun doimo dolzarb ahamiyat kasb etib kelgan.

Islom Karimov

Касб этикасида инсон хатти-ҳаракатининг икки кутби – *ахлоқийлик* билан *ахлоқсизлик* ҳолатлари таҳлил ва тадқиқ этилади. Ахлоқийлик фазилатларда, ахлоқсизлик эса иллатларда намоён бўлади. Бу икки кутб - тушунча кун-тун, оқ-қора сингари бир-бирини инкор ва айни пайтда тақозо этгани ҳолда мавжуддир. Зеро, фазилат, **Арасту**дан тортиб **Ибн Сино**гача бўлган қадимги файласуфлар таъкидлаганларидек, икки иллат оралиғида рўй беради. Бошқача қилиб айтганда, фазилат икки манфийлик оралиғида юзага келадиган мусбат ҳодисадир. Чунончи, адолат - зулм билан мазлумликнинг, сахийлик - исрофгарчилик билан бахилликнинг, ифбат - қизғанчиқлик билан ружунинг оралиғи сифатида воқеъ бўлади.

ИЗОҲ : “Касб этикасида инсон хатти-ҳаракатининг икки кутби – *ахлоқийлик* билан” жумлалари қоғоз вариантыда кўринмай қолган

⁷ Qarang: Advokat. №1/2014, - B.7.



Категория – юнонча сўз бўлиб, таъриф бериш, фикр айтиш маъноларини англатади.

Ахлоқ “ўз-ўзидан” ҳаракатлантирувчи тизим сифатида маънавий ҳаётнинг энг муҳим ва кенг соҳаси бўлиб, функционал хусусиятга эга. Унинг барча вазифаларидаги мураккаб диалектик ўзаро алоқадорликка қараб хусусияти ва ролини белгилаш мумкин. Одатда ахлоқнинг умумий вазифалари: тартибга солиш (бошқарув), рағбатлантирувчи омил, баҳолаш, билиш, тарбиялаш функцияларидан иборат деб ҳисобланади. Амалда эса уларнинг барчаси бир-бирини тўлдиради ва бир-бирига ўтиб туради, бири бошқаси орқали (кетма-кет) амалга ошади. Бир-бирини тўлдиришда улар ахлоқнинг шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг мослашувини ва шу асосда жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий шарти бўлган тартиб-интизомга риоя қилишни ифодалайди.

Prezident I.Karimov: “Adolat va haqiqat g‘oyasi ijtimoiy hayotimizning barcha sohalarini qamrab olmog‘i darkor, adolat va haqiqat g‘oyasi faoliyatimizning zamini, bosh yo‘nalishi bo‘lmog‘i shart. Davlatchilik va fuqarolik munosabatlari mehnat va uy-joy, nafaqa va soliq, tabiatni muhofaza qilish va jinoyatchilikka qarshi kurashish masalasi, qo‘yinki, hayotimizning hamma jabhalari ana shu zaminga tayanishi zarur”, - deb ta’kidladi.

Ахлоқ ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлганлиги сабабли узлуксиз ўзгариб борадиган ижтимоий ҳаёт таъсир кўрсатиб туради, яъни тарихий хусусиятга эга. Ҳозир давр ўзгарди, шу сабабли ахлоқий ҳодисаларга бўлган муносабатимиз ҳам ўзгарди. Ахлоқдаги

умуминсоний **жараёнларга** **моментлар**, умуминсоний ахлоқ нормаларига, миллий хусусиятларига, тадбиркорлик, ишбилармонлик кўринишларига катта эътибор берилмоқда.

Ҳуқуқшуносларнинг касбий фаолиятида муҳим ўрин тутадиган бир қатор этика категориялари мавжуд. Булар:

- 1) *касбий бурч*;
- 2) *қадр-қиммат*;
- 3) *виждон*;
- 4) *ор-номус*.

Этика категориялари **одам** **киши**ларнинг бутун дунёсига кириб боради. Улар ҳуқуқнинг мазмунини белгилайди, қонунчилик актларида, шунингдек юристнинг аниқ фаолиятини тартибга солувчи актларда иштирок этади. Юристга уларнинг моҳияти билан танишиш, ҳуқуқни ўрганиш ва тушуниш, шунингдек уни қўллаш бўйича амалий фаолият **учун** зарур.



Назорат учун саволлар:

1. *Этика* тушунчасига таъриф беринг.
2. *Этиканинг предмети*ни нима ташкил қилади?
3. Этика таълимотининг асосий босқичларини айтиб беринг.
4. Этикадан олдинги босқичнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
5. *Антик этиканинг* қандай хусусиятлари бор?
6. *Ўрта аср этикасининг* хусусияти нимадан иборат?
7. *Янги давр этикасининг* ўзига хос хусусияти ҳақида гапиринг.
8. *Замонавий этиканинг* қандай хусусиятлари бор?
9. *Этика категориялари* қандай вазифаларни бажаради?
10. Этика категорияларининг хусусиятли белгиларини айтиб беринг.

III БОБ. ОДОБ-АХЛОҚ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

1§ Одоб-ахлоқ тушунчаси.

2§ Одоб-ахлоқнинг вазифаси ва тузилиши.

3§ Одоб-ахлоқ ва ҳуқуқ

1§ Одоб-ахлоқ тушунчаси

Одоб-ахлоқ жамиятда одамларнинг юриш-туришини тартибга солиш усуллари билан бири ҳисобланади. У ўзида кишиларнинг ушбу жамиятда яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, лойиқлик ва нолайиқлик ҳақида қабул қилинган тушунчаларга мувофиқ ўзаро муносабатларнинг хусусиятини белгиловчи норма ва тамойилларни ифода қилади.

Odob-axloq (moral) (lotincha “moralis” – axloqiy; “mores” – fe’l-atvorlar) odamning xulqini normativ tartibga solishning usullaridan biri, ijtimoiy ongning alohida shakli va ijtimoiy munosabatning ko‘rinishi hisoblanadi. Odobning bir nechta tavsiflari bor bo‘lib, uning o‘ziga xos xususiyatlarini

ИЗОҲ: Таблицадаги жумла тугамаган?

Одоб-ахлоқ талабларига риоя қилишлик руҳий таъсир кучи билан, жамоат фикри, инсоннинг ички ишончи, виждони билан таъминланади.

Одоб-ахлоқнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у одамларнинг юриш-туришини ҳаётнинг барча жабҳаларида, яъни иш фаолиятидаги, оиладаги, кишилар ўртасидаги ва бошқа муносабатларда тартибга солиб боради. Одоб-ахлоқ гуруҳлар ва давлатларaro муносабатларга ҳам жорий этилади.

Одоб-ахлоқ тамойиллари умумхусусиятга эга бўлиб, барча инсонларни қамраб олади, жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида яратиладиган ўзаро муносабатлари маданиятнинг асосини мустаҳкамлайди.

Инсоннинг ҳар қандай ҳаракати, муомаласи турли мазмунда - ҳуқуқий, сиёсий ёки бошқа бўлиши мумкин, аммо унинг хулқий томони, ахлоқий моҳияти бир хил даража кўрсаткичида баҳоланади.

Одоб-ахлоқ нормалари жамиятда анъаналар кучи, умумтанолинган ва барча томонидан қўллаб-қувватландиган тартиб-интизом,

жамоатчилик фикри билан қайта ишланиб бораверади. Одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиниши барча томонидан назорат қилинади.

Одоб-ахлоқда жавобгарлик маънавий ва юксак бўлади, яъни хатти-харакатни қоралайди ёки маъқуллайди, ахлоқий баҳо бериш шаклида бўлиб одам аввало англаб олиши, дилдан қабул қилиши ва бунга мос ҳолда ўзининг хатти-харакатларини тартибга солиши ва йўналтириши лозим бўлади. Бундай баҳо бериш умумеътироф этилган норма ва тамойилларга, барча томонидан қабул қилинган зарур ва зарур бўлмаган, лойиқ ва лойиқ бўлмаган ва бошқа тушунчаларга мос бўлиши керак.

Одоб-ахлоқ албатта инсониятнинг турмушига, инсоний эҳтиёжи моҳиятига боғлиқ бўлади, аммо ижтимоий ва индивидуал онг даражаси билан белгиланади.


Жамиятда инсонларнинг хатти-харакатини бошқа шакллар каторида одоб-ахлоқ ҳам кўплаб индивидларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиришга, уни муайян ижтимоий қонунларга бўйсунган бирлашган умумий фаолиятга айлантиришга хизмат қилади.

Samo adolatni sevadi. Adolatsizlikdan esa nafratlanadi. U insonlar bir-birini sevib, bir-biriga doimo yordam berishini tilaydi.

Mo Tsz (Mo Di) (e.o. э.а. 480 (taxminan) – 400-yillar)

2§ Одоб-ахлоқнинг вазифаси ва тузилиши

Юристарлар учун одоб-ахлоқнинг *тартибга солувчи, тарбияловчи вазифалари* бирламчи қизиқиш уйғотади.



Унутманг! Тартибга солувчи вазифа одоб-ахлоқнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади⁸.

Одоб-ахлоқ инсоннинг амалий фаолиятини жамиятнинг ва бошқа одамларнинг манфаатларини ҳисобга олиш нуктаи назаридан йўналтиради ва тартибга солиб боради. Шу ўринда одоб-ахлоқнинг ижтимоий муносабатларга фаол таъсири индивидуал хатти-ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Одоб-ахлоқнинг тарбиявий вазифаси инсон шахсини шакллантириш, унинг ўз-ўзини англашида иштирок этади.

Одоб-ахлоқ ҳаётнинг мазмуни ва мақсадига қарашларнинг пайдо бўлишига, инсон томонидан ўз қадр-қимматини, жамият ва бошқа одамлар олдидаги бурчини, бошқаларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларига ҳурматнинг зарурлигини англаб олишга хизмат қилади. **Одоб-ахлоқ бу - вазифасини инсонийлик деб тавсифлаш қабул қилинган.** Одоб-ахлоқнинг тартибга солувчи вазифаси унинг бошқа вазифаларига ҳам таъсир кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтилганидек одоб-ахлоқ субектлари алоҳида шахслар, шунингдек бутун жамият ҳисобланган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бўлиб хизмат қилади.

⁸ Курс лекций по марксистско-ленинской этике. М., 1974. – С 37—46.

Ушбу ижтимоий муносабатлар жараёнида а шахснинг ахлоқий хатти-ҳаракатлари ўзини ўзи тартибга солиш ва бутун ижтимоий борлиқнинг маънавий ўзини ўзи бошқариши юзага келади.

Kim osmon qadar bag‘ri keng, saxiy bo‘lsa, o‘sha sultonlikka loyiqdir.

Abulqosim Firdavsiy

(934(taxminan) – 1024-yillar)

Одоб-ахлоқ инсон ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларини тартибга солади. Инсоннинг хулқ-атворини тартибга солар экан одоб-ахлоқ унга нисбатан юқори талабларни қўяди. Бундан ташқари, *одоб-ахлоқнинг*

Xulqni va xulqiy ongni birxillashtirishga qarshi chiqib, **M.S.Strogovich** yozgan edi: “Xulqiy ong bu qarashlar, ishonchlar, yaxshilik va yomonlik to‘g‘risida g‘oyalar, loyiq va noloyiq xatti-harakatlardir, xulq esa jamiyatda insonlarning xatti-harakatlari, ularning o‘zaro munosabatlarini tartibga soluvchi ijtimoiy normalardir”.

тартибга солувчи вазифаси жамоат фикрининг обрўсига ва инсоннинг ахлоқий ишончига, жамият ва шахс ҳақ бўлмаса-да, таянган ҳолда амалга оширади.

Одоб-ахлоққа *ижтимоий онгнинг* муҳим шакли тариқасида ҳам қаралади, ижтимоий муносабатнинг кўриниши сифатида ҳам, шунингдек инсоннинг ахлоқий фаолиятини тартибга солувчи жамиятда мавжуд хатти-ҳаракат нормалари, деб ҳам қаралади.

Хулқий онг одоб-ахлоқнинг, унинг идеал ва субъектив томонини ифода қилувчи, бир қисми ҳисобланади. Ахлоқий онг инсонларга уларнинг бурчи тариқасида муайян хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларни юклайди. Хулқий онг ижтимоий борлиқнинг турли кўринишларига - қилмишга, унинг мотивига, хатти-ҳаракатига, ҳаёт тарзига ва бошқаларга одоб-ахлоқ нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо беради. Бундай баҳо маъқуллашда ёки рад қилишда, мақташда ёки танқид қилишда, ёқтириш ёки ёқтирмасликда, севишда ёки кўролмасликда ифодаланади. Ахлоқий онг ижтимоий онг шакли ҳисобланади, шу билан бир вақтда, шахснинг индивидуал онги доираси ҳам ҳисобланади. Бу ўринда инсоннинг ўзига ўзи виждон, ғурур, уят, пушаймонда бўлиш билан ва бошқа ахлоқий сезгилари билан боғлиқ ҳолда баҳо бериши **ни талаб этади. муҳим ўрин эгаллайди.**

Одоб-ахлоқни ахлоқий онг билангина боғлаб бўлмайди.

Ахлоқий муносабатлар инсонлар ўртасидаги фаолиятлари жараёнида вужудга келади. Ахлоқий муносабатлар мазмунига, шаклига, субъектлар ўртасидаги ижтимоий алоқа усули билан

фарқланади. Уларнинг мазмуни кимга нисбатан ва (жамиyatга ва одамларга нисбатан) қандай ахлоқий мажбуриятларни олиши билан белгиланади.

Барча ҳолатларда инсон охир оқибатда ахлоқий муносабатлар тизимида бўлади. Ахлоқий муносабатларда инсон хулқий фаолиятнинг ҳам субекти ҳам обекти тариқасида қатнашади. Демак, у бошқа одамлар олдида унинг ўзи жамиyatга нисбатан, ижтимоий гуруҳга нисбатан субект ҳисобланади, аммо бир вақтнинг ўзида у бошқалар учун бир вақтнинг ўзида ахлоқий мажбуриятлар обекти бўлади, чунки улар унинг манфаатларини ҳимоя қилиши, у тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Ахлоқий фаолият одоб-ахлоқнинг обектив томонини ўзида ифода этади.

Ахлоқий фаолият тўғрисида шундай гапириш мумкинки, қачонки хатти-ҳарарат – қилмиш, хатти-ҳаракат, уларнинг мотиви яхшилик ва ёмонлик, лойиқ ва нолайиқ ва бошқаларнинг чегараланиш талаблари бўйича баҳоланиш мумкин бўлса. Хулқий фаолиятнинг бирламчи белгиси қилмиш ҳисобланади, чунки унинг замирида хатти-ҳаракатнинг мақсади, мотиви ва мўлжал ётади. Қилмиш мотивни, мўлжални, мақсадни, ҳаракатни, қилмишнинг натижасини ўз ичига олади. Қилмишнинг хулқий оқибати инсоннинг ўзига баҳо бериши ва унга атрофдагилар томонидан баҳо берилишидир.

Инсоннинг доимий ёки ўзгариб турувчи шароитларда содир этган хулқий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлари йиғиндиси ахлоқ деб қабул қилинади. Инсоннинг хатти-ҳаракати, ахлоқий сифати хулқий кўринишининг биргина обектив кўриниши ҳисобланади.

Ахлоқий фаолият фақат асослантирилган ва мақсад сари йўналтирилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу ерда истак-хоҳишлар ҳал қилувчи ўринда туради, чунки инсон уларга таянади, уларнинг ўзига хос хулқий мотивлари яхшилик қилишни исташ, бурч ҳиссини амалга ошириш, маълум бир мақсадга эришишдан иборат бўлади.

Одоб-ахлоқнинг ўзига хос томонлари, элементлари бор бўлиб, улар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- 1) ахлоқий нормалар;
- 2) ахлоқ тамойиллари;


3) ахлоқий мақсадлар;

4) ахлоқий мезонлар;

Axloqiy normalar bu insonning jamiyatdagi xatti-harakati, uning boshqa kishilar bilan muomalasi, jamiyatga va o'ziga nisbatan bo'lgan muomalasi hisoblanadi. Axloqiy normalar ijtimoiy normalar bo'lib, ularning bajarilishi ijtimoiy fikr, yaxshilik va yomonlik, adolat va adolatsizlik, ezgulik va yomonlik va boshqalar haqida ushbu jamiyatdan olgan tushunchalar asosidagi ichki ishonch orqali ta'minlanadi.

Ахлоқий нормалар ушбу жамиятга, ахлоқнинг ижтимоий гуруҳига мос муайян ҳолатга хос хатти-ҳаракатнинг мазмунини белгилайди. Ахлоқий нормалар жамиятда мавжуд тартибга солувчи бошқа – иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик нормалардан инсонларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш усули билан фарқланади. Хулқ, феъл-атворлар жамият ҳаётида анъаналар кучи, обрў ва умумтанолинган ва барча томонидан қўллаб-қувватланган интизом, жамоавий фикр, муайян шароитларда лозим хулқ-атворда бўлишга жамият аъзоларини ишонтириш билан амалда бўлади.

Оддий одатларда, масалан, туғилган кунни нишонлаш, армияга кузатиш каби инсонларнинг бир хилдаги хатти-ҳаракатларидан фарқли ўлароқ, ахлоқий нормалар нафақат умумқабул қилинган тартибда амалга оширилади, балки инсон тасавурида жамиятда ёки муайян ҳаётий шароитда лозим ёки лозим бўлмаган хатти-ҳаракатнинг ғоявий асоси бўлиб, унга асосан амалга оширилади.



ИЗОҲ: Ахлоқий мақсадлар, ахлоқий мезонлар ҳақида тушунтиришлар берилиши лозим.

3§ Одоб-ахлоқ ва ҳуқуқ

Одоб-ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати юристлар учун алоҳида қизиқиш туғдирувчи ушбу ижтимоий кўринишларни ўрганишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Одоб-ахлоқ инсоннинг хатти-ҳаракатини, фаолиятини норматив тартибга солишнинг асосий турларидан бирidir. У инсонларнинг умумижтимоий қонунларга бўйсунганини таъминлайди. Одоб-ахлоқ ушбу вазифани бошқа жамиятда ўрнатилган бошқа нормаларни ўрганиш ва ўзлаштиришни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий фанлар билан биргаликда амалда бўлади.

Одоб-ахлоқ бу – ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи зарур, ўзаро боғлиқ ва бир-бирига сингиб боровчи тизимлардир. Улар жамият фаолиятига турли хил хоҳиш-истакларни мувофиқлаштириш, инсонларни муайян қоидаларга бўйсундириш йўли билан амалга оширилади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ битта ижтимоий вазифани бажариб, ади у ҳам бўлса жамиятда инсонларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади. ишдан иборат. Улар мураккаб тизимларни ташкил этиб, ади, қайсиким ўз ичига ижтимоий онгни (ахлоқий ва ҳуқуқий), ижтимоий аҳамиятли фаолиятни, ва норматив соҳани (ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар) ўз ичига олади.

Axloq – bu eng avvalo insof va adolat tuyg‘usi, imon, halollik degani. Qadimgi ajdodlarimiz komil inson haqida butun bir axloqiy talablar majmuyini, zamonaviy tilda aytsak, sharqona axloq kodeksini ishlab chiqqanlar. Inson qalbida xaromdan hazar, nopoklikka, adolatsizlikka nisbatan murosasiz isyon bo‘lishi kerak. Shunday odamgina lafzini saqlaydi, bironing haqqiga xiyonat qilmaydi, sadoqatli bo‘ladi, Vatani, xalqi uchun jonini fido etishga ham o‘z jonini ayamaydi.

Islom Karimov

Нормативлик бу – инсонлар хатти-ҳаракатини тартибга солишга имкон берадиган ахлоқ ва ҳуқуқнинг хусусиятидир. Бу ўринда уларнинг объектлари кўп ҳолларда мос келади. Аммо уларни тартибга солиш ўзига хос усулларда амалга оширилади.

Ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш ҳуқуқий тақдирлаш, жазолаш, шу жумладан давлат мажбурлови, юридик санкция махсус давлат аппарати томонидан амалга оширилади. Ахлоқда эса фақат *руҳий санкциялар* бўлиб, улар руҳий қўллаб-қувватлаш ёки руҳий жазолашдан иборат.

Ижтимоий муносабатларнинг бирлиги ўз-ўзидан ҳуқуқий ва ахлоқий тизимларнинг бирхиллигини белгилайди. Ахлоқ билан ҳуқуқ доимо ўзаро алоқада бўлади. Ҳуқуқ ахлоққа зид бўлмайди. Ўз навбатида ҳуқуқ ахлоқий нормаларнинг шаклланишига кўмаклашади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ инсониятнинг руҳий маданиятининг ажралмас қисмларидир. **Ахлоқ ва ҳуқуқ бир турдалиги ҳолатида уларнинг муайян бир жамиятда бу ижтимоий тартибга солувчилар ўртасида фарқлар ҳам**

Axloq va huquq quyidagilarda farqlanadi:
1) *tartibga solishning obyektida;*
2) *tartibga solish usulida;*
3) *tegishli normalarning bajarilishini ta'minlash usullari, ya'ni sanksiya xususiyatlari bilan farqlanadi.*

борлигини кўрамыз.

Ҳуқуқ фақат ижтимоий муҳим хатти-ҳаракатларни тартибга солади. Масалан, ҳуқуқ инсоннинг шахсий ҳаётига аралашмайди. Аксинча, у бундай аралашидан қўриқлайди, ҳимоя қилади.



Назорат учун саволлар:

1. Одоб-ахлоқнинг келиб чиқиши ҳақида гапириб беринг.
2. Одоб-ахлоқнинг моҳияти нима билан белгиланади?
3. Одоб-ахлоқнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
4. Одоб-ахлоқнинг баҳо берувчи вазифасининг қандай хусусияти бор?
5. Одоб-ахлоқнинг тартибга солувчи вазифаси билан ҳуқуқнинг тартибга солувчи вазифасидан фарқи нимада?
6. Одоб-ахлоқ нормаларининг белгилари ҳақида гапиринг.
7. Ҳуқуқий нормаларга риоя қилишнинг йўллари нималардан иборат?

IV БОБ: ОДИЛ СУДЛОВ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ АҲЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

1§ Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг ахлоқий асослари.

2§ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ахлоқий мазмуни.

3§ Ўзбекистон Республикаси жиноят- процессуал кодексининг ахлоқий мазмуни

1§ Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг ахлоқий асослари

Одил судлов давлат фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Одил судловни амалга ошириш инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилишга, адолатни таъминлашга чақиради. Бундай муҳим вазифани бажариш учун эса одил судлов ҳуқуқий ва ахлоқий асосларга суяниши керак бўлади. Одил судловда **эса** қонунийлик билан ахлоқийлик ажратиб бўлмас бирликда бўлади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ахлоқий мазмуни қизиқиш уйғотади, чунки уларда мужассамланган ахлоқий тамойил ва нормалар Ўзбекистон қонунчилигини ислоҳ қилиш асосига қўйилган. Бу ҳолат Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида ижобий ишлар олиб борилаётганлигининг белгисидир. **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** биноан ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар олий қадрият ҳисобланиб, **ади**, қонунларни қўллашнинг мазмунини, моҳиятини, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини айнан улар аниқлаб бериши лозим.

Yodda tuting!

Qonun axloqiylik talablariga javob berishi lozim, uning sud tomonidan qo'llanishi esa axloqiy normalarga zid bo'lmasligi kerak. Qonuniylik va axloqiylikning birligi inson huquqi va erkinliklarini ta'minlashga xizmat qiladi. Shaxsning asosiy huquq va erkinliklarini ta'minlash odil sudlovning bosh axloqiy vazifasini ifoda etadi va bunga xalqaro hamjamiyat alohida ahamiyat berib kelmoqda.

Инсон ҳуқуқлари бўйича турли **хил** мамлакатларда қабул қилинган юридик актлар ўрганиб чиқилганда **уларнинг** илдизи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқдан келиб чиқиб қабул қилинганлигини **кўриш мумкин** **англашилади**. **Масалан**, фақат суд

хукми билан айбдор деб топиш, ҳуқуқбузарлик билан жазонинг мутаносиблиги, айбсизлик презумпцияси, сўзга чиқиш эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, виждон эркинлиги, мамлакатдан чиқиб кетиш ва қайтиб келиш, мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ҳуқуқларини бузганлиги учун жавобгарлиги биринчи маротаба **Англияда қабул қилинган Буюк озодлик хартиясида (1215)** киритилган эди. Бу қоидалар кейинчалик **Англиянинг Ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллда, Фуқаро ва инсон ҳуқуқлари Декларациясида** ривожлантирилган. Бу ўринда қадимги грек файласуфларининг ижтимоий адолат ва тенглик тўғрисидаги ғояларни айтиб ўтиш ўринли бўлади.

Ezgulik adolatsizlik qilmaslikkina emas, uni istamaslik hamdir.

Demokrit

(miloddan avvalgi 460-360-yillar)

Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлигига Иккинчи жаҳон урушидан кейин **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(кейинги матнларда БМТ)**нинг ташкил этилиши билан асос солинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсонпарварлик хусусиятидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича халқаро муносабатларни амалга ошириш ва барчанинг миллати, жинси, тили, динидан қатъи назар инсон ҳуқуқларига ва асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва кучайтириш белгилаб қўйилган. Халқаро

Yodda tuting!

BMT birinchi bosqichda inson huquqlari to'g'risidagi Xalqaro Bill uchta hujjatdan iborat bo'lishligi haqida qaror qabul qildi. Birinchisi inson huquqlari haqida Deklaratsiya, ikkinchisi inson huquqlari to'g'risida Pakt va uchinchisi Paktni to'ldirish choralari haqida.

муносабатлар тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича давлатларнинг кенг ҳамкорлигига асос солган кўп томонли **амалик** биринчи шартнома бу БМТнинг Устави бўлди. БМТнинг Устави давлатлар зиммасига бирон-бир камситишларга йўл қўймасдан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинлигига риоя қилиш юридик мажбуриятини юклаган.

1948-йилнинг 10-декабрида БМТ Бош Ассамблеяси тантанали равишда **Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларациясини** қабул қилди. Ўша пайтдан бошлаб, 10-декабрь бутун дунёда инсон ҳуқуқлари куни тариқасида нишонланиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича **умумжаҳон Декларациясида** **томонидан** эълон қилинган демократик нормалар ва тамойиллар миллий қонунчиликларнинг ривожланишига таъсир кўрсатди. **Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган Урушдан кейинги** Италия, Япония,

ГФР конституцияларида инсон ҳуқуқлари алоҳида махсус бўлимларда берилган. Францияда асосий сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари 1946-йилдаги Конституциясининг муқаддимасида берилган.

Умумжаҳон Бутунжаҳон Декларациясини қабул қилганидан сўнг кўп ўтмай Бош Ассамблея ўзининг бирламчи қарорини бекор қилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича битта Пакт (ИЗОҲ: қайси битта пакт назарда тутилмоқда?) ўрнига иккита Пакт қабул қилишни таклиф этган. Натижада Бош Ассамблея 1966-йилда иккита шартнома қабул қилди, булар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт қабул қилинган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга асосан Инсон ҳуқуқлари бўйича Комитет тузилган бўлиб, ушбу Комитет Пактда тан олинган ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кўрилган чоралар юзасидан бўйича ҳисоботларни, айрим шахсларнинг, шунингдек давлатларнингро шикоятларини кўриб чиқади. 1989-йилнинг 15-декабрида Бош Ассамблея Халқаро пактда ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги иккинчи факултатив Протоколни қабул қилди.

1949-йилда ташкил этилган Европа Кенгаши энг биринчи регионал ташкилотлардан ҳисобланади. Бу ташкилот доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича 150 дан ортиқ конвенция ва баённомалар қабул қилинган.

Европа Конвенцияси 1948-йилдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларациясининг ўзига хос давоми ва ривожига бўлди. Аммо, умумжаҳон Декларациядан фарқли ўлароқ Конвенция нафақат асосий ҳуқуқларни эълон қилди, балки уларни ҳимоя қилишнинг механизмини ҳам ишлаб чиқди. Аввал бошда бу механизм ўз ичига учта органни олган бўлиб, ди, булар Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди, Европа Кенгашининг министрлар комитетидир. қайсики Конвенция иштирокчи давлатлар томонидан мажбуриятларга амал қилишни назорат қилди. Булар Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди, Европа Кенгашининг министрлар комитети.

Fuqarolar bilan muloqot usullari va ularga ta'sir o'tkazish yo'llari sodda va tushunarli bo'lmog'i lozim. Aks holda odamlar hukmdorni tushunmaydilar yoki uning talabini bajarolmaydilar.

*Forobiy (Abu Nasr Muhammad ibn Tarxon ibn O'zlug' al Forobiy at-Turkiy)
(870-950)*

1998-йилнинг 1-ноябридан бошлаб биринчи икки орган доимий ҳаракатда бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича *Европа Суди* билан алмаштирилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича *Европа Суди Страсбургда* (Франция)да Инсон ҳуқуқлари Саройида жойлашган, *Европа Кенгашининг* ўзи ҳам шу ерда жойлашган. *Европа Суди 1959-йилда иш бошлаган.* Конвенциядаги нормалар, тамойиллар давлатнинг ҳуқуқий ваколати доирасини сезиларли чеклайди, фуқаролик жамиятининг демократик тузилмаларининг ривожига учун ва инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

2§ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ахлоқий мазмуни

Конституциянинг муқаддимасида инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон халқи мазкур Конституцияни қабул қилганлиги алоҳида қайд этилганлиги бунинг айнан далили ҳисобланади.**

Конституциянинг *13-моддасида* Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши ади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши ади.,

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ади, деб белгилаб қўйилган.

Конституциянинг *17-моддасида* Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларига асосланиши кўрсатиб ўтилган.

Конституциянинг *18-моддасида* Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий

О‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi - *mamlakat tarixida huquq va erkinlik sohasida xalqaro standartlarning, xorijiy mamlakatlarning demokratik qonunchiligi ta’siri, tajribasi asosida tuzilgan, inson huquq va erkinligining keng turlarini o‘z ichiga olgan huquqiy hujjat hisoblanadi.*

ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар, деб таъкидланган ва давлат томонидан барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади ва ҳимоя қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқораларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди ва фуқаролик паспортида “*Ушбу паспортнинг эгаси Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясидадир*” деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида эса ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида эса давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, деб давлатнинг масъуллиги белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ахлоқий-ҳуқуқий қадриятларини тан олган, қабул қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон қонунчилигининг асосини жиддий такомиллаштирганлигини кўриб турибмиз.

ИЗОХ: Конституциянинг моддаларини кўчириб қўйиш билангина чекланиш тўғримики?

3§ Ўзбекистон Республикаси Жиноят- процессуал кодексининг ахлоқий мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг ахлоқий мазмуни **жиноят-процессуал қонунчиликнинг унинг айрим қатъий нормалари билан танишиш жараёнида намоён бўлади баробаринда юзага келади.** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-

процессуал кодекси “Жиноят процесси тамойиллари” деб номланган махсус 2-боб мавжуд.

ИЗОХ: Бу ўринда тамойил (принцип) сўзининг мазмун-моҳиятини очиб бериб, сўнгра ЖПКнинг 2-бобида жиноят процессининг принциплари кўрсатилгани хақида фикр юритиш лозим.

Маълумки, жиноят процессуал қонунчилигида адолат фақат қонунийлик тамойилининг ишлаши шароитларидагина таъминланади.

Чуқур ахлоқий мазмунга эга бўлган Жиноят-процессуал кодексининг қонунийлик тамойилига бағишланган 11-моддасида судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шартлиги белгилаб қўйилган бўлиб, қонунларни бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай тарзда чекиниш тегишли тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал к Кодексининг конституцион тамойилларидан ҳисобланган “Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш” деб номланган 9 17-моддаси ахлоқий-этик жиҳатдан жуда долзарбдир ҳисобланади, чунки жиноят судлов ишини юритишда турли хил мажбурлов чораларини қўллаш имконияти билан шахснинг бир қатор ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашнади. ҳаракати билан боғлиқ. Бу ўринда Жиноят-процессуал кодекснинг Хусусан, халқаро конвенциялар қоидаларига асосланилган ҳолда кодекснинг 9 17-моддасида судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шартлиги, белгиланган. Бир қатор халқаро конвенцияларнинг қоидаларидан келиб чиқиб, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-укубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки бўлмаса шундай қарорлар чиқариш тақиқланади деб белгиланганлиги ўта аҳамиятлидир.

Жиноят иш юритувининг ахлоқий тамойилларига риоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг шахснинг дахлсизлиги тамойилига бағишланган “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш” деб номланган 18-моддаси

алоҳида аҳамиятли ҳисобланади ва унда жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят протсессиди қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шартлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Hozirgi vaqtda mamlakatimizda prokuror va advokatning tengligini, jinoyat va fuqarolik ishlari bo'yicha sud faoliyatining barcha bosqichlarida o'zaro tortishuv bo'lishini ta'minlashga, odil sudlovning sifati va tezkorligini oshirishga qaratilgan keng ko'lamli chora-tadbirlar izchil amalga oshirilmoqda.

Islom Karimov

Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёки суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт, ушлаб туриш муддати ушланган милитсияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб кўпи билан 72 соатни ташкил этади, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда 48 соатга узайтирилиши мумкин.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг “Ҳақиқатни аниқлаш”га бағишланган 22-моддасида гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларни чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг “Айбсизлик презумпсияси” деб номланган 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, қатъий белгилаб қўйилган.

ИЗОХ: ЖПКнинг моддаларини кўчириш билан чекланмасдан, унинг мазмун-моҳиятини асослантирилган ҳолда тушунтириб ўтиш лозим бўлади (юқоридаги яшил рангга бўялганларга тааллуқли).

Айбсизлик презумпсиясининг мазмуни куйидагиларда кўринади:

- шахснинг айби исбот қилинмагунга қадар, у айбсиз деб топилади;
- гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбини исбот қилиш фақат ваколатга эга тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади, яъни шахс ўз айбсизлигини исботлаб беришга мажбур эмас;
- агар барча гумонлар исботланмаса, бунда бу гумонлар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи фойдасига ҳал этилади;
- шахс фақат суднинг ҳукми, қарорига биноангина айбдор, деб топилади ва қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Aybsizlik prezumpsiyasi prinsipi bilan bir qatorda, odil sudlovni amalga oshirishda jinoyat ishlarining sudda oshkora ko'rilishi tamoyili ham diqqatga sazovordir.

Одил судловга бўлган ҳуқуқ – фуқаролар томонидан уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида тиклашни талаб этган ҳуқуқидир.

Суд ишларини ошкора кўриш ҳар қандай шахсга суд залида иштирок этиш ва суднинг фаолиятини кузатиш имконини беради, шу билан бирга унинг бориши ва натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишга шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг “Судда ишларни юритишда тортишув”га бағишланган 25-моддасида биринчи инстансия судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 27-моддасида протсесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексида белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг протсессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлилиги белгилаб қўйилганлиги, асосий эътироф талаб қилади.

Албатта ахлоқий мазмунга эга бўлган тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг бошқа моддаларида ўз

ифодасини топган. Бу нормалар ҳақида келгуси маърузаларда ўрганилади.

ИЗОХ: ЖПКнинг моддаларини кўчириш билан чекланмасдан, унинг мазмун-моҳиятини асослантирилган ҳолда тушунтириб ўтиш лозим бўлади (юқоридаги яшил рангга бўялганларга тааллуқли).



Назорат учун саволлар:

1. Одил судлов қайси ахлоқий ва ҳуқуқий асосларга таяниши лозим?
2. Инсон ҳуқуқлари институтларининг тузилиш тарихидан гапиринг.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларатсиясининг қайси норма ва тамойиллари миллий қонунчиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатган?
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ахлоқий мазмуни нималардан иборат?
5. Жиноят-протессуал қонунчиликда одилликни таъминлаш қандай амалга оширилиши мумкин?
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протессуал кодекси қайси конституцион тамойилларни ўзида аниқлаштиради ва уларнинг ахлоқий хусусияти нималарда ифодаланади?

V БОБ: ЖИНОЯТ-ПРОТССЕССУАЛ ИСБОТЛАШНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

- 1§ Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар.
- 2§ Исботлаш мажбурийлигининг ахлоқий жиҳати.
- 3§ Далилларни эркин баҳолашнинг ахлоқий аҳамияти.
- 4§ Далилларнинг айрим турларидан фойдаланишнинг ахлоқий асослари

1§ Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар

Далиллар ва исбот қилишнинг умумий шартлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 8 ва 9-бобларида берилган бўлиб, улар жиноят протсессида жиноят суд ишларини юритиш нормалари тизимида муҳим ҳуқуқий институтлар ҳисобланади.

Далиллар тўғрисидаги таълимот жиноят-протсессининг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Агар Жиноят-протсессиде дейилганда

Jinoyat-protsessual kodeksining 82-moddasi talabiga ko'ra quyidagilar isbotlanishi kerak:

- 1) jinoyat obyekt;
- 2) jinoyat tufayli yetkazilgan zararining xususiyati va miqdori;
- 3) jabrlanuvchining shaxsini tasdiqlovchi holatlar;
- 4) sodir etilgan jinoyatning vaqti, joyi, usuli, shuningdek Jinoyat kodeksida ko'rsatib o'tilgan boshqa holatlari;
- 5) qilmish va ro'y bergan ijtimoiy xavfli oqibatlar o'rtasidagi sababiy bog'lanish;
- 6) jinoyatning ushbu shaxs tomonidan sodir etilganligi;
- 7) jinoyat to'g'ri yoki egri qasd bilan yoxud beparvolik yoki o'z-o'ziga ishonish oqibatida sodir etilganligi, jinoyatning sabablari va maqsadlari;
- 8) ayblanuvchining, sudlanuvchining shaxsini tavsiflovchi holatlar.

жиноят ишининг маълум ҳаракатланиши тушунилса, жиноят ишларини судда юритишда қабул қилинадиган қарорлар, шу жумладан судланувчининг шахсининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги

асосий қарорлар далилларгагина асосланиб чиқарилиши ади. муносабати билан далиллар мажмуи

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, далиллар муаммоси жиноят ишларини судда иш юритишнинг бутун тизимида марказий бўғинни ташкил этади.

Маълумки, жиноят иши бўйича далилларнинг умумий таърифи ЖПКнинг 81-моддасида берилган. Ушбу модда талабига мувофиқ, ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Yodda tuting!

Har qanday haqiqiy ma'lumotlar guvohning, jabrlanuvchining, gumon qilinuvchining, ayblanuvchining, sudlanuvchining ko'rsatuvlari, ekspertning xulosasi, ashyoviy dalillar, ovozli yozuvlar, videoyozuvlar, kinotasvir va fotosuratlardan iborat materiallar, tergov va sud harakatlarining bayonnomalari va boshqa hujjatlar bilan

Маълумки, жиноят процессининг мақсадларига, яъни жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги, айбдорларни фош этишга эришиш учун зарурий бир шартга амал қилиниши лозим. Бу шарт – ҳақиқатда қандай ҳодиса юз берганлигини, жиноятни ким ва қандай ҳолатларда содир этганлигини аниқлашдир. Жиноий ҳодиса исбот қилиш

мажбурияти юклатилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суд учун ўтмиш ҳодисаси бўлганлиги сабабли, унинг барча ҳолатларини улар фақат исбот қилиш воситаси бўлмиш далиллар ёрдамида аниқлашлари ва тегишли хулосага келишлари мумкин.

Vijdonli va insofsiz odamlarni nafaqat bajarayotgan amallaridan, balki xohish-istaklaridan ham bilib olish mumkin.

*Demokrit
(miloddan avvalgi 460-360-yillar)*

Далилнинг ишга алоқадорлиги кўрилаётган иш ҳолатлари билан боғлиқлигига кўра белгиланса, далилларнинг мақбуллиги эса қонун билан белгиланади. Яъни, қонун фактлар тўғрисидаги маълумотлардан қайси манбалардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлигини белгилаб беради. Унга кўра, далилларнинг мақбуллиги қуйидагиларни:

маълумотларнинг келиб чиқишини билиш ҳамда уларни текшириш имконияти, ушбу маълумотлар тўғрисида хабар бераётган шахс томонидан уларни қабул қилиш имконияти, исбот қилишнинг ҳам умумий қоидаларига, ҳам муайян турдаги ахборотни тўплаш ва қайд этиш қоидаларига **риоя этиш** (ЖПКнинг 17, 18, 20, 22, 87–92, 110, 111, 198–202, 208-м. ва х.), процесснинг муайян босқичини тартибга соладиган ҳамда жиноят ишини юритаётган шахснинг ваколатларини белгилайдиган қоидаларига риоя этишни назарда тутати. Қонунда белгиланмаган манбалардан олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди (ЖПКнинг 81-м. 2-қ.). Миш-мишлар, тахминлар, тезкор-қидирув маълумотлари далил сифатида кўрилиши мумкин эмас. Улар текширилгунга ҳамда процессуал ҳаракатлар йўли билан тасдиқлангунга қадар тахминий хусусиятагина эга бўлади ва улар муайян тахминларни, далиллар жойлашган жойни ва шу қабиларни кўрсатиши мумкин холос⁹.

Жиноят иши бўйича иш юритаётганда ҳақиқатни аниқлаш муаммоси кўп жиҳатларга, жумладан ахлоқий жиҳатга ҳам эга.

М.С. Строгович, **(унинг кимлиги ҳақида маълумот бериш лозим)** “... *жиноят протсессида ҳақиқат муаммоси бу нафақат юридик, балки кам бўлмаган даражада этик муаммо ҳам ҳисобланади*”, деб ёзган эди. У яна “... *этика нуқтайи назаридан у жуда кам ва кучсиз ўрганилган*”¹⁰лигини билдирган.

Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш қонун томонидан тўғридан тўғри судьяларга юкланган мажбурият ўзида нафақат юридик балки одил судловни амалга ошираётганларнинг ахлоқий бурчи ҳамдир. Судья айбсизни, айблов томонидан унга нисбатан қандайдир далиллар тўпланган бўлса, ҳимоячи айбловга ишончли тарзда қарши туролмаган бўлса, судлашга ахлоқий ҳуқуққа эга бўлмайди.

Судьянинг жиноят иш ҳолатларини текширишга юзаки ёндашиши, унинг кўрилатган ишга бефарқлиги ва сустиги **оқибатида** ҳақиқатда айбдор бўлганнинг оқланишига, ҳукми асослангандирликка ва адолатсиз бўлишига олиб келади. Бундай ҳукмнинг чиқарилиши судьянинг ўз ахлоқий бурчига бўлган талабларни унутиб, улардан юз ўгириши оқибатида содир этилади.

O‘zbekiston qonunchiligida, o‘zbek olimlarining sovet davridan oldingi va sovet davrida ham sudda haqiqatni aniqlashga bo‘lgan talab hech bir ikkilanishga olib kelmagan, hamisha muhim protsessual talablardan biri bo‘lib kelgan.

⁹ Муҳаммадиев А.А. Далиллар назарияси муаммолари. Дарслик (кирилл ва лотинда) – Т.: ТДЮИ, 2009.

¹⁰ Проблемы судебной этики/Под ред. М. С. Строговича. – С. 85.

Аммо кейинги пайтларда суд ҳақиқатни аниқлаш ҳолатида эмас, суддан ҳар бир иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни талаб қилишга асос йўқ деган фикрлар ташвиқот қилинмоқда¹¹. Бизнингча ҳам, судьяларни ҳақиқатни аниқлашдан озод қилиш ҳақидаги бу ноўрин фикр юритаётганларга қарши **Л.Д.Кокорев** асосли равишда шундай ёзган: “Бундай фикрлашлар ортида нафақат касбий ночорлик, балки иш материалларига таянган судьялик ички ишончига асосланган ҳолда исботлашни амалга оширишга ахлоқий қодир эмаслиги, хато учун жавобгарлик олдида қўрқув яшириниб ётади. Терговчи, прокурор, судья ўзларининг ахлоқий кучларига ишонишлари лозим, исботлашни мустақил амалга оширишлари, ҳақиқатни аниқлашлари, асослантирилган, адолатли қарорлар қабул қилишлари ва ўзларининг тўғри ҳаракатлари ва қарорлари учун ҳеч қандай жавобгарликдан қўрқмасликлари керак”¹².

Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг имкониятини инкор қилиш одил судловни ахлоқий мақсад ва моҳиятдан маҳрум этади ва ҳар қандай адолатсизликни қўллаб-қувватлашга олиб келади.

Unutmang!

Haqiqatni aniqlash isbotlashning yuksak axloqli maqsadi hisoblanadi va unga erishmasdan turib adolatli odil sudlovga erishib bo'lmaydi.

2§ Исботлаш мажбурийлигининг ахлоқий жиҳати

Исботлашнинг ахлоқий жиҳати айбсизлик презумпцияси билан ва унинг талабидан келиб чиқадиган айблов томонида бўлган исботлашнинг мажбурийлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида талабига кўра, “Ж жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади” деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу моддада “Х ҳеч ким қийноққа солиниши, зўровонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”лиги ва “Х ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки

¹¹ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С.40-50.

¹² Кокорев Л. Д., Котов Д. Л. Этика уголовного процесса: Учебное пособие. – Воронеж, 1993. – С. 66.

илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”лиги қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “**Айбсизлик презумпцияси**” деб номланган 23-моддасида **ва** Конституциянинг 26-моддаси **қоидалари да** айтилганларни ривожлантирилиб, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган, деб белгиланган.

Айбсизлик презумпцияси шахснинг баҳосини ва кадр-қимматини тан олишни билдиради.

Инсон ва фуқаронинг Шахснинг жиноят содир қилишдаги айблов билан боғлиқ барча ҳуқуқларини чеклашларга бунга ҳақиқий ва юридик асослар бўлгандагина йўл қўйилади. Бу чоралар айбловнинг оғирлигига мос бўлиши керак ва айбланувчининг шахсини, унинг ўзига ва яқинларига келтириши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда, эҳтиёткорлик билан қўлланиши лозим.

Айбсизлик презумпциясини одил судловнинг шахснинг ҳуқуқий ҳолатини кўрсатувчи тамойили деб тан олиш амалда муҳим ахлоқий ва ҳуқуқий оқибатларни олиб келади.

Айбсизлик презумпциясидан жиноят ишининг ҳолатларини дастлабки терговда ва судда ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳаққоний текширишни талаб қилади.

Масалан, терговдаги айблов томонга оғиш айбсизлик презумпциясига зид ҳаракат ҳисобланади. Терговчи жиноятни очиш жараёнида, айбдорни фош этиб, айбловни инкор қиладиган, гумон қилинувчининг, айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган барча ҳолатларни аниқлаши лозим. Терговчи шундай йўсинда ўз ташаббуси билан, ҳуқуқий ва ахлоқий бурчга таянган ҳолда иш юритиши керак. Ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳаққоний ўрганиш, суд терговини шу йўсинда ўтказиш судьяга юклатилган, қайсиқим бу ўринда томонларнинг ёрдамига таянади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан исботлаш мажбуриятининг тақсимланиши айбсизлик презумпцияси ҳаракати билан ифодаланади **ва бу ахлоқан асосланган.** Айбланувчи

Yodda tuting!

Davlat organi yoki boshqa bir shaxs kimnidir jinoyat sodir etganlikda ayblagan bo'lsa, u aksi vakolatli sud hokimiyati organi tomonidan odil sudlovning barcha kafolatlariga rioya qilgan holda isbotlanmagunga qadar aybsiz hisoblanadi.

Ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас. Айбланувчидан унга нисбатан қўйилган айбловни қўрқитиш йўли билан рад қилишни талаб қилиш ахлоқсизлик ҳисобланади. Шу билан бирга, гумон қилинувчида, айбланувчида исботлашда иштирок этишга хоҳиш уйғотиш, агар у хоҳласа содир этилган ҳодиса бўйича ўз тахмимий фикри бўлса билдириши, фикрини тасдиқловчи далилларни айтиши қонунга зид ҳисобланмайди.¹³ Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексида бир қатор кафолатларни вужудга келтиради. Масалан, гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан судгача бўлган босқичда жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокисиз берилган кўрсатувлари, ҳимоячини рад қилган ҳолларни ҳисобга олганда ҳам, лекин бу гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан тасдиқланмаган ҳолда номақбул ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 108-моддаси 2-қисмида агар сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатувларини тўлдириш ёки ўзгартиш истагини билдирса, айбланувчининг ўзининг хоҳиши билан қўшимча сўроқ амалга оширилиши мумкин.

ЖПКнинг 110-моддаси 2-қисмига биноан суд тергови кетаётганда судланувчига истаган вақтида кўрсатув бериш ҳуқуқи судья томонидан таъминланиши шарт. Агар судланувчи бирор суд ҳаракати ўтказилаётган пайтда кўрсатув бериш тўғрисида истак билдирса, суд унга шу ҳаракатлар тугаши биланоқ кўрсатув бериш учун имконият яратади.

Айбловни исботлашнинг мажбурийлиги айбловчи зиммасида бўлиши олдин айтиб ўтилган қоидадан келиб чиқади. Ким, кимнидир жиноят содир қилганликда айблаётган бўлса, у ўзининг фикрини исботлашга юридик ва ахлоқий мажбуриятга эга бўлади. Етарли далил бўлмасдан туриб инсонни жиноятчи деб аташлик ахлоқсизлик ҳисобланади. Далилсиз айблов ахлоқсизликдир.

3§ Далилларни эркин баҳолашнинг ахлоқий аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг “Ҳақиқатни аниқлаш”га бағишланган 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигини, гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан,

¹³ Кокорев Л. Д., Котов Д. П. Указ. соч. – С. 67.

гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилиши белгилаб қўйилган.

Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

*Бу ҳукмдор, езгу ишлар учун маблаг 'ни аяма. Ҳурагинга бир лаҳза
ҳам қо 'рқувни йо 'латма.*

*Abulqosim Firdavsiy
(934(taxminan) – 1024-yillar)*

Судья, халқ маслаҳатчилари, шунингдек прокурор, терговчи, суриштирувчи далилларга ўзининг ички ишончлари билан, қонунга ва виждонига риоя қилган ҳолда баҳо беради. Ҳеч бир далил олдиндан аниқланганлик кучига эга бўлмайди. Далилларга ички ишончга асосланиб баҳо бериш деганда шуни тушунмоқ керакки, яъни судья ўз судьялик ва инсонлик виждони олдида ўзи чиқарган исботланган ёки исботланмаган айблов учун ва унинг оқибати учун жавобгар бўлади. Қарор чиқаришда эркин ҳисобланган судья ўзи чиқарган қарорлар учун жамият олдида, судланувчи, жабрланувчи, процесснинг бошқа иштирокчилари олдида, улар билан бўлган касбий ва инсонийлик ҳисси, ахлоқий муносабатлари билан жавоб беради.

Ҳаракатдаги далилларга баҳо бериш тамойилига тарихан юзаки ёндашилиб келинганлигини таъкидлаш жоиз. Қонун чиқарувчи томонидан судьяларга далилларга баҳо беришнинг мажбурий қоидаларини олдиндан белгилаб қўйилар эди. Судьянинг вазифаси мавжуд далилларнигина санаб ўтишдан иборат бўларди ҳолос.

Изоҳ: қачон ва қайси асосларга кўра бу қоидалар белгиланганлигини кўрсатиш лозим.

“Бу тизим, судьянинг ишончини чеклаб, унинг фаолиятига бераҳм расмиятчилик унсурларини киритиб, бир қатор ҳолатларда ҳақиқий айбдорни аниқлашга, айбини бўйнига қўйишга ожиз, аммо инсоннинг

шахсий ҳаётини синдиришга етарли кучга эга бўлган жиноят судини ташкил этган эди...», деб ёзган эди **А. Ф. Кони**¹⁴.

Ички ишонч бўйича далилларга эркин баҳо бериш тамойили судьяга судланувчининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслигини ҳал қилишнинг тўғрилиги учун тўлиқ жавобгарликни юклайди.

Dalillarga baho berishlik sudyaning murakkab ichki kechinmasi, faoliyati natijasi hisoblanadi, bunda aql ko'zgusi va vijdon amri - nidosi muhim o'rin tutadi. Ichki ishonch bilan dalillarga baho berishlik prokurorga ham, tergovchiga ham, shuningdek surishtiruv olib boruvchi shaxsga ham tegishlidir. Ichki ishonch bilan dalillarga baho berish tamoyiliga jinoyat protsessining boshqa ishtirokchilari ham amal qilishi

Далилларга судьянинг ички ишончига биноан баҳо беришнинг бир неча-юридик, психологик ва ахлоқий томонлари мавжуд га эга. Далилларга баҳо бериш уларнинг бутун йиғиндиси мазмун-моҳиятидан ва ишнинг барча ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Судьянинг психологик ички ишончи унинг ақл-идрок ва сезги ҳолати ҳисобланади ва у якуний қарор қабул қилишда қарорининг тўғрилигига ишонади, қарорининг хато эмаслигига иккиланмайди сдан унга биноан ҳаракат қилади, яъни айблов ёки оқлов ҳукмини чиқаришга тайёр бўлади.

Далилларга баҳо беришнинг ахлоқий аҳамияти шундан иборатки, судья - айбловнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги тўғрисидаги қабул қилган қарори ва унинг оқибати учун судьялик, қолаверса, инсонийлик виждони олдида жавобгар бўлади. Судья ҳам ўзининг интеллектуал, психологик ва ахлоқий жиҳатларига эга инсон бўлганлиги сабабли, ўзига юклатилган мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришда, далилларга баҳо беришда, оқибатда кўриляётган иш бўйича баҳо беришда хатога йўл қўйиши мумкин. Ҳар қандай мураккаб ишларда хатога йўл қўйилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, судья томонидан ҳам хатога йўл қўйилиши табиий ҳол. Судья ўзи томонидан кўрилиб бошланган ишни охирига етказиши, яъни ҳал қилиши лозим бўлади ва бу жараёнда таваккалчиликка ҳамда суд хатоларига йўл қўйилиши ҳам мумкин.

Бу борада олимлар ва амалиётчилар томонидан фикрлар билдирилганлигининг ўзи буни тасдиқлаб келмоқда. Жиноят процесси ва суд этикаси муаммоларини ўрганган олимлардан **М.С.Строгович**: “...хатога бўлган ҳуқуқ бирон-бир жойдан на юридик ва на ахлоқий муносабатлардан келиб чиқмайди. Суд хатолари бўлган, ҳозирда ҳам

¹⁴ Кони А. Ф. Собр. соч. Т. 4. – С. 324.

мавжуд ва уларнинг келгусида ҳам бўлиши билан келишишига тўғри келади. Аммо судьяларнинг, шунингдек терговчининг ва прокурорнинг ҳам жиноят ишларини тергов қилишида ва қарор қабул қилишида хатога йўл қўйишига ҳақлари йўқ, бундай ҳуқуқ уларда илгари йўқ эди, ҳозирда ҳам мавжуд эмас ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Суд хатоси бу ҳаммиша қонунни бузиш ҳисобланади. Кимда ва қачон қонунни бузиш “ҳуқуқи” бор! Жиноят процессида “хатога йўл қўйиш ҳуқуқи” бу ахлоқ қоидаларига зид, ахлоқсиз тушунча ҳисобланади ва у фақат келгусида қонунчиликнинг ва ахлоқнинг бузилишини келтириб чиқариши мумкин”¹⁵ деган эди. **М.С.Строгович**нинг бу фикри билан бошқа олимлар ҳам келишган¹⁶. Биз ҳам бу фикр билан келишмасликнинг иложи йўқ деб ҳисоблаймиз. Чунки суднинг хатоси бу, авваломбор, айбсиз шахсни айбдор деб топиш, яъни уни судлаш ҳисобланади. Судьяда бунинг учун ахлоқий ҳуқуқ бор дейилиши ўз-ўзидан асоссизлигини кўрсатади. Ушбу олимларнинг фикрини тасдиқлаган ҳолда суднинг хатоси иш бўйича исботланган ҳақиқий ҳолатга қарамасдан, ишда унга қарши тўпланган, инкор қилиб бўлмайдиган далилларни эътиборга олмасдан айбдор шахсни оқлашда ҳам кўринади. Оқибатда жиноятчи муқаррар жазодан қутилиб қолади. Бундай хатолар қаторига амалиётда учраб келаётган қилмишларни нотўғри тавсифлаш, шунингдек айбдорга нисбатан кўра билиб адолатсиз жазо тайинлашларни ҳам киритиш мумкин. Агар суднинг бундай хатога йўл қўйилиши қасддан, била туриб содир этилмаган бўлса, бундай хатони суд томонидан судланувчини айбдор ёки айбсиз деб топиш ва жазо тайинлаш ҳақидаги хато қарори деб баҳолашлик лозим бўлади.

Айрим муаллифларнинг асарларида ва амалиётда судларнинг ишларига баҳо беришда суднинг хатосига “сўзнинг кенг маъносида” ҳукмда ҳал қилиниши лозим бўлган ҳар қандай масаланинг нотўғри ҳал этилиши деб қарашлар мавжуд. Бу фикр бир томондан суд хатоси билан, иккинчи томондан муайян масала бўйича суднинг хато қарори ўртасидаги **сигатий** фарқнинг йўқолишига олиб келади¹⁷. Бу фикрга қўшилган ҳолда амалиётдан келиб чиқиб, айтиш ўринли бўлади, яъни иш бўйича қилмишнинг содир этилган-этилмаганлиги, ким томонидан, қачон, қаерда содир этилганлиги ва бошқа ҳолатларни аниқлашда юзага келадиган ички ишонч энг аввало далилларга баҳо беришга боғлиқ бўлади. Судланувчининг қилмишига юридик баҳо беришлик ва унга нисбатан жазо чораларини белгилашлик судьянинг хулоса ва

¹⁵Проблемы судебной этики. – С. 88.

¹⁶Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. – Челябинск, 2005.

¹⁷ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. – Челябинск, 2005.

қарорининг тўғрилиги ва адолатлилиги бўйича ички ишончига мос бўлади. Судья иш бўйича бир қарорга келишга асос бўлган қонун ва ахлоқий нормалар унинг ушбу иш бўйича ички ишончини тўғри шакллантиришга асос яратади.

Исботлаш доираси – фактлар ва ҳолатлар суммасининг шундай етарлилигини таъминлашдирки, у қонун, ҳуқуқий онг ва амалиёт асосида терговчи ва судьяларга исботлаш предметининг барча элементлари амалда мавжудлигига ички ишонч ҳосил қилиш имконини беради¹⁸.

Судьянинг кўрилаётган иш бўйича ички ишончи судьяларнинг мустақиллиги, эркинлиги шароитида, бундай уринишларга қарши курашиш мажбурийлиги асносида амалга оширилади. Судьяда иш бўйича ички ишонч иш ҳолатларини атрофлича ўрганиш натижасида юзага келиши ва иш бўйича атрофлича текширилган ишга алоқадор, яроқли, мақбул, процессуал қонун талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тўпланган **иш бўйича** етарли далилларга асосланиши кераклиги талаб этилади.

4§ Далилларнинг айрим турларидан фойдаланишнинг ахлоқий асослари

Далилларни олиш - уларни қидириб топиш, текшириш ва уларга баҳо бериш ваколати юкланган шахслар томонидан амалга оширилади. Аммо бу қидириб топилиши, текширилиши ва баҳо берилиши лозим бўлган далиллар аслида бошқа одамлардан, яъни иш ҳолати бўйича аҳамиятли бўлган маълумот “манбаи”дан ёки бўлмаса уларни ўрганишга жалб қилинган шахслардан олинади. Бундан кўриниб турибдики, далилларни қидириб топиш, текшириш ва уларга баҳо бериш ваколати юкланган шахсларнинг ҳамда бу далиллар олинadиган шахсларнинг ахлоқий жиҳатлари, шунингдек турли хил далилларни олиш ва қўллашни тартибга солувчи қонунчиликнинг ахлоқий асослари қанчалик муҳим рол ўйнашини кўриш мумкин.¹⁹ Бу фикрни тасдиқлаган ҳолда замонавий жиноят-протсессуал қонунчиликда инсонни ўзига қарши кўрсатув беришлик қатъий тақиқланишини алоҳида қайд этиш лозим. Бундан келиб чиқиб ҳеч ким гумон қилинувчини, айбланувчини умуман кўрсатув беришга мажбурлашга, кўярда-қўймай ундан айбини бўйнига олишни талаб қилишга ҳақли эмаслигини таъкидлаш лозим.

¹⁸ Мухаммадиев А.А. Далиллар назарияси муаммолари. Дарслик (кирилл ва лотинда) - Т.: ТДЮИ, 2009. – В. 220-221. Jinoiyat protsessi. Umumiy qism. /Z.F. Inog‘omjonovaning umumiy tahriri ostida. - Т.: Adolat, 2007. – В. 265.

¹⁹ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. – Челябинск, 2005.

Шубҳасиз, бу тақиқнинг ахлоқий мазмуни инсонни жиноят содир қилганликда гумон қилиш ёки айблаш, ким айблаётган бўлса ўша шахснинг зиммасида бўлиши керак. Ҳеч ким ўзига нисбатан тегишли юридик аҳамиятга эга бўлган қарор бўлмагунча айбдор ҳисобланмайди. Жиноят содир қилганликда ўзини-ўзи фош этишликни талаб қилишлик эса айбсизлик презумпсияси талабига қарши бориш ҳисобланади.

Агарда айблов хато гумон қилинган айбсиз одамга қаратилган бўлса, виждонли одамнинг кадр-қимматини ерга уради. Қонун талабига кўра, гумон қилинувчи ва айбланувчи кўрсатувлар бериш ёки бермаслик ҳуқуқига эга бўлиб, керакми ва айнан қандай кўрсатувлар бериши кераклиги масалаларини бу масалани ҳал қилишда улар эркин бўлишлари лозим. Қонун талаби бўйича Жабрланувчи ва гувоҳлардан фарқли ўлароқ, гумон қилинувчи ва айбланувчи билан туриб ёлғон кўрсатув берганлиги учун жиноий жавобгар бўлмайди. Айбланувчининг ёлғон кўрсатувлари турли ҳолатларда, яъни жиноятни ҳақиқий содир қилган шахс айбини инкор қилади, айбловдан ҳимояланиш ва жавобгарликдан қутилиш мақсадида ёлғон кўрсатувлар беради, ўзининг жиноятини бошқанинг зиммасига ағдаришга ҳаракат қилади, айбдор оғир жиноятдан қутилиш мақсадида енгилроқ жиноятни содир қилганлик ҳақида кўрсатув бериши мумкин.

Айбланувчининг ёлғон кўрсатув берганлиги учун жиноий жавобгарликнинг йўқлиги ва “ёлғон гапиришга ҳуқуқ” бошқа-бошқа нарсалардир. Юридик жавобгарлик хавфи остида ҳақиқатни гапириш мажбуриятининг йўқлигини ёлғон гапириш ҳуқуқи билан аралаштириб юбормаслик лозим.²⁰

М. С. Строгович асосли ёзганидай “...агар айбланувчи ва гумон қилинувчи била туриб ёлғон кўрсатув бериш ҳуқуқига эга бўлганларида, терговчи ва суд уларга нафақат бу ҳуқуқларини тушунтириш балки уларга буни амалга оширишда кўмаклашган бўлади. Бу ерда гап, кўриниб турганидай, ёлғон учун ҳуқуқ ҳақида эмас, балки ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликнинг йўқлиги ҳақидаги ҳуқуқ тўғрисида бормокда, бу албатта битта нарса дегани эмас”²¹.

²⁰ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. – Челябинск, 2005.

²¹ Проблемы судебной этики. – С. 138—139.

Айрим ҳолларда айбланувчи кўрсатув беришни хоҳламаганлиги ёки ёлғон кўрсатув берганлик ҳолатларини унинг айбдорлигининг далилларидан бири сифатида фойдаланишга ҳаракат қилинади ва бу қонунга хилоф ҳаракат ҳисобланади ва ахлоқий нормаларга жавоб бермайди.

Айбланувчининг айбни бўйнига олишига эришиш ва уни мустаҳкамлаш кенг тус олган бўлиб, унинг усуллари ҳамма вақт ҳам қонунга ва ахлоқий нормаларга тўғри келавермайди. Масалан, айбланувчининг айбни бўйнига олишига эришишда чин кўнгилдан пушаймонда бўлиш ҳақидаги қонуннинг талабидан фойдаланилиб ва буни айбини бўйнига олиш билан алмаштириб, оқибатда айбланувчининг авбловга нисбатан ўз позитсиясини белгилаб олишига тўсқинлик қилиб, унинг зиммасига ўз айбсизлигини исботлашни юклашга уринишлар мавжуд.

Айбланувчининг айбини инкор этиши ушбу иш бўйича иш юритишни олиб бораётган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорларда турли хил ахлоқий баҳоланиши мумкин. Агарда айбланувчи ўз айбини инкор этса, бу унинг тутган позицияси ҳисобланади ва бундай ҳолат айбловчининг зиммасига унинг позициясини етарли далиллар билан рад қилиш ёки унинг айбсизлигига ишонч ҳосил қилиш вазифасини юклайди. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, айбланувчининг бирон-бир кенгайтирилган деярилик кўрсатуви бўлмаса-да, айбсизлиги ҳақида таъкидланишининг ўзи мазмунан ҳам юридик, ҳам психологик ҳамда ахлоқий аҳамиятга эга бўлади. Процессуал қонун талабига кўра айбланувчининг ўз айбини инкор этиш ҳақидаги тутган позицияси текширилиши лозим ва етарли далиллар бўлгандагина уни инкор қилиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси **Жиноят-протсессуал қонунчилигида** **томонидан** терговчи ва суднинг айбланувчидан унга қўйилган айбловга бўлган муносабатини аниқлаш вазифаси белгиланганлиги ахлоқ билан ўзаро боғлиқ**дир** **ликда**. Айбланувчидан терговчи айбловни эълон қилганидан кейин дастлабки терговда сўроқ қилаётганида, суд эса суд тергови бошланишидан олдин унга қўйилган айблов бўйича ўзини айбдор деб тан олиш-олмаслигини сўрашга мажбур. Бу қоида ишнинг олиб борилишидан тақдир боғлиқ бўлган айбланувчи инсонга эътиборни билдиради, унинг позициясини аниқлашга ахлоқий мажбурият, шунингдек айбланувчининг ўз позитсиясини билдиришга ва ҳисобга олишга ахлоқий ҳуқуқини билдиради.

Процессуал конун талаби бўйича айбланувчининг кўрсатувлари ҳар қандай ҳолатда ҳам иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан солиштириб асосли тарзда текширилиши лозим. Агарда айбланувчининг кўрсатувлари айблов тахминига зид бўлганда, улар фақат етарли далиллар бўлгандагина инкор қилиниши мумкин. Умумий қоидага биноан ҳар қандай гумонлар айбланувчининг фойдасига ҳал қилинади.

Маълумки, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари кенг тарқалган далиллар қаторига киради. Бу ўринда гувоҳларнинг кўрсатувларидан фойдаланишда кўпроқ аҳамиятлилари бўлиб жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган, лекин ҳаракатдаги ЖПК нормаларига мувофиқ ҳали гумон қилинувчи тариқасида тан олинмаган, айбланувчиларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилишлик эътиборга молик ҳолат ҳисобланади.

Бундай гувоҳларнинг ўзларидан жиноят содир этишда ўзларини фош этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида сўроқ қилиш бундай олганда ахлоққа зид ҳаракат ҳисобланади.

Бундай “гувоҳ”ни кўрсатув беришдан бош тортиганлик ва била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган ҳолда сўроқ қилинади. Аммо уни хато гумон қилинганида ҳам айбланувчи бўлиб қолганида жавобгарликка тортиш мумкин бўлмайди. Бу келтирилган ҳолатларда сўроқ қилишлик сўроқ қилаётган томонидан алдов йўли билан олиб борилишида ифодаланади. Кўриб чиқиладиган амалиётнинг ахлоқсизлиги шахсни ўзига қарши ўзини гувоҳлантиришга мажбурлайди²².

Маълумки, била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортишлик муайян ахлоқий масалаларни ҳал қилишлик билан боғлиқ бўлади. Авваломбор ёлғон гувоҳлик бериш барча жиноятлар каби ахлоққа зид ҳисобланади. Аммо жамоатчилик онгида билатуриб берилган ёлғон кўрсатувга унинг мазмунига қараб баҳо беришлик фарқланади. Агарда гувоҳ айбсиз шахсни жиноятни содир қилганликда айбланиш мақсадида била туриб ёлғон кўрсатув берса бу албатта ахлоқсизлик, ўта пастлик ҳисобланади. Аммо бундай била туриб ёлғон кўрсатув беришлик айбдорни жавобгарликдан қутқариш мақсадида қилинган бўлса, бундай ҳолатга баҳо беришлик бошқача баҳо берилади бўлади. Бунгада гувоҳ асосланган, яъни айбдорга раҳми келганлиги, унинг билан бўлган алоҳида муносабати, ташқи ғайри

²² Qarang: Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста.Учебно-методический комплекс по дисциплине Челябинск, 2005. – С.40-50.

кучларнинг таъсири, сотилганлиги ва бошқа сабаблар аҳамият касб этади.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, bila turib yolg'on ko'rsatuv berganlik uchun jinoiy javobgarlikka tortishlik ko'pchilik hollarda haqiqiy jinoyatchilarni jinoiy javobgarlikdan qutqarishga qaratiladi. Oqibatda esa bunday jinoyatlarning ko'p hollarda jazosiz qolishiga olib keladi.

Энг ачинарлиси бундай амалиёт, қонун бўйича давлат органлари вакилларига ҳақиқатни гапиришга мажбур бўлган фуқароларнинг ахлоқий онгида ёлғонга нисбатан ижобий деб бўлмайдиган, бепарволик муносабатининг тарқалишига кўмаклашади. Бундай амалиёт жамиятда умуман одиллик, тўғрилик каби ахлоқий хислатларга баҳо беришга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Гувоҳнинг иммунитетини (дахлсизлик ҳуқуқи) масалаларини ҳал қилишга қонунчиликда ва амалиётда керакли даражада эътибор берилмай келинади эди. **(ИЗОХ қайси даврда? Ёзиш керак)**

Қонунчилик ҳақиқатни аниқлаш ва ахлоқий қадриятларни ҳимоя қилиш олдида жиноятчини фош қилишдан келиб чиқар эди. Гувоҳ тариқасида сўроқ қилишни тақиклаш айбланувчининг ҳимоячисигагина татбиқ қилинади эди ва у ҳам бўлса ҳимоячи вазифасини бажариши натижасида унга маълум бўлган ишнинг ҳолатлари бўйича эди холос. Бугунги қонунчилик тартибида ҳеч ким ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга, турмуш ўртоғи ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланган, адвокатлик сири чегаралари кенгайган. **Г.А.Василеванинг** фикрига кўшилган ҳолда, жиноят-протсессуал қонунчилик даражасида жиноят ишларини юритиш жараёнида шифокор сири, шахсий ҳаёт сири ва бошқа ахлоқий қадриятлар бўйича ҳам ушбу муҳим ҳолатларнинг амалга оширилиши процедурасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир²³.

Амалиётга кўра ж Жабрланувчи - гумон қилинувчи ёки, айбланувчи билан юзлаштириш ўтказилаётган вақтда, судда сўроқ қилинаётганда ва бошқа дастлабки ёки ва суд терговида қўшимча руҳий зарбани, қаттиқ ҳаяжонни бошидан кечириши мумкин. Яна шундай бўлиши мумкинки, жабрланувчи ўзининг хатти-ҳаракати билан жиноятнинг келиб чиқишига олиб келади.

Иш бўйича жабрланувчининг кўрсатувларидан фойдаланишда унинг ишдаги процессуал ҳолатининг ахлоқий томонини ва унинг айбланувчи билан бўлган муносабатининг хусусиятини ҳисобга олиш

²³ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С. 40-50.

лозим бўлади. Иш бўйича жабрланувчи кўрсатув беришга ҳаққи бор, шу билан биргаликда жабрланувчи кўрсатув беришга ва ҳақиқатни гапиришга мажбур. Чунки у айбланувчи билан нафақат процессуал балки ахлоқий муносабатларда бўлади.

Бу каби ҳолатлар жабрланувчидан кўрсатувлар олинаётганида, ўрганилаётганида ва уларга баҳо берилаётганида *жабрланувчига инсонга муносабат қилгандай муносабат қилиш*, **унинг** кўшимча ахлоқий азоб чекишига, ким томонидан бўлмасин унинг кадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, кўрсатув бераётганида йўл қўйган хато ва камчиликларига оқилона марҳаматлилик кўрсатиш талаб этилади.



Назорат учун саволлар:

1. Жиноят иши бўйича қайси ҳолатлар исботланиши лозим?
2. Исботлашнинг ахлоқий жиҳатлари қайси тамойиллар билан боғлиқ?
3. Далилларни эркин баҳолашнинг ахлоқий аҳамияти нимадан иборат?
4. Ички ишонч бўйича далилларга баҳо беришнинг асосий жиҳатларини тасвирлаб беринг.
5. Далилларнинг айрим турларини фойдаланишнинг ахлоқий асосларини асослаб беринг.
6. Гувоҳдан кўрсатув олишнинг қандай ўзига хос ахлоқий хусусиятлари бор?
7. Жабрланувчидан кўрсатув олишнинг ахлоқий томонлари нимадан иборат?

VI БОБ: АЙРИМ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЭТИК ВА АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

1§ Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришнинг умумий қоидалари.

2§ Айрим тергов ҳаракатларини олиб боришга бўлган этик ва ахлоқий талаблар.

3§ эҳтиёт чорасини танлашнинг ахлоқий асослари

1§ Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришнинг умумий қоидалари

Суд босқичига қадар исбот қилишдаги дастлабки терговни “*дастлабки*” дейилишига сабаб, аксарият ҳолларда, у судда ишни кўриб чиқишдан олдин олиб борилади”²⁴. Баъзи олимлар уни суддан олдин ва суд учун хизмат қилаётган фаолият²⁵, деб қарашади.

Мазмунан қаралганда “*дастлабки тергов*” қуйидаги фаолиятларни ўз ичига олади, яъни процессуал қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларни фош этиш, жиноят иши бўйича ишда қатнашаётган фуқораларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва адолатли қарорлар қабул қилиш шулар жумласига киради.

Dastlabki tergov protsessual qonunda belgilangan tartibda vakolatli davlat organlari tomonidan amalga oshiriladigan quyidagi faoliyatlarni o‘z ichiga oladi:

jinoyatlarni tez va to‘la ochish

aybdorlarni fosh etish

jinoyat ishi bo‘yicha ishda qatnashayotgan fuqoralarning huquq va manfaatlarini ta‘minlash

adolatli qarorlar qabul qilish

/

²⁴ Алексеев Н.С. таҳрири остида. Уголовный процесс. М., 1989, - С.209.

²⁵ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса 2 том М.,1970. - С. 40.

Тергов ҳаракатлари деб жиноят-протсессуал қонунда кўзда тутилган ва давлат томонидан мажбурийлиги таъминланадиган муомала ва усуллар йиғиндисига айтилади.

Жиноят-протсессуал қонунда тўғридан тўғри кўрсатилганки, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ҳамда ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ички ишонч бу - кишининг шундай ҳолатики, у мавжуд далиллар йиғиндисидан, тизимидан келиб чиқадиган ягона мумкин бўлган хулоса борлигини билдиради.

Далилларни қабул қилиш ва текширишни ўз ичига олган тергов ҳаракатлари қонун билан тартибга солинади. Жиноят-протсессуал нормалардаги ахлоқий мезонлар одатда тақиқлар шаклида бўлади. Бундай тақиқлар шаън ва қадр-қимматни камситишга қаратилган ҳаракатни тақиқлаш, кўрсатувларни куч ишлатиб, кўрқитиш ва бошқа шунга ўхшаш чоралар орқали олишнинг, сир сақланиши керак бўлган маълумотларни тарқатишнинг тақиқланишида кўринади.

D. P. Kotovning fikricha, adolat va insonparvarlik tamoyillari, sha'n va qadr-qimmatni hurmat qilish kabilar qatoriga quyidagi axloqiy normalarni kiritish lozim: har qanday qonun buzilishlariga yo'l qo'ymaslik, jinoyat-protsessual madaniyatga, xolislik, qat'iylikka amal qilish, g'arazgo'ylikning, ishonchsizlikning, ayblov tomonga og'ishning, taxminiylilikning bo'lmasligiga erishish, har qanday tergov harakatlarini olib borishda ayrim shaxslar va jamoalarga ziyon yetkazmasliklarni kiritish lozim.

Тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда жиноят процессининг куйидаги тамойилларига сўзсиз риоя қилиниши лозим:

- 1) *шахсинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш* (Ўз.Р.ЖПК.18 17-м.);
- 2) *гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш* (Ўз.Р.ЖПК.24-м.);
- 3) *айбсизлик презумпцияси* (Ўз.Р.ЖПК.23-м.);
- 4) *далилларни бевосита ва оззаки усулда текширишга* (Ўз Р ЖПК 26-м).

Adolatli zotlarni tug'ishganingizdan ham a'lo ko'ring.

Antisfen

(miloddan avvalgi 444-366-yillar)

Тергов амалиётида, афсуслар бўлсинки, қонунга риоя қилиш, шунингдек этика нормаларини бажариш борасида барчага маълум бўлган камчиликлар мавжуд. Булар қаторига биргина тахминни ишлаб чиқиш билан боғлиқ айблов томонга оғишда, терговда иштирок этаётганларнинг ҳуқуқини таъминламасликда, терговни юзаки олиб боришда, жиноятнинг очилмаслигига олиб келувчи сусткашликда, тергов ҳаракатларини олиб боришда ва улар бўйича баённома юритишда ифодаланади. Айрим ҳолатларда тергов ҳужжатларини қалбакилаштириш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу каби камчиликларга йўл қўймаслик учун кўплаб объектив ва субъектив сабабларни бартараф қилишни талаб қилинади.

Yodda tuting!

Tergovchining faoliyati u tomonidan protsessual qonunga rioya qilish qat'iy ta'minlanganda, u ishda barcha ishtirok etayotganlarning qadr-qimmatini hurmat qilib sog'lom axloqiy muhitni yaratgan holda tergov harakatlarini olib borganda, obyektiv harakat qilganda muvaffaqiyatli bo'lishi mumkin.

Кўриниб турибдики, терговчи юқори даражадаги ахлоқий ва психологик сифатларга эга бўлиши лозим, аксинча уни шахси ва хулқ-атворидаги ахлоқий нуқсонлари хавfli оқибатларга олиб келиши мумкин. Терговчи ўз фаолияти давомида *уч турдаги ли* қоидаларга асосланади:

- 1) процессуал қоидалар;
- 2) криминалистик қоидалар;
- 3) ахлоқий қоидалар.

Процессуал қоидалар нормалар терговчидан тергов олиб бориш жараёнида терговни қайси шаклларда, қандай тартибда олиб боришликни қилади кўрсатади.

Криминалистика томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар терговчига терговни олиб боришнинг тактик йўналишини белгилаб олиш, дастлабки тергов олдида турган жиноятни тез ва тўла очиш, айбдорларни фош қилишдек муҳим вазифаларни энг самарали амалга

оширишнинг услуб ва йўл-йўриқларини излаб топиш имкониятини беради.

Ахлоқий нормалар тергов олиб боришдаги у ёки бу усулларининг ахлоқ нуқтайи назаридан мақбуллигини баҳолашга имкон беради.

Барча тартиб-қоидалар бир-бири билан узвий боғлиқликда бўлса-да, лекин қонун улар орасида юқори туради. Терговчи ўз касбий бурчи учун ҳамда дастлабки тергов олдида турган вазифаларнинг ижроси учун шахсан ахлоқий жавобгар ҳисобланади. Бунинг учун у холис, беғараз, адолатли, инсонпарвар ва ҳушёр бўлиши керак. Хизмат фаолиятини амалга ошираётганда чидамлик, босиқлик, хушмуомалаликка риоя қилиши лозим. Жиноятни тергов қилаётганда терговчи содир этилган жиноятга ёки жиноят иш бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришга у ёки бу шаклда дахлдор бўлган фуқароларнинг кенг доираси билан ахлоқий муносабатлар тизимида ҳаракат қилади. Умуман олганда терговчининг фаолиятига юқори ахлоқий талаблар қўйилади. Бу фуқаролар жиноят ишининг якунидан манфаатдор бўлган, ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи процесс иштирокчилари ҳисобланади. Улар қаторига қонун айбланувчи, жабрланувчи, уларнинг вакиллари, айбланувчининг ҳимоячиси, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларини киритади. Терговчида ўз ваколатларини амалга ошираётганида худди шу шахслар билан муносабатларда биринчи навбатда ахлоқий ҳуқуқ ва ахлоқий мажбуриятлар юзага келади.

Бундан ташқари терговчида *ахлоқий ҳуқуқ ва ахлоқий мажбуриятлар* ишда иштирок этаётган гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар, холислар, мутахассислар ва ҳақиқатни аниқлаш ёки тергов ҳаракатларини ташкил этишда қатнашаётган бошқа шахслар билан муносабатларда ҳам юзага келади²⁶.

2§ Айрим тергов ҳаракатларини олиб боришда га бўлган талаб этиладиган ахлоқий нормалар талаблар

Энди, айрим **Асосий** тергов ҳаракатларини олиб боришда риоя қилиниши талаб этиладиган ахлоқий **нормалар талаблар** тўғрисида тўхталиб ўтсак **амиз**.

²⁶ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С.40-50.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда риоя қилиниши талаб этиладиган ахлоқий нормалар талаблар.

Терговчининг ҳуқуқий мажбурияти жиноятни тез ва тўлиқ очишдан ва айбдорларни фош қилишдан иборат. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақидаги маълумотлар бўлган тақдирда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳақидаги криминалистик услуб қондаси чуқур ахлоқий аҳамиятга эга.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўз вақтида олиб бориш терговчига ўз вақтида жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва уни ушлаш чорасини кўриш, содир бўлган ҳодисанинг шароити, содир бўлиш механизми ва бошқа ҳолатларни аниқлаш, жиноятнинг моддий изларини ва предметларини топиш, қайд қилиш ва олиш, олинган нарсалар, жиноят қуроллари, предметларни кўздан кечириш борасида уларни сақлаш чораларини кўриш имконини беради.

Амалиётда учраб турадиган ҳ Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни сусткашлик билан амалга ошириш ёки бўлмаса зарур бўлганда уни ўтказишдан бош тортиш терговчининг касбий ва ахлоқий бурчларига зид ҳаракат ҳисобланади.

Eu hukmdor, yolg'onni toj-taxtga yaqinlashtirma. Doimo haqiqat yo'lini tut.

Abulqosim Firdavsiy
(934(taxminan) – 1024-yillar)

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бундай қараганда бирон-бир ахлоқий муаммоларни келтириб чиқармайди, чунки унда фақат терговчи ва ҳолислар иштирок этишади. Аммо бу тергов ҳаракати ҳам турли хил одамлар билан муносабатга киришишни тақозо этади ва ахлоқий жиҳатларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси га биноан турар жойни кўздан кечиришга алоҳида тартиб ўрнатади. Турар жойни кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси талабларига қатъий амал қилиш зарурлиги билан боғлиқ бўлиб, унга кўра ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши мумкин эмас. Бундан келиб чиқиб, дастлабки терговни олиб бораётган шахс турар жойни кўздан кечиришга зарурат бўлганда унда истиқомат қилаётган барча шахслардан розилик олиши керак. Бу ўринда турар жойни кўздан кечиришни тинтув ўтказиш билан алмаштирмаслик зарур. Терговчи воқеага бевосита дахлдор бўлган объектларнигина кўздан кечириши лозим.

ИЗОХ: Яшил рангга бўялганлар ЖПК талабларига зид бўлиб, уларни ЖПКнинг 20-бобида назарда тутилган нормалар асосида қайта кўриб чиқиш шарт.

Холислар, мутахассислар, кўпчилик ҳолларда милитсия ходимлари иштирокида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ушбу жараёнда барча иштирок этаётганлар билан ўзаро тўғри муносабатларни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Терговчи кўздан кечиришнинг барча иштирокчилари ҳаракатларига раҳбарлик қилади, ҳодиса содир бўлган жойдан бегоналарни кетказиб юбориш чораларини кўради. Кўздан кечириш жараёнида у ёки бу шахс ҳаётининг сирли томонларини ошкор қилишга йўл қўйилмайди. Яшаш жойи бўлмаган, шунингдек турли юридик шахслар жойлашган биноларни кўздан кечириш юридик шахс вакилининг иштирокида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 138-моддасида мурдани кўздан кечиришнинг алоҳида қоидалари белгиланган. Мурдани кўздан кечириш одатда у топилган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда амалга оширилади ва бу ҳолатда мурдани кўздан кечириш ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қайд этилади.

Мурдани кўздан кечириш мустақил тергов ҳаракати ҳисобланади, қачонки у терговчи келгунга қадар ҳодиса содир бўлган жойдан бошқа жойга кўчирилган бўлади, масалан, мурдани кўздан кечириш ўликхонада (морг)да амалга оширилади ва натижада алоҳида баённома тузилади.

Мурдани кўздан кечириш айнан терговчи томонидан, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодекси 345-моддаси 1-қисми 2-банди талабига асосан прокуратура органининг терговчиси томонидан холислар, суд-тиббиёт эксперти иштирокида олиб борилади. Шунингдек мурдани кўздан кечиришда криминалистлар, кимёгарлар, биологлар ва бошқа мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Агарда вафот этган шахс аниқланмаган бўлса, бундай мурдаларни крематсия қилиш - махсус печларда мурдани куйдириш мумкин эмас. Чунки, келгусида бу мурдани таниб олиш учун тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Таниб олинмаган мурдани фақат прокурор рухсати билан кўмилади²⁷.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 148–152-моддаларида эса мурдани эксгуматсия қилиш асослари, тартиби ва унга оид протсессуал ҳаракатлар белгиланган. Эксгуматсия қилиш мурдани қабрдан чиқариб олишни ўзида ифодалайди. Мурда кўмилган жой деб ўлганларни кўмиш учун ажратилган махсус жой, яъни қабристонни ёки бўлмаса жиноятчи

²⁷ O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. – T.: TDYI, 2009. – B. 245-247.

ёхуд бўлмаса жиноятчилар томонидан яширинча мурда кўмилган жойни тушуниш лозим. Мурдани эксгуматсия қилиш терговчининг қарори асосида амалга оширилади. Марҳумнинг яқин қариндошлари ёки қариндошлари мурдани эксгуматсия қилишга қарши бўлганларида уни ўтказишлик учун суднинг қарори зарур бўлади.

Эксгуматсия қилишлик зарурат туғилганда, яъни кўмилган мурдани биринчи ёки иккинчи маротаба кўздан кечиришда, мурдани таниб олиш учун кўрсатишда, биринчи ёки иккинчи маротаба экспертиза ўтказишда амалга оширилади. Экспертиза терговчи томонидан холислар, суд-тиббиёт эксперти иштирокида, суд-тиббиёт экспертини таъминлашнинг имконияти бўлмаганда шифокорнинг иштирокида, бошқа мутахассислар, шунингдек мурдани қабрдан олиб чиқиш учун ерни қазиш ишларини амалга оширувчи шахслар иштирокида²⁸ ўтказилади. Терговчининг қарорига биноан эксгуматсия қилиш пайтида бошқа шахслар ҳам, масалан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, суд томонидан бундай қарор чиқарилганда эса судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳлар иштирок этишлари, таниб олиш мақсади кўзланганда марҳумнинг қариндошлари ҳам қатнашиши мумкин бўлади.

Эксгуматсия ўтказилгандан кейин мурдани кўмиш ва мурда кўмилган жойни тартибга келтириш маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Шу сабабли ҳам эксгуматсия ўтказиш пайтида маҳаллий ҳокимият вакиллари, яъни маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари иштироки мақсадга мувофиқ бўлади.

Мурдани кўмиш унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром қоидаларига амал қилган ҳолда, диний талаблар ва маҳаллий урф-одатларга риоя қилиб ҳамда вафот этган шахснинг яқинлари билдирган истаklarни эътиборга олиб бажарилиши керак²⁹.

Гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги асослантирилган қарори ёки суднинг шу тўғридаги ажримига асосан инсон танасида алоҳида белгилар, тан жароҳатлари, мастлик даражаси ва бошқа хусусият ҳамда белгилар, шунингдек жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашлик учун ўтказилади. Гувоҳлантириш суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилиши талаб этилмайдиган ва танада жиноят изларининг бор-йўқлигини аниқлашгина етарли деб ҳисобланган ҳолатларда амалга оширилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодекси 146-моддаси билан гувоҳлантиришнинг барча

²⁸ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С. 40-50.

²⁹ O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. – T.: TDYI, 2009. – B. 260-264.

иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқлари ҳимояланган. Гувоҳлантириш чоғида аниқланган танадаги алоҳида белгиларни сир сақлаш зарурлиги ҳақида огоҳлантирилишлари лозим. Шахсни яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни, шунингдек, ушбу Кодекс 142-моддасининг иккинчи бандида назарда тутилган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёки бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан гувоҳлантирилаётган шахс билан бир жинсдаги шахслар ҳузурида ўтказилади. Бундай ҳолларда гувоҳлантирилаётган шахснинг ор-номуси, шаъни, кадр-қиммати топталмаслиги учун тегишли чоралар кўрилиши лозим.³⁰

Олиб қўйиш ва тинтув (ЎЗР ЖПК 20-боб). **муҳим тергов амалларидан ҳисобланади.** Олиб қўйиш бу - қаердалиги ва кимдалиги маълум ҳамда жиноят иши учун аҳамиятли бўлган предмет ва ҳужжатларни мажбуран олиб қўйишдан иборат бўлиб, аввал уларни ихтиёрий равишда терговчига топширилиши сўралади, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки предмет ва ҳужжатларни сақлаётган шахс томонидан улар ихтиёрий топширилса бу ҳақда баённомада кўрсатилади ва қонунга биноан ашёвий далил деб эътироф этилади.

Жиноят учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаердалиги суд муҳокамаси чоғида маълум бўлиб қолса, суд ҳам уларни олиб қўйишга ҳақли ва бу ҳақда тегишли ажрим чиқаради.

Ўзида давлат ва ҳарбий сирни сақлайдиган ҳужжатлар ва нарсаларни олиб қўйишда шу сирлар билан танишишга рухсати бўлган холислар таклиф қилинади ва улар тегишли тартибда огоҳлантирилади.

Tintuv bu – turar joylarda yoki boshqa joy yoxud xizmat, ishlab chiqarish binolarida jinoyat ishiga aloqador bo'lgan, ish uchun ahamiyatli narsa va hujjatlar bor deb o'ylashga asosli ma'lumotlarga ega bo'lganda, ularni izlash, topish va ishga qo'shish uchun amalga oshiriladigan harakat hisoblanadi.

Қонун бўйича тинтув шахсга хизмат ёки бошқача тарзда қонуний алоқаси бўлмаган ёки унинг ҳуқуқи бўлмаган, шу жумладан, қидирилаётган шахсларни ва мурдаларни топиш мақсадида ҳам амалга оширилади. Тинтув – тинтув ўтказилаётган шахснинг ихтиёридан қатъи назар, мажбурий ўтказиладиган ҳаракат ҳисобланади ва фуқароларнинг

³⁰ O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. – T.: TDYI, 2009. – B. 256-257.

шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлигига оид ҳуқуқларига таъсир этиши билан ажралиб туради³¹.

Қидирув фуқаронинг ҳуқуқини юқори даражада чеклайди ва ахлоқий нормаларга алоҳида аниқ амал қилишликни талаб қилади. Бу ўринда А.Ф.Кони “*Бу тергов ҳаракатлари ҳалол кишининг ҳаётига нотинчлик келтиради ва атрофидагиларнинг унга бўлган муносабатига нифоқ солади, шу сабабли улар катта эҳтиёткорлик билан қўлланилиши лозим*”, деб ўринли таъкидлаган.³²

Изоҳ: Қидирув тинтувни ичига кириб қолган ?

Одатда тинтув гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан ўтказилади. Аммо тинтув гувоҳга, жабрланувчига ва бошқа ҳеч бир процессуал мақомга эга бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам ўтказилиши мумкинлиги истисно этилмайди.

Тинтув уни ўтказиш учун етарли ҳуқуқий асослар бўлганда, иш ҳолатлари бўйича **у** зарур бўлганда, демакки ахлоқан маъқулланганда ўтказилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишга киришишдан олдин **унга нисбатан ушбу тергов ҳаракатлари ўтказилаётган олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган** шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб, унга имзо қўйдириши шарт.

Ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш эрталаб соат 06 дан кеч соат 22 га қадар амалга оширилиши лозим.

Ноқонуний тинтув ўтказиш фуқаронинг конституциявий ҳуқуқининг қўпол бузилиши ҳисобланади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ва кечаси тегишли рухсатсиз тинтув ўтказишга бундай рухсатни олиш мураккаб бўлганда ёки тинтув ўтказишни пайсалга солиш унинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Агар эрталаб соат 06 дан кеч соат 22 га қадар тинтув ёки олиб қўйиш тергов ҳаракатини жой ва хоналарнинг кўплиги, кеч бўлганлиги ва ёруғлик етарли эмаслиги сабабли **яқунлашни имкони бўлмаса**, тергов ҳаракатини тўхтатиб, қидирилаётган хонани муҳрлаб, уни тергов ҳаракатини давом эттиришгача муҳофаза қилиш чоралари кўрилиши керак, муҳофаза қилиш имконияти бўлмаса тергов ҳаракатини тунги вақтда ҳам ёритиш чораларини кўрган ҳолда амалга оширилиши ва тергов ҳаракати яқунланиши лозим.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда ўтказилган

³¹ О‘sha joyda: - В. 275-276.

³² Кони А. Ф. Избранные произведения. – М., 1959. Т. 1. – С. 607.

тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади, бундай ёзма хабарнома асослантирилган бўлиши керак³³.

Терговчи тинтув ўтказилаётганда тинтув кимниқида ўтказилаётган бўлса **шу** шахснинг иштирокини таъминлашга мажбур, шунингдек тинтув ўтказилаётган хонада яшаётган болаларни бошқа жойга ўтказиб туришликни таъминлаши лозим, агарда оилада беморлар бўлса тинтув уларнинг аҳволига **бевосита** таъсир қилмаслиги учун уларни бошқа жойга олиб ўтиш зарур³⁴.

Тинтув ўтказилаётганда холислар иштироки ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилган. Амалиётда кўрсатилишича, бу муҳим институтга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Тинтув тергов ҳаракатининг ишнинг пировард натижасига муҳим таъсирини кўзлаган ҳолда, тинтув қилинаётганга нотаниш бўлган кишиларни холис тариқасида жалб қилишлик керак., **асло унинг қўшниларини эмас.**

Тинтув тергов ҳаракатини ўтказилаётганида терговчи тинтув ўтказилаётган шахснинг **шахсий ҳаётига**, шахсий ва оилавий сирларининг ошкор бўлиб кетмаслигик чораларини имкон қадар кўриши керак. Бундай талаб унинг яқин кишилари, хатто ишга дахли бўлмаган бошқа шахсларга **оид тегишли** маълумотларга ҳам тегишли ҳисобланади.

Г.А.Василева ўринли таъкидлаганидек, *тинтув тергов ҳаракатини ўтказилаётганида терговчидан сабр-тоқат ва матонат талаб этилади*, ёпиқ бино ва нарсалар турган хоналарни мажбуран очиш чорасини қўллашга шошилмасдан уларнинг эгалари, ваколатли шахсларнинг **томонида ўз** ихтиёрлари **асосида билан** очилишига эришиш, тинтувдан кейин содир этилган тартибсизликни **бартараф этиб, дан** олдинги ҳолатига келтириш чораларини кўриши лозим. Фуқаронинг **уйи ёки хонадоида** **кида** тинтув ўтказилишининг ўзи, натижасидан қатъи назар, унинг обрўсига путур етказди. Шу сабабли бундай шахсларнинг қайсидир маънода обрў-эътиборларини тиклаш лозимлиги ҳақидаги фикр билан келишиш мақсадга мувофиқ.

В. В. Леоненко бу борада, яъни **тинтув ўтказилган шахсларнинг уларнинг** обрў-эътиборларини тиклаш мақсадида маҳаллий ҳокимият органларини, уй-жой бошқарув органларини, улар ишлаётган ташкилотларни уларнинг **жиноятга дахлдор эмасликлари** ҳақида расмий равишда хабардор қилиш **ҳақида ни** ўринли таклиф **билдирган этган**³⁵.

³³ O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. – T.: TDYI, 2009. – B. 280-281.

³⁴ Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста.Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С. 40-50.

³⁵ Леоненко В. В. Указ. соч. - С. 71.

Shaxsiy tintuv mustaqil tergov harakati bo'lib, tintuv qilinayotgan shaxsning tanasidan, ust kiyimi va oyoq kiyimlaridan, shuningdek o'zi bilan olib yurgan narsalarida jinoyat ishiga daxldor narsa va hujjatlarni olishdan iborat bo'ladi. Shaxsiy tintuv faqat qo'zg'atilgan jinoyat ishlari bo'yicha o'tkazilishi mumkin. Lekin, jinoyat sodir etgan shaxslarni va gumon qilinuvchini ushlanayotgan vaqtda ham shaxsiy tintuv o'tkazilishi mumkin.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш қўйидаги ҳолатларда мажбуран қуч ишлатиш ё'ли билан ўтказилади:

1) жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш чоғида гумонланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда;

2) гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарилиб, уни ушлаш жойига олиб келинганда;

3) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланганда;

4) айбланувчининг ёнида қурол, сақланиши ман этилган буюмлар, иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида;

Изоҳ: Шахсий тинтув бўйича ЖПКнинг 162-моддаси қоидаларига асосланган ҳолда тушунтиришлар бериш лозим.

Шахсий тинтув, шифокордан ташқари, тинтув қилинаётган билан бир жинсдаги шахслар томонидан, бир жинсдаги холислар иштирокида амалга оширилади.

Шахсий тинтув ўтказиш чоғида тинтув ўтказилаётган шахснинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси таҳқирланмаслиги лозим.

Содир этилган жиноятга алоқадор маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар бор деб гумон қилиш учун етарли асослар бўлганда почта-телеграф жўнатмаларига нисбатан хатлаб қўйиш амалга оширилиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракати почта-телеграф жўнатмаларига нисбатан хатлаб қўйиш ва уни ижро этиш, ушланган почта-телеграф жўнатмаларидан кўчирмалар олиш, кўздан кечириш, олиб қўйишда ифодаланади.

Ушбу тергов ҳаракати прокурорнинг махсус рухсатномаси-санкцияси орқали бажарилиши мумкин. Почта-телеграф жўнатмаларини

хатлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ва прокурор – қарор, суд эса ажрим чиқаради³⁶.

Мазкур тергов ҳаракати Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (27-модда 2-қисми)да **томонидан** белгилаб қўйилган ёзишмалар ва телефонда сўзлашувларга бўлган ҳуқуқини чеклайди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 27-модда 2-қисми мазмунидан ёзишмалар ва телефонда сўзлашувларга бўлган ҳуқуқни чеклашлик сабабсиз ҳар қандай фуқарога қўлланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилганлигини кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодекси 167-моддасида ҳам ушбу чора кимларга нисбатан қўлланилиш мумкинлиги баён қилинмаган. Юқоридагилардан келиб чиққанда хатлаб қўйиш фақат гумон қилинувчи, айбланувчи ёки улар билан боғлиқ бўлган шахсларга қўлланилиши мумкин.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш жараёнида уларнинг мазмуни сир сақланиши чораси кўрилиши лозим. Агарда ушбу жараёнда манфаатдор шахсларга маънавий зиён етказиладиган бўлса, улар фуқаролик-протсессуал тартибда уни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Суриштирувчи, терговчининг асослангирилган қарорлари билан ёки суднинг ажрими орқали (ЎЗР ЖПК 168-м.) хатлашни бекор қилиш амалга оширилади. Қарор одатда дастлабки тергов тугатилганда, суднинг ажрими эса биринчи инстансия судида ишни тугатиш ҳақидаги ажрим ёки судланувчи айбдор деб топилиб, унга нисбатан ҳукм қонуний кучга киргандан кейин чиқарилади³⁷.

Фуқароларнинг ёзишмаларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларига риоя қилинишининг конституцион ва протсессуал кафолати бўлиб почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйишда ушбу ташкилотларда ишлаётган ходимларнинг ҳолис бўлиб қатнашиши тартиби ҳисобланади.

Mamlakatimizda bosqichma-bosqich amalga oshirilayotgan sud-huquq islohotlarining asosiy maqsadi inson huquqi, erkinligi va qonuniy manfaatlarini ta'minlab berishga yo'naltirilgan bo'lib, bu o'z navbatida huquqni muhofaza qiluvchi, shu jumladan, tezkor-qidiruv faoliyatini amalga oshiruvchi organlarga ham muhim vazifalarni yuklaydi. Ushbu vazifalarni amalga oshirish uchun tezkor-qidiruv vakolatiga ega bo'lgan barcha huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatini yanada liberallashtirish talab etiladi.

³⁶ O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. - T.: TDYI, 2009. – B. 283-290.

³⁷ O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. - T.: TDYI, 2009. – B. 288-292.

*Биринчи навбатда, тезкор-қидирув фаолиятнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш лозим бўлади. Ушбу фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича алоҳида қонун қабул қилиш масаласи юзасидан давлатимиз раҳбари **Ислом Каримов** шундай таъкидлайдилар: “Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатини яратишга ёналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатнинг умумецтироф этилган амалиётига мос келади”.*

Бугунги кунда, *Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 339-моддасига кўра қуйидаги органлар ушбу ваколатга эгадирлар:*

- Ички ишлар органлари
- Миллий хавфсизлик хизмати
- Давлат божхона хизмати органлари
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари.

Шуни ҳам унутмаслик жоизки, тезкор-қидирув фаолияти нафақат қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади, балки унга нисбатан ахлоқий талаблар ҳам қўйилади. Ушбу масала долзарб бўлганлиги сабабли, унга бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар ўтказилган. Илк бор тезкор-қидирув фаолиятида нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий муносабатларни ҳам тадқиқ этиш тўғрисидаги фикр рус олими **Д.В.Гребелский** (1967 й.) томонидан билдирилган бўлса, кейинчалик **Н.А.Стручков** (1968 й.) уни қўллаб-қувватлаган. Тезкор-қидирув фаолиятидаги ахлоқий норма ва муносабатларни комплекс тартибда ўрганиш **А.И.Алексеев** ва **Т.К.Синиловлар** томонидан 1973-йилда ўтказилган. Ушбу олимлар тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий асослари ва уни амалга оширишда юзага келадиган ахлоқий муносабатларни тадқиқ этиш аҳамиятига тўхталиб, пухталиқ билан яширилган жиноятларга қарши курашишдан келиб чиқадиган тезкор-қидирув фаолиятининг кўпгина ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтган.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларининг бошида тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий асосларини ўрганишга **А.Ф.Возний** кўп ҳисса қўшган. Унинг таъкидлашича, ушбу фаолиятнинг яширин тартибда олиб борилиши, у ёки бу ҳаракатнинг ҳақиқий мазмунини, ахлоқий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, сир тутилишини талаб этади. Шу сабабли кўп ҳолларда, тезкор-қидирув тадбирлари чуқур ахлоқий мазмунга эга бўлса ҳам, четдан қараганда асосан ахлоқсиз бўлиб кўринади.

Юқорида таъкидланган олимлар фикрига қўшилиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича ислохотларнинг амалга оширилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу мавзунинг янада долзарблиги яққол кўзга ташланади. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги бошқа ходимларга нисбатан тезкор бўлинма ходимлари ўз касбий фаолиятида инсонлар ўртасидаги муносабат-ларнинг бошқа соҳаларида учрамайдиган ва такрорланмайдиган ахлоқий масалаларга тўқнаш келиб, улар фақат тезкор-қидирув иши юритишнинг усулларига хос ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ушбу ўзига хослиги, биринчи навбатда жиноятчиларнинг хуфиёна ҳаракатлари, жиноятга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ва жиноят изларини яширишнинг олдини олишга қарши қаратилган бўлиб, жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, кўпроқ, яширин равишда амалга оширилади. Жиноят содир этган шахслар фош бўлиш ва қонуний жавобгарликдан қочиш мақсадида жирканч ва шафқатсиз ҳаракатларни амалга оширишга ҳам тайёр турадилар. Шу сабабли, уларга нисбатан яширин усулларнинг қўлланилиши ўзини тўлиқ оқлайди ва шу орқали тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий хусусиятлари намоён бўлади.

Қайд этиш керакки, тезкор-қидирув фаолияти яхшилик ва адолатга эришиш мақсадида рухсат берилган ва берилмаганлик чегараларни бузиш орқали ёвузликка олиб келмаслиги учун, у батафсил равишда ҳуқуқий тартибга солиниши шарт. Ушбу чегарани аниқлаб беришда энг нозик восита сифатида ахлоқ намоён бўлади ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда ёл қўйилган ва рухсат этилган фаолият майдонини белгилаб бериб, уни аниқлаб бўлгандан сўнг ҳуқуққа мурожаат қилади. Шундай қилиб, тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий тартибга солиниши ҳуқуқий тартибга солишнинг таянадиган асоси бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, тезкор-қидирув ҳуқуқи нормалари тўлиқ равишда ахлоқ чегараларида жойлашган бўлиши шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий белгилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти (жиноий-протсессуал, жиноий-ижроия, маъмурий) билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, лекин ҳеч бири билан тўлиқ қўшилиб кетмайди. У ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими умумий фаолиятининг мустақил қисми ҳисобланади. Унинг мустақил хусусиятидан, биринчи навбатда, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти усулларига нисбатан, табиатига кўра фарқланадиган усул ва воситаларга асосланган тезкор-қидирув функцияси далолат беради.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий асослари моҳиятини

аниқлаш учун унинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Биринчи навбатда, тезкор-қидирув фаолияти яширин ва ошкора тартибда фақатгина давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида белгилаб кўйилган, яъни Ўзбекистон ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади. Шу билан бирга, ушбу фаолият протсессуал ҳисобланмай, фақатгина қидирув, яширин хусусиятга эга бўлиб, махсус усул ва воситаларни қўллаш орқали, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган асосларга кўра амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг бундай хислатларида нафақат унинг ҳуқуқий, балки ахлоқий асослари ҳам ўз аксини топади. Чунки, жамият манфаатларига зид келувчи ҳар бир шахс ҳаракатлари, муқаррар равишда ахлоқ қоидаларига ҳам қарши қаратилган ҳисобланади. Шу сабабли, инсон, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган жиноятларни фож этиш ва уларнинг олдини олиш, шу жумладан, жамиятнинг айрим аъзолари томонидан ахлоқсиз ҳаракатларни содир этиш ҳам ахлоқийликни таъминлашга имконият яратади.

Албатта, бундай вазифани амалга ошириш учун тегишли чораларни қабул қилиш зарур бўлади. Тезкор-қидирув фаолияти айнан ушбу мақсадга ҳам ёналтирилган бўлиб, у криминал жараёнларни илк босқичда бартараф этиш ва содир этилган жиноятни тезда очиш бўйича маълумотлар олишга катта имкониятлар яратади.

Yodda tuting!

Amaliyotning ko'rsatishicha, ayrim holatlarda tezkor-qidiruv tadbirlarni o'tkazish ijobiy natijaga olib keladigan yagona usul bo'lib xizmat qiladi. Huquqiy adabiyotlarda ta'kidlanganidek, sodir etilgan o'ta og'ir jinoyatlarning ko'pgina qismi faqatgina tezkor-qidiruv choralar natijasida ochilib, ushbu faoliyat jamiyatda axloqiy normalarni ta'minlashning samarali vositasi bo'lib qolmoqda. Bularning barchasi tezkor-qidiruv faoliyatining axloqiylik hamda adolatni ta'minlashga qaratilganligidan dalolat beradi.

Тезкор-қидирув фаолияти ахлоқий хусусиятларга эга бўлиши билан бир қаторда, унинг амалга ошириш жараёнига ҳам ахлоқий талаблар кўйилган. Хусусан, тезкор-қидирув тadbirlari нафақат жиноятга дахлдор бўлмаган шахслар, балки улар қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини бузиши,

айниқса, шахсий ҳаётга аралашганда алоҳида аҳамият касб этади; фуқароларда жиноят содир этиш истагини қўзғатиш, уни содир этганликда ноҳақ айбланиш, бировнинг айбини ўз бўйнига олишга ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш каби ҳолатларни истисно қилиши шарт. Ушбу талаблар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979-йил 19-декабрда тасдиқланган “**Ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи мансабдор шахслар хулқ-атвори Кодекси**”нинг асосий мазмунига ҳам тўлиқ мос келади.

Шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан батафсил тартибга солиш мумкин эмаслигини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Шу сабабли ушбу фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда умумий ва тамойиллар, а

Biz bundan buyon ham “Inson manfaatini har narsadan ulug‘” degan oliyjanob shiorni amalda ro‘yobga chiqarish uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni ishga solamiz.

Islom Karimov

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таъкидлаб ўтилмаган ҳолатлар учраса, масалани ўз вақтида ечиш тезкор ходимдан ижодий ёндашишни талаб этади. Яъни, тезкор ходимнинг фаолияти қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада тартибга солинган бўлса-да, турли хавф-хатарли вазиятларга тўқнаш келганида, унга асосий маслаҳатчи виждони, хизмат бурчи, юқори ахлоқий сифатлари бўлиб қолади.

Ахлоқ ҳуқуқий ёл қўйилган ҳаракатнинг умумий доирасини белгилаб беришда, асосий ижтимоий тартибга солувчи восита бўлиб хизмат қилади. Яъни, тезкор-қидирув бўлинма ходимлари ушбу ҳолатларда қонунийликнинг умумий талаблари ва ахлоқ қоидаларига амал қилишлари лозим бўлади.

Бундан ташқари, тезкор ходимлар олдида ахлоқий меъёрларга амал қилиш муаммоси, тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш имкониятини баҳолашда ҳам юзага келиши мумкин. Уларга амал қилишнинг аҳамияти муаммо ечимини қолдириб бўлмайдиган, инсон ўзининг виждони, ишончи ва ахлоқий тамойиллари олдида ёлғиз қолганида айнақса, юқори аҳамият касб этади. Бундай ҳолатларда тезкор ходим мустақил равишда зудлик билан ҳал этилиши талаб қилинадиган қийин қарорларни қабул қилишга мажбур бўлади.

Ахлоқий нормалар тезкор-қидирув фаолияти субъектлари ўртасидаги шахслараро муносабатларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда *тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқни*

муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун Касб одобномаси каби ҳужжат мавжуд, шу билан бирга, тезкор ходимларнинг бир қатор авлодининг амалий фаолияти натижасида шаклланган махсус “*ёзилмаган ахлоқий қоидалар*” мавжуд бўлиб, уларга ҳам амал қилиб келишади.

Умуман олганда, ахлоқий нормалар ҳуқуқий нормалар билан бир қаторда, тезкор-қидирув фаолиятни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги ҳуқуқий меъёрлар ушбу фаолиятда юзага келадиган барча ҳаётий вазиятларни батафсил тартибга солиб бермасида, тезкор-қидирув фаолияти юритишнинг асосини шакллантириб беради.

Хулоса қилиб айтганда, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ривожлантиришда жамиятимизда кўп йиллар давомида шаклланиб келган ахлоқий талаблар ва қадриятларга муҳим эътибор қаратиш лозим. Ушбу ҳолат, айниқса, 2012-йил 25-декабрда Ўзбекистон Республикасининг "**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**"ги Қонунининг қабул қилиниши қайд қилинган масалада янада долзарб аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими, уни ўтказиш тамойиллари, асослари, усул ва шакллари тўлиқ ва батафсил белгилаб берди.

Фикримизча, ушбу қонун ахлоқий нормалар ва қадриятларни тўлиқ ўз ичига олган ҳолда қабул қилинди ва келажакда тезкор-қидирув фаолияти ахлоқий асосини такомиллаштиришга замин яратди.³⁸

3§ эҳтиёт чоралари қўлланилишининг ахлоқий асослари

Эҳтиёт чоралари гумон қилинувчи ёки айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайди. Муносиб хулқ-атворда бўлиш тушунчаси *Ўзбекистон Республикаси ЖПК 250-моддасида* ёритилган, унга кўра муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат айбланувчи ёки судланувчи томонидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга берилган:

- 1) тергов ва суддан яширинмаслик;
- 2) жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик;
- 3) жиноий фаолият билан шуғулланмаслик; терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан етиб келиш;

³⁸ Achilov S. “Tezkor-qidiruv faoliyatida axloqiy normalarning ahamiyati” // O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining Oliy o‘quv kurslari Axborotnomasi. №4 (12) 2012. – B. 28-30.

4) уларнинг ижозатисиз ўзи истиқомат қилаётган аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик;

5) шу аҳоли пункти доирасида ўз истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилиш тўғрисидаги ёзма огоҳлантириш мажбуриятидир³⁹.

Ehtiyot choralari bu – ayblanuvchining, alohida hollarda gumon qilinuvchining shaxsiy erkinligini cheklashning protsessual usuli hisoblanadi va o'z oldiga dastlabki tergovdan va suddan bo'yin tovlashining, kelgusida sodir etish ehtimoli bo'lgan jinoiy faoliyatining oldini olish, ish bo'yicha haqiqatni aniqlashga xalal beradigan urinishlariga yo'l qo'ymaslik, hukmning ijro etilishini ta'minlash maqsadlarini qo'lga olish

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 237-моддасида эҳтиёт чораларининг турлари белгиланган, унга кўра эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради:

- ❖ муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат;
- ❖ шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги;
- ❖ гаров;
- ❖ қамоққа олиш;
- ❖ вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш;
- ❖ ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви.

Эҳтиёт чорасининг қўлланишини эҳтиёт чораси ҳақида қарор қабул қилиш деб тушунилади. Лекин ЖПКнинг 240-моддасига мувофиқ эҳтиёт чоралари и нафақат қарор билан балки суднинг ажрими билан ҳам қўлланилади!!!

Эҳтиёт чорасини қўлланишнинг умумий асослари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги;
- б) эҳтиёт чорасини қўллашга ваколатли бўлган субъектнинг мавжудлиги;
- с) хизмат иммунитетини бўлмаган тегишли объектнинг мавжудлиги, яъни жиноят-протсессуал қонун ҳаракатлари татбиқ этиладиган шахснинг мавжудлиги.

Эҳтиёт чоралари олдини олувчи – таъминловчилик хусусиятига эга. Эҳтиёт чораларини қўллашнинг асоси бўлиб айбланувчи томонидан протсессуал бузилишга ёл қўйилиши мумкинлигининг асосланган тахмини ҳисобланади. Протсессуал бузилишга ёл қўйилиши

³⁹ O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. - T.: TDYI, 2009. – B. 413.

мумкинлигининг асосланган тахмини далиллар билан исботланган аниқ фактларга асосланиши лозим.

Turli ehtiyot choralarining tizimi har bir muayyan holatda ayblanuvchining (gumon qilinuvchining) munosib xulq-atvorda bo'lishligini, shu o'rinda uning huquqi va erkini minimal cheklashni ta'minlash mumkinligi imkoniyatini beradi (BMT Bosh Assambleyasining 14.12.90 № 45/110 - rezolyutsiyasi tomonidan tasdiqlangan Tokiya qoidalarining 2.3-bandi).



Назорат учун саволлар:

1. Терговчининг фаолиятига бўлган умумий ахлоқий талабларни айтиб беринг.
2. Тергов ҳаракатларининг тушунчасини айтиб беринг.
3. Жиноят-протсессуал қонунчилик кўзда тутган асосий тергов ҳаракатларини айтиб беринг.
4. Ҳар бир тергов ҳаракатига қандай ахлоқий талаблар қўйилади?
5. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатига қандай ахлоқий талаблар қўйилади?
6. Мурдани кўздан кечириш тергов ҳаракатига қандай ахлоқий талаблар қўйилади?
7. Гувоҳлантириш тергов ҳаракатига қандай ахлоқий талаблар қўйилади?
8. Олиб қўйиш ва тинтув тергов ҳаракатига қандай ахлоқий талаблар қўйи-лади?
9. Қидирув тергов ҳаракатига қандай ахлоқий талаблар қўйилади?
10. Шахсий тинтув тергов ҳаракатига қандай ахлоқий талаблар қўйилади?
11. Почта-телеграф жўнатмаларига нисбатан хатлаб қўйиш амалга ошири-лиши

ВИИ БОБ: ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

1§ Суд ҳокимиятига бўлган ахлоқий талаблар.

2§ Суд жараёнининг ахлоқий хусусиятини таъминлашда судьянинг роли.

3§ Суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар мазмунидаги ахлоқий асослар

1§ Суд ҳокимиятига бўлган ахлоқий талаблар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши **принципига** асосланиши белгилаб қўйилганлиги суд ҳокимияти вакилларига нисбатан ахлоқий талабларни шакллантириш учун ғоявий ва норматив асосни ташкил этади.

Ижтимоий ва инсонлараро низолар соҳасида ҳаракат қиладиган суд ҳокимияти юқори ахлоқий стандартларга жавоб бериши, жамият умидларини оқлаши керак. Суд ва суд ишларини юритиш ҳақидаги қонунчилик ахлоқий мазмун билан тўлдирилган ва ахлоқий кадриятларни ҳимоя қилишга хизмат қилади.⁴⁰

Жиноят ва жазо, шахснинг муҳим бойликларини ҳимоялаш ҳақида гап борадиган жиноят протсессида адолат муҳим аҳамият касб этади. Сабаби адолатсиз суд алоҳида олинган шахсга, шунингдек бутун бир жамиятга ҳам зиён етказиши мумкин.

Айбдор шахс асослантирилган ҳолда асосли жазога тортиладиган, айбсиз шахс албатта оқланадиган суд адолатли суд ҳисобланади.

Суд ҳокимияти жамият томонидан адолатли деб баҳоланиши учун:

Yodda tuting!
Sud hokimiyati faoliyatiga bo'lgan eng muhim talab adolatlilik hisoblanadi. Umuman jamiyatga va har bir insonga faqat adolatli, haqiqat tomonida turadigan, haqiqatni faol himoya qiladigan va uni o'z qarorlarida aks ettiradigan sud lozim.

- 1) *жамият томонидан адолатли деб тан олинган қонунларни қўллаш;*
- 2) *ҳақиқий ҳолатни аниқлаган ҳолда ишларни ҳал қилиш;*
- 3) *аниқланган далилларга ва қонун талабларига биноан қарорлар чиқариши керак.*

Суд ҳокимиятининг адолатлилигига бўлган талаб нафақат у томонидан яқуний хусусиятга эга бўлган қарорларнинг қабул қилинишига боғлиқ, балки

⁴⁰ Mingboyev U.Q. Sud shunday hokimiyatki.1999. – B. 24.

жиноят иши суднинг ихтиёрига келиб тушганидан бошлаб олиб борадиган фаолиятига ҳам тегишли ҳисобланади. Суд ҳокимиятининг адолатлилиги суд фаолиятига дахлдор барча шахсларнинг тенглигини таъминлашда, ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилишда, ишни судда кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинадиган протсессуал қарорларнинг қонунийлигида ҳам ифодаланади.

Суд ҳокимияти барчага бир хил бўлиши лозим. Бу ахлоқий талаб адолатнинг тенглаштирувчилик хусусиятини ўзида акс эттиради. Судда тарафларнинг тенглигини таъминлаш шунчалик аҳамиятлики, ҳатто бу тенглик қонунчилик томонидан алоҳида белгилаб қўйилади ва жамиятнинг ахлоқий онгида бор бўлади.

Судьяларга таъсир ўтказишга қилувчи ҳаракат қайсидир бир кучларнинг таъсири остида ёл қўйилган адолатсизлик ўта хавфли ҳисобланади. Беғараз ишлашга ҳаракат қилмаган ёки бўлмаса қодир бўлмаган суд ҳокимияти жамиятнинг ишончини қозона олмайди. Бундай ҳокимиятнинг тимсоли ҳисобланган шахслар эса бундай ҳолатда обрўларини ёқотади ва бошқаларни суд қилишга ахлоқан ҳақли бўлмайди.

Суд ҳокимияти ваколатли бўлиши керак. Суд ҳокимиятининг ваколатлилиги унинг муҳим аҳамиятли томонларидан бири бўлган судьяларнинг юқори малакали бўлиши, қонунларни чуқур билиши, касбий этика қоидалари талабларига оғишмай амал қилиши, ҳатто энг чалқаш, мураккаб ҳолатларда ҳам вазиятни тўғри ҳал қила билиши ҳисобланади. Бу эса судьялик ваколатини зиммасига олмасдан олдин катта ҳаёт тажрибасига, юридик фаолият тажрибаси, қонунларни қўллаш тажрибасига эга бўлишни ўз ичига камраб олади.

Yodda tuting!

Sud hokimiyatiga bo'lgan muhim talablardan biri u albatta xolis va beg'araz bo'lishi kerak. Agarda sud xolis bo'lmasa, g'arazli bo'lsa odil sudlovni amalga oshira olmaydi va u odil sudlov g'oyasini buzadi, hatto u o'zboshimchalikka yo'l qo'yishi mumkin.

O'zgalar ustidan hukmronlik da'vo qiluvchi odam avvalo o'zini boshqara bilmog'i lozimdir.

*Demokrit
(miloddan avvalgi 460-360-yillar)*

Eslab qoling!

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 2000-yil 14-dekabrda 164-P sonli qarori bilan tasdiqlangan Sudyalarning malaka darajalari to'g'risida Nizomga binoan O'zbekiston Respublikasi sudyalari uchun sudyalik lavozimidagi ish staji va egallagan lavozimlariga binoan malaka darajalari joriy etish va berish tartibi belgilangan. Ushbu Nizomga binoan oltita malaka darajasi joriy etilgan.

Судья олий юридик маълумотли бўлиши лозим. Аммо судья ўз билимини доимо такомиллаштириб, юридик ва умуммаданиятини ошириб бормас экан суд ҳокимиятининг вакили жавоб бериш лозим бўлган талаблардан ортда қолган ҳисобланади ва оқибатда судьялик вазифасини бажаришга нолойиқ бўлиб қолади. Аслида эса тақдирини судья ҳал қиладиган, ҳуқуқ ва манфаатлари унинг чиқарадиган қарорига боғлиқ бўлган одамлар юқори даражали, мартабали одил судловни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ҳар бир судья юқори даражали касб эгаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга (Ўзбекистон Республикасининг “Судлар

тўғрисида”ги Қонунининг 60-моддаси).

Судьяларнинг моддий таъминоти уларнинг малака даражаларига боғлиқ. Судьянинг малака даражаси ўз ўрнида унинг касбий маҳоратининг даражасини белгилашга таъсир қилади. Албатта амалдаги тартиб ахлоқий нуқтайи назардан бекам-у кўст деб бўлмади ва судьяларнинг обрўсини ҳимоя қилишга етарлича кўмаклашмайди. Қуйи малака даражадаги судьяларга нисбатан бўлган ишончга, улар юқори малакали бўлсаларда, путур етказди.

Судьялар олдида қўйилган бундай муҳим вазифаларни оғишмай бажаришни таъминлаш лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 2013-йил 28-февралдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари”да ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

Мазкур Судьялар одоб-ахлоқи қоидаларининг 2-моддасида судьялар ички ишончи асосида одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилишлари, одил судловнинг обрўсига, судьянинг қадр-қимматига салбий таъсир кўрсатиши ёки унинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шартлиги, мамлакатимизда суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун

билан кўриқланадиган манфаатларини суд ёли билан ҳимоя қилишга даъват этилганлигини, суднинг фаолияти қонун устунлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлигини ҳар доим ёдида тутиши кераклиги эътироф этилган.

Ушбу Қоидаларнинг **3-моддасида** судья учун одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолият бошқа мажбуриятларга нисбатан устуворлиги, судья одил суловни амалга оширишда унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши, судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси ҳамда суднинг нуфузига путур етказиши мумкин бўлган фаолиятдан ўзини тийишга мажбурлиги таъкидланган.

Қоидаларнинг 4-моддасида судья ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ҳамда кадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиши, камтар, хушмуомала бўлиши, ҳеч кимга нисбатан кўпол муомалада бўлмаслиги, ўз фуқаролик ҳуқуқларидан виждонан фойдаланиши ва фуқаролик мажбуриятларини бажариши шартлиги белгиланган.

Қоидаларнинг 2-бобида судьянинг касбий фаолиятини амалга ошириш борасидаги хулқ-атвор қоидалари белгиланган бўлиб, унинг **5-моддаси** судьянинг мустақиллигига бағишланган ва унда *судья ишни кўриш вақтида:*

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя этиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шартлиги;

– судлов иши адолатли юритилишини таъминлашнинг кафолати бўлган ва жамоатчиликнинг судларга нисбатан ишончини мустаҳкамлайдиган судьянинг мустақиллиги конституциявий тамойилини, одоб-ахлоқ қоидаларини қўллаб-қувватлашга ва ҳаётга татбиқ этишга мажбурлиги;

– одил судловни амалга оширишда суд протсесси барча иштирокчи-ларининг протсессиал ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар қандай тарафдан бўладиган ва ҳар қандай мақсадларни кўзлайдиган, бевосита ёки билвосита ташқи таъсир, хоҳиш, тазйиқ, таҳдид ёки аралашувлардан қатъий назар, қонунга ва ҳуқуқий онгга асосланиб, фақатгина фактларни баҳолашдан келиб чиққан ҳолда, ички ишончига мувофиқ мустақил ҳаракат қилишга мажбурлиги белгиланган.

Қоидаларнинг **6-моддаси** судьянинг холислигига бағишланган бўлиб, унда судья ўз мажбуриятларини бирон-бир афзаллик, ноҳослик ёки олдиндан пайдо бўлган нотўғри фикрларга таянмай, холислик, мустақиллик ва беғаразликни намоён этиб, суд протсесси иштирокчиларининг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб

чиқиши, қарашлари, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлган ҳолда бажариши шартлиги;

– кўрилатган иш бўйича ушбу ишнинг якунига қандайдир тарзда таъсир кўрсатиши ёки судьянинг холислиги, беғаразлиги ва одиллигини шубҳа остига қўйиши мумкин бўлган шарҳлардан ўзини тийиши шартлиги;

– судьянинг одоб-ахлоқи суд протсессии тарафларининг ишончини қозонишга, жамият ишончининг ошишига ва қўллаб-қувватланишига, судьянинг холислигига бўлган ишончининг мустаҳкамланишига кўмаклашиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

Қоидаларнинг **7-моддаси** судьянинг одиллиги тўғрисида бўлиб, унда судья ўз мажбуриятларини юқори профессионал даражада одилона, тезкор ва виждонан бажариши шартлиги;

– суд протсессии иштирокчиларига ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилишлари учун тенг имконият яратиб бериши, ишларни қонунда белгиланган протсессуал муддатларда кўриб чиқиши, суд мажлисларини ташкил этиш ва ўтказишда пухта бўлиши, чиқарилган суд қарорларини манфаатдор шахсларга ўз вақтида бериши шартлиги;

– ишни кўриб чиқишни асоссиз ва сурункали қолдиришга ёл қўймасдан унинг суд муҳокамасига талаб даражасида тайёрланишини таъминлашга мажбурлиги таъкидланган.

Қоидаларнинг **8-моддасида** ҳалоллик, муносиблик ва поклик судьянинг ўз вазифаларини лозим даражада бажаришининг зарур шarti ҳисобланиши;

– судья ўз малакасини юқори даражада ушлаб туришга, назарий билимлари ва амалий кўникмаларини такомиллаштириб боришга мажбурлиги;

– судья ўзининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ўтказилган тазйиқ ва аралашувлар, шунингдек муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслжк учун ҳақ таклиф қилинганлиги тўғрисида судьялар малака ҳайъатига хабар бериши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу Қоидаларнинг **9-моддасида** судья ҳамкасбларига нисбатан хушмуомала ва вазмин, танқидга нисбатан сабр-тоқатли бўлиши, унга нисбатан танқидий муносабат учун бевосита ёки билвосита таъқибга ёл қўймаслиги, бошқа судьянинг иш юритувида бўлган ишларнинг кўрилишига аралашмаслиги зарурлиги;

– судларнинг раислари бошқа судьялар ўз вазифаларини самарали бажаришларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришлари, суд аппарати ходимларини лавозимга тайинлаш ҳуқуқидан ошна-

оғайнигарчи-лик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик ва раҳнамолик каби ҳолатларга ёл қўймасдан виждонан фойдаланишлари шартлиги;

– раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш ва лавозимини кўтариш), шунингдек ножўя ишларга бепарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид ҳаракатларга эътибор бермаслик) ҳолатларига ёл қўйилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилганлиги ўта аҳамиятли ҳисобланади.

2§ Суд жараёнининг ахлоқий хусусиятини таъминлашда судьянинг роли

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришганлиги, Конституцияда суд ҳокимияти ҳокимиятнинг учинчи тармоғи тариқасида эътироф этилганлиги, шунингдек суд тизими изчиллик билан ислоҳ этилаётганлиги юксак маданиятли, одоб-ахлоқли, фақат қонунларга бўйсунувчи мустақил ва эркин судьялар шаклланиши ва фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятларни очиб берди.

Бинобарин, юксак ҳуқуқий маданиятни ўзига сингдира олган судьягина зиммасига юклатилган ваколатни, нуфузни ва шунингдек, судга ҳурматни шакллантирувчи одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилган ҳолда амалга ошириши, суд ҳокимияти шаънини мўтабар тутиши суд жараёнининг ахлоқий хусусиятини таъминлаши мумкин. Шундай экан судьялар зиммасида катта масъулият бор, улар қонунга риоя қилишда, юриш-туришда, адолат-у покликда бошқаларга ибрат кўрсатиши шарт бўлади.

Ko 'zni yumgil, ko 'zga aylansin ko 'ngil.

Jaloliddin Rumi

(1207-1273)

Таниқли ҳуқуқшунос У.Мингбоев ўринли таъкидлаганидек, бир пайтлар, одамлар судьяга ҳалоллик, билимдонлик ва маданиятлилик мезони сифатида қараганлар. Бунга кўхна тарихимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг 943-944 йилларда битилган “Бухоро тарихи” асарида “мен Абдуллоҳ Муборакдан эшитдимки, Себавайҳ Бухорода қозилик қилганида халқнинг икки дирҳамига ҳам адолатсизлик қилмади, икки дирҳам кўплик қилади, у тариқча ҳам жавр ўтказмади” деб ёзади.⁴¹

⁴¹ Mingboyev U.Q. Sud shunday hokimiyatki. - T., 1999. - B.23.

Судьялар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар ҳайъат судларида суд муҳокамаси жараёнида юз беради. Жиноий одил судлов бевосита амалга ошириладиган суд муҳокамаси жиноят протсессининг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланади. Айнан шу ошкоралик шароитларида олиб борилган босқичда томонлар иштирокида судланувчининг тақдири ҳақида, жабрланувчи ва фуқаролик даъвогари даъвосининг асослантирилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Жиноят ишлари суд мажлисида муҳокама қилинаётганда судья лавозимига кўра суд мажлисида раислик қилади ва айнан унинг ўзи қонунга қатъий риоя қилинишини ва суд муҳокамасининг юксак ахлоқий даражада олиб борилишини ҳамда ишнинг натижасини таъминлаши лозим бўлади. Бу ўринда судлов ҳайъатида ҳал қилиниши лозим бўлган айрим ахлоқий муаммолар ишни якка тартибда кўрадиган судьянинг олдида турган ахлоқий муаммолардан фарқланади. Шундай бўлса-да қонун томонидан белгилаб қўйилган протсессиал ҳаракатлар доирасида раҳбарликни амалга ошириш, ишда иштирок этувчи тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар билан, иш ҳайъатда кўрилатганда судьялар ва халқ маслаҳатчилари билан, ишда иштирок этаётган бошқа шахслар билан ахлоқий муносабатларга киришиш суд мажлисида раислик қилувчи зиммасида қолаверади.

Жиноят ишлари халқ маслаҳатчилари иштирокида кўрилатганда халқ маслаҳатчилари ҳам судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва суд барча масалаларни оддий кўпчилик овоз билан, яъни раислик қилувчи ва ҳар бир халқ маслаҳатчисининг овозлари тенглиги билан ҳал қилади. Албатта халқ маслаҳатчилари қонунларни билса-да судда раислик қилувчига қараганда чуқур билимга эга эмас, лекин улар ҳаётий тажрибага ва маълум бир соҳада касбий тажрибага эга, бу эса ишни асосли кўриб чиқиб, хулоса чиқаришда судьяга кўмаклашиши мумкин бўлади.

Тажрибали судьялар ҳайъати муносабатларида ҳам кўп йиллик амалиётдан келиб чиққан муайян ахлоқий нормаларга риоя қилиниши даркор. Суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир халқ маслаҳатчисини иш материаллари билан олдиндан таништириши, айбланувчи айбланаётган қонуннинг моҳиятини тушунтириши, шунингдек халқ маслаҳатчисининг ҳуқуқларини тушунтириши керак. Аммо судья суд ҳайъатининг ваколатига тегишли масалалар бўйича халқ маслаҳатчиларига ўзининг шахсий фикрини ўтказишга ҳақли эмас. Шунингдек халқ маслаҳатчисига ишни ўрганишда ва адолатли ҳал қилишда шахсан жавобгарлигини тушунтириш лозим.

Xalq maslahatchilariga agarda ularning ishni ko'rishda beg'arazligiga shubha tug'dirishiga asoslar bo'lganda sudyani rad qilish, o'zini-o'zi rad qilish asoslari tushuntiriladi.

Agarda xalq maslahatchisiga nisbatan rad qilish yoki o'zini o'zi rad qilish yuz berganida raislik qiluvchi protsessual qonunda o'rnatilgan tartibga binoan boshqa xalq maslahatchisini taklif etadi va u ham ishning muhokamasiga tayvorgarlik ko'radi.

Иш бўйича раислик қилувчининг ахлоқий бурчи шундан иборатки, яъни судьялар ҳайъатида ҳамкорлик муҳитини, ўзаро ҳурматни, ҳар бир судьянинг кўрилатган иш бўйича ўз мажбуриятларига қатъийлик ва жавобгарлик билан ёндашиш муҳитини яратиши лозим, токи иш бўйича барча муаммолар ишни кўришда иштирок этаётган барча судьяларнинг тенглиги асносида уларнинг ички ишончларига асосан ҳал этилсин.

Ишни якка тартибда кўришнинг *ўзига хос ахлоқий томонлари мавжуд:*

– *Биринчидан*, ишни якка тартибда кўраётган судьяда ишнинг суд муҳокамаси жараёнида ва ҳукмни чиқариш асносида бошқа судьяларнинг фикр ва мулоҳазаларидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас.

– *Иккинчидан*, иш бўйича суд муҳокамасининг ҳаққоний олиб борилиши учун ва адолатли ҳукм чиқарилиши учун барча жавобгарлик ишни якка тартибда кўриб чиқаётган судьянинггина зиммасида бўлади.

Амалиёт кўрсатишича, агар иш ҳайъатда малакали судьялар таркибида кўриб чиқиладиган бўлса, судьялар таркиби ўртасидаги муносабатларда ишда раислик қилувчи судьянинг ҳамда малака даражаси каттароқ бўлган, шунингдек шу суд жамоасида кўпдан буён ишлаб келаётган судьяларнинг таъсир доираси кучли бўлиши мумкин. Шу сабабли ишлар ҳайъатда кўриб чиқиладиганида овоз бериш жараёнида раислик қилувчи охириги бўлиб ўз овозини беришлиги қонунда белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас.

Суднинг ва протсесс иштирокчиларининг қонунга асосланган ахлоқий асослари судьянинг ва асосан ишда раислик қилувчининг судланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, прокурор ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар билан бўладиган муносабатларидаги хулқ-атворини белгилаб беради.⁴²

Протессуал қонун талабларига биноан иш бўйича раислик қилаётган судья, бошқа судьялар ва халқ маслаҳатчилари барча суд муҳокамаларини ўтказишга ва жинойт ишини ҳал қилишни беғараз амалга оширишга мажбурдирлар.

Судьяларда судланувчига ёки жабрланувчига, ишда қатнашётган бошқа шахсларга нисбатан олдиндан нотўғри фикр пайдо қилишлик бу суд хатосига тўппа-тўғри ёл демакдир. Бу албатта ноқонуний ва

⁴² Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста.Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С. 40-50.

ахлоққа зид ҳаракат ҳисобланади, чунки судья ўзига нисбатан жамият томонидан қўйилган ҳаққоний ва беғараз бўлиш ҳақидаги талаблардан чекинишга олиб келади.⁴³ Олдиндан судьяда нотўғри фикр пайдо қилишлик нафақат иш бўйича ҳақиқий ҳолатни ўрганишда, балки қилмишни ҳуқуқий тавсифлашда шунингдек жазо турини танлашда хатога ёл қўйишга олиб келади. Судьянинг олдида турган вазифа шундан иборат бўлиши керакки, судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги тўғрисида то ҳукм чиқарилмагунча ўз фикрини билдиришга ҳақли эмас. Шундай бўлган тақдирда у асосли рад этилиши лозим бўлади.

Ишда раислик қилаётган судья, шунингдек иштирок этаётган бошқа судьялар ёки халқ маслаҳатчилари ишда қатнашаётган барча иштирокчиларнинг илтимосларига, аризаларига бир хилда эътибор қаратишга, уларни тинглашга ва улар томонидан қўйилган масалаларни суд муҳокамасига қўйишга мажбурдирлар.

Судьялардан суд протсессии иштирокчиларининг барчасига бир хилда муносабат билдиришлари талаб этилади, иштирокчиларнинг биронтасига, масалан, жабрланувчига яхши муносабатда бўлиб, унга эътиборини қаратиш, иккинчисига, айтайлик судланувчига нисбатан ишончсизлик билдириб, унинг мурожаатларини эътиборсиз қолдириш ярамайди. Умуман олганда, судда иштирокчиларнинг протсессуал тенглигини таъминлаш талаб этилади, бу шундай таъмин этилиши лозимки, судда қатнашаётганларда бирон-бир шубҳага ўрин қолмасин. **Зеро, суд ва судьялар давлатнинг юксак ишончига муносиб бўлишлари, ўз ваколатларини ҳалол, беғараз адо этишлари шарт⁴⁴.**

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга ёналтирилган кенг камровли ислоҳот-ларнинг, бунёдкорлик фаолиятининг муҳим таркибий ёналиши ҳисобланади. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ғоявий, кадрлар корпусини шакллантириш, молиявий-моддий жиҳатларидан ташқари, маънавий-ахлоқий, аксиологик-маданий, ижтимоий-маърифий жиҳатлари билан ҳам тавсифланади. Бошқача айтганда, бу ислоҳотларнинг муваффақияти ва самараси юрист кадрларнинг, судьялар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг профессионал савияси, амалий тажрибаси ва касбий ҳуқуқий онги ҳамда маданиятига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2010-йил 12- ноябрда баён этган **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни**

⁴³ Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста.Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С. 40-50.

⁴⁴ Mingboyev U.Q. Sud shunday hokimiyatki... - Т., 1999. – В.64.

ЯНАДА чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси»да эътироф этганидек, жамиятнинг демократия ёлида жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир.

Yuksak huquqiy madaniyat – demokratik jamiyat poydevori va huquqiy tizimning yetuklik ko'rsatkichidir.

Одил судлов – давлат фаолиятининг муҳим ёналишларидан бири, фуқароларни суд ёрдамида муҳофазалаш, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг олий конституциявий шаклидир. Суд ҳокимияти – суд томонидан фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини кўриб чиқиш, ҳуқуқий низоларни ҳал этиш орқали намоён бўлади. Бунда суд фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир этиш; жиноят содир этганликда айбдор деб топиш, жиноят иши бўйича жазо тайинлаш; шахсни суд тартибида айрим ҳуқуқлардан, мулкдан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этиш ёки уларни чеклаш; адолатни таъминлаш ва ўрни келганда шахснинг айбсизлигини исботлаб, ҳукм чиқариш каби қонунни қўллаш билан шуғулланади.

Одил судловни амалга ошириш судьялардан махсус билим ва тажрибадан ташқари, юксак маънавий ёндашув ва масъулиятни талаб этади. Суднинг кичик бўлса-да, ҳар қандай хатоси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги баҳоси баробарида зарар етказади.

Аслида *одил судлов* – инсоният маънавияти ва маданияти хазинасининг улуғ неъматини, беназир ютуғини ҳамда маърифий қадриятидир. Шундай юксак тавсиф баробарида одил судлов – давлатнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, жамият сиёсий ва иқтисодий негизларини ҳимоялашга ёналтирилган ҳуқуқий сиёсатининг мужассам ифодаси ва бевосита амалидир.

Ижтимоий ҳаётда ва юридик амалиётда жамият шакллантирган ва сайқал топтирган кўплаб қадриятлар ҳуқуқий меъёрларда қонунлаштириб қўйилгани учун улар одил судлов орқали, ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти орқали рўёбга чиқарилади.

Мамлакатимизда судлов тизими ва ҳуқуқий тизимда кенг қамровли демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда одил судловнинг ҳуқуқий маданияти хусусида сўз юритиш ниҳоятда долзарб мавзудир. Шу боис судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Илмий адабиётда “*маданият*” иборасининг беҳисоб таърифлари мавжуд. Шулардан энг муҳим жиҳатларини ажратиб олиб, мулоҳаза юритганда, маданият,

аввало, жамият ривожининг муайян маърифий савияси, етуклик даражаси;

иккинчидан, ахлоқий, маърифий қадриятлар тизими;

учинчидан, маънавий ҳаёт жабҳаси;

тўртинчидан, билим, тафаккур, қобилият намоиши, самимий ва ижобий муносабатлар тажрибаси;

бешинчидан, кишиларнинг ўзаро мулоқот ва муомала одоби ифодасидир.

Айни вақтда, ҳуқуқий маданият мамлакат ҳуқуқий тизимининг ривожланганлик даражаси; юқори савиядаги қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги), юридик муассасалар фаолияти ва юридик амалиёт ифодаси сифатида майдонга чиқади. Шунингдек, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг; ҳуқуқий билимлар ва уларни қўллашнинг маънавий-маърифий даражасини акс эттиради. Индивидуал даражада *ҳуқуқий маданият* – бу аввало, ҳуқуқни чуқур (мукамал) билиш, тушуниш, унга онгли равишда итоат этиш, ҳуқуқнинг талабларига эътиқод қилиш ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданият – пухта ҳуқуқий билим, онглилик, қонунга ҳурмат ва эътиқоднинг уйғун намоишидир.

Ҳуқуқий маданиятни таҳлил этишда унинг даражалари ва турларини ажратиш лозим бўлади. Масалан, даражаси бўйича – жамиятнинг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий гуруҳнинг ҳуқуқий маданияти ва шахснинг ҳуқуқий маданияти; турлари бўйича – оддий (одатий) ҳуқуқий маданият; касбий (профессионал) ҳуқуқий маданият ва назарий (амалий) ҳуқуқий маданият.

Мазкур таҳлилимиз доирасида юристларнинг касбий (профессионал) ҳуқуқий маданиятига урғу бериб ўтамиз. Касбий ҳуқуқий маданият, асосан, юристларда, ҳуқуқий фаолият билан малакавий даражада шуғулланадиган кишиларда шаклланади. Табиийки, бу тоифа шахсларда ҳуқуқий воқелик ва ходисалар билан кундалик бевосита тўқнашув натижасида профессионал, малакали ҳуқуқий маданият қарор топади. Бундай ҳуқуқий маданият эгалари ҳуқуқий воқеликларни анча юқори савияда англайдилар, биладилар ва тушунадилар, шунингдек, уларда тегишли касбий хулқ-атвор шаклланади. Ушбу ҳолатда касбий ҳуқуқий маданият юристнинг ҳуқуқий онги ва юридик амалиётининг муайян даражаси, унинг инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш, қонунга риоя этишга оид фаолиятининг тегишли шакли ва усуллари тарзида намоён бўлишидир.

Касбий ҳуқуқий маданиятнинг асосий хусусиятлари ўз мазмунига қуйидаги элементларни қамраб олади:

1) юридик фаолият билан шуғулланувчи инсонда шахсий ривожланиш ва ўз-ўзини такомиллаштириш хусусиятларини қарор топтириш;

2) ходимнинг комилликка интилиши асосида ётувчи ҳаётий мақсадлар ва ахлоқий идеалларни, ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини рағбатлантирувчи куч-ғайрат ва мотивларни шакллантириш;

3) ҳуқуқни муҳофаза этиш учун зарур бўлган маънавий ва ҳуқуқий билимларни эгаллаш, амалий ўқув ва кўникмаларни қарор топтириш;

4) ўз-ўзини англаш ва ўз касбий фаолиятига холис маънавий баҳо бериш қобилиятини тарбиялаш;

5) руҳий жиҳатдан мураккаб бўлган вазиятларда ўзини иродавий бошқариш кўникмаларини ривожлантириш;

б) юристнинг юқори маънавий, ахлоқий хулқ-атвори тимсолида шахсий намуна кучидан фаол фойдаланиш. Бу унинг хизмат фаолиятини профессионаллаштириш ва инсонпарварлаштиришнинг муҳим илҳомбахш омили (мотиви) бўлиб хизмат қилади. Пировардида, бу мотив юристнинг маънавий-ҳуқуқий маданияти моделининг узвий таркибий қисми бўлиб майдонга чиқади.

Суд – жамият аъзоларига ҳуқуқий маданиятни сингдириш, тарбиялаш, шакллантириш ва юксалтиришда катта ўрин тутаяди. Ҳар бир суд жараёни катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга. Фуқаролар ўзгалар хатосидан хулоса чиқариб, қонунларни бузмаслик бобида ибрат оладилар.

Таъкидлаш жоизки, суд – инсоният бутун сивилизатсия даврида кашф этган низоларни ҳал этишнинг, мутаносиб жазо тайинлашнинг самарали воситаси, энг ноёб ижтимоий ҳодиса ва маънавиятимизнинг буюк ютуғидир.

Қиёсий таъбир жоиз бўлса, медик – шифокор инсон вужудидаги касал-ликни даволаса, суд жамият вужудидаги қусур-касалликларни даволайди. Беморга – ширин сўз даво бўлса, жабрланувчи ва судланувчига – адолатли сўз даркор бўлади. Суднинг етуқлиги ва маҳорати қонун асосида ана шу адолатли сўзни айтишда намоён бўлади.

Жамиятнинг маданий қиёфасига у тўплаган моддий ва маънавий бойлик (қадрият)ларга, уларни одамлар томонидан ўзлаштирилганлиги даражасига, ижтимоий ва маънавий ривожланиш савиясига, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда яратилган ижтимоий-сиёсий институтларнинг демократиклиги даражасига қараб баҳо берилади. Шу жиҳатдан олганда, суд ҳам маданиятимиз маҳсули, ҳам унинг натижасидир.

Судьянинг касбий ҳуқуқий маданиятини, одил судловнинг

ҳуқуқий маданияти даражасини қуйидаги омиллар воситасида аниқлаш мумкин:

- 1) қонунчиликни такомиллаштириш ва малакали қўллаш;
- 2) суд ҳаракатларининг тезкорлиги, тежамлилиги, суд ҳужжатларини саводли ва пухта тузишга;
- 3) суд фаолияти устидан ички ва самарали жамоат назоратининг ўрнатилганлиги;
- 4) судьялар ўртача бандлиги меъёрини оқилона белгиланишини таъминлаш;
- 5) замонавий ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти ютуқларини одил судлов амалиётига сингдириш;
- 6) судлар фаолиятини халқаро ҳуқуқ стандартларига мослаштириш;
- 7) судья кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим савияси, тажрибаси, маданияти, яъни судьялар томонидан жамиятнинг илғор маънавий қадриятларини теран ўзлаштирилганлиги ва бошқалар.

Судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти қуйидаги мезонлар билан белгиланиши мумкин:

- олий ҳуқуқшунослик маълумоти ва тажрибасига эгаллиги;
- одил судлов тамойилларини пухта ўзлаштирилганлиги;
- юксак касбий маҳорат соҳиби бўлиши;
- холислик ва обективлик;
- адолатпарварлик ва ҳалоллик.

Ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш мақсадида амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнидаги муҳим вазифалардан бири суд ҳокимиятини амалга оширувчи шахсларга юксак ҳуқуқий маданият мезонларини, зарур касбий малака ва маҳоратни сингдиришдан иборат. Фикримизча, судьялар эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар қуйидагилардан иборат:

- ❖ судловни амалга оширишда қатъиятлилиқ ва вазминлик;
- ❖ хотиржамлик ва совуққонлик;
- ❖ ўзгага ҳурмат, эҳтиёткорлик, хушёрлик ва тавозе;
- ❖ эҳтиросга берилмаслик ва жиззаки бўлмаслик;
- ❖ вазиятга баҳо беришда сермулоҳазалилик;
- ❖ суд жараёни иштирокчиларига қўполлик, дўқ-пўписа қилмаслик;
- ❖ хушмуомалалик, адолатпешалик, ҳақпарвар ва халқпарварлик;
- ❖ жабрдийда дардига эътиборлилиқ;
- ❖ ҳукм чиқаришда виждонга, ички эътиқодга, иймонга таяниш.

Фуқароларнинг айбсизлик презумпсияси тамойилини судлов жараёнида қатъий таъминлаш суднинг (судьянинг) чуқур ахлоқийлиги, юксак ҳуқуқий маданияти намоёиши ҳисобланади.

Шундай қилиб, суднинг маънавий савияси ва судьянинг касбий ҳуқуқий маданияти жамият аъзоларининг оддий ҳуқуқий маданиятидан тубдан фарқ қилади. Касбий ҳуқуқий маданият махсус юридик билимга таянганлиги, соҳибининг малакали юридик тажрибага эгаллиги ва асосланганлиги билан ажралиб туради. Шу боис, касбий ҳуқуқий маданият эгаларига жамиятнинг талаби катта ва масъулиятлидир.⁴⁵

3§ Суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар мазмунидаги ахлоқий асослар

Суд муҳокамаси жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилиши билан яқунланади. Барча протсессуал қарорларга бўлгани каби суд ҳукмига ҳам қатор талаблар қўйилади. Қонунийлик ва асослантирилганлик ҳар қандай протсессуал қарорнинг хусусиятларидан ҳисобланади. Ҳар қандай қарор ўзига хос протсессуал шаклга эга бўлади. Ҳукм одил судловнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади ва у юқори ҳуқуқий ва ахлоқий талабларга жавоб бериши талаб этилади. Суд томонидан жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилган шахсга адолатли жазо тайинлаши, маҳкумнинг қонунга бўйсунуши ва қилмишига яраша жазони олиши ҳукмда ифодаланади.

Yodda tuting!

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 455-moddasi talabiga ko‘ra har bir hukm qonuniy, asosli va adolatli bo‘lishi shart. Hukm faqat sud majlisida ko‘rib chiqilgan dalillargagina asoslangan bo‘lishi kerak.

Қонун асосида, қонуннинг барча талабларига риоя қилган ҳолда, нафақат протсессуал қонунга, балки жиноят ва жазо, иштирокчилик ва жиноятни содир қилиш босқичлари, зарурий мудофаа каби тушунчаларни белгилловчи жиноят қонунига ҳам асосланиб чиқарилганда қонуний деб ҳисобланади. Ҳукмнинг қонунийлиги деганда, фақат ҳукм чиқариш вақтида эмас, балки жиноят иши бўйича ҳукм чиқаришгача бўлган жараёнда ҳам жиноят ва жиноят-протсессуал қонун нормаларига риоя қилишлик тушунилади.

Ҳукмнинг асослилиги деб, ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари иш ҳолатларига мослиги, суд муҳокамасида тадқиқ этилган ва суд

⁴⁵ Odilqoriyev H. “Sud-huquq islohotlari jarayonida kasbiy huquqiy madaniyatni yuksaltirish muammolari” // O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining Oliy o‘quv kurslari Axborotnomasi. №4 (12) 2012. – B. 12-14.

томонидан ишончли ҳамда етарли деб тан олинган далиллар мажмуи билан тасдиқланганлигига айтилади. Ҳукмда баён этилган ҳолатлар улардан келиб чиқадиган хулосалар ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос келиши, яъни ҳақиқий бўлиши лозим. Асослантирилмаган ҳукм айти вақтда ноқонуний ҳисобланади.⁴⁶

Ҳукм адолатли ҳам бўлиши керак. Шахс фақат айблилик даражаси меъёрида жазога тортилиши лозим.

М. С. Строгович ҳукмга бўлган талаблар қаторига *ишончлиликни* ҳам киритади.⁴⁷

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 484-моддаси талабига кўра ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларидан бири жазонинг адолатсизлиги ҳисобланади. Тайинланган жазони жиноятнинг оғирлигига ва маҳкумнинг шахсига номуносиб деб топилиши, жазо тегишли жиноят кодексида белгиланган жазо доирасидан четга чиқмаган бўлса-да, енгиллиги ёки қаттиқлиги бўйича ўз миқдорига кўра очикчасига нотенглигида кўринади.

Hukmning adolatliligi nafaqat uning mahkumga tayinlangan jazoga mosligiga taqaladi. Hukmning adolatliligining o'ziga xos belgilari mavjud bo'lib, ularga ko'ra aybi bo'lmagan oqlansa adolatli hisoblanadi, chunki aybsizni sudlash adolatsizlikning oxirgi shakli bo'ladi. Ayblov hukmi aynan jinoyatni sodir etgan shaxs sudlanib, aybdor deb topilsa adolatli hisoblanadi.

Айбдорга жиноят қонуни тўғри татбиқ этилган, жиноятнинг хавфлилиги, жиний-ҳуқуқий хусусиятига ва айбдорнинг шахсига мос, жавобгарликни ҳар бир шахсга алоҳида-алоҳида ёндашиб белгилаш талабига риоя қилган ҳолда тайинланганда жазо адолатли ҳисобланади.

Ҳукм суд томонидан ҳар бир инсоннинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойилига амалда риоя қилинишига ва ушбу тамойилга мос қарорни ўзида ифодаланишига асосланиши керак. Барча айбсизлар ижтимоий, мулкӣ ва бошқа муносабатлардаги фарқларидан қатъи назар сўзсиз оқланиши лозим. Барча айбдорларга жиноят қонуни тенг қўлланилади ва уларга миллати, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда аҳволи ва бошқа белгиларига кўра ажратилмаган ҳолда жазо тайинланади.

Демак, айтиш мумкинки, *ҳукмнинг адолатлилиги бу* – ҳукмнинг ахлоқий тавсифи ҳисобланади ва ҳукм билан фақатгина жиноятни содир этишда айбдор бўлган шахс жазоланиши керак, айбсиз шахс эса оқланиши лозим.

⁴⁶ O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga sharhlar. T.: TDYI, 2009. – B.695-696.

⁴⁷ Строгович М. С. Курс советского уголовного процесса: В 2 т. - М., 1968.

Суд томонидан айбдор деб топилган шахс эса айбининг даражаси ва хусусиятига мос ҳолда қонунга асосан, барчанинг қонун ва суд олдида тенглигини таъминлаган ҳолда жазоланиши даркор. Ҳукмнинг адолатлилиги бевосита унинг қонунийлиги ва асослигига боғлиқ. Ноқонуний ҳукм адолатли бўлолмайди, шунингдек асосли ҳам бўлолмайди, демак судланувчи содир этган ёки содир этмаган қилмишга мос келмайди.

“Adolat – qonun ustuvorligida” degan shiorimizni amaliy jihatdan mustahkamlashga qaratilgan sa’y-harakatlarimizni zamon talablari darajasiga ko‘tarish yo‘lida yangi, amaliy qadamlar qo‘yishimiz zarur.

Ҳукмга бўлган муҳим талаблардан бири унга судланувчи, жабрланувчи ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг ахлоқий хусусиятларини киритишда эҳтиётлилиқ билан ёндашиш керак бўлади, яъни унга мазкурларнинг шаъни, кадр-қимматига тегадиган сўзларни киритмаслик лозим. Бундай масала ретсидив жиноятлар ёки ўта шафқатсизлик билан жиноят содир этилганида юзага келади. Бундай ишга дахлдор маълумотлар моддий жиноят қонунчилиги мазмунига бевосита асосланган ҳоллардагина ҳукмда кўрсатилиши мумкин. Бундай вазиятларда ҳам ахлоқий мезонлардан четга чиқмаслик лозим. Мисол учун, вояга етмаганнинг номусига тегиш жинояти бўйича ҳукмда айбдорнинг чин дилдан пушаймондалиги ва ижобий тавсифланганлиги кўрсатилади.

Ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини текширувчи инстансия судларининг қарорлари ҳам муайян ахлоқий талаблар билан ўзаро боғлиқ. Инсонпарварлик, адолатлилиқ, ҳақиқийлик, маълум муносабатларда раҳмдиллик ушбу судларнинг қонун томонидан белгилаб қўйилган ваколатлари асосида ётибди.

Ҳукмнинг ижро этиш босқичида аксарият кўпчилиқ қарорлар ҳар хил асосларга кўра маҳкумнинг фойдасига енгиллаштиришга қаратилиши мумкин, масалан, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш, амнитсия бўйича жазодан озод қилиш ва бошқа жиноят-протсессуал ҳуқуқнинг инсонпарварлик хусусиятларининг бу ерда аниқ ифодасини кўриш мумкин.

Ҳукмнинг шакли ҳақида гапирганда, у ҳам маълум маънода ахлоқий ҳолатларни ўзида ифодалайди ва бу қонунда белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 467-моддасига биноан айблов ҳукмида барча ҳал қилиниши керак бўлган масалаларнинг асослари кўрсатилган бўлиши лозим, Ўзбекистон

Республикаси ЖПК 469-моддаси моҳиятига биноан оқлов ҳукмига оқланганнинг айбдор эмаслигига шубҳа туғдирувчи ибораларнинг киритилишига ё‘л қўйилмайди, шунингдек ушбу суд муҳокамасида жиноят иши муҳокама қилинмаган шахснинг жиноят содир этганлиги ҳақида кўрсатувни ҳукмга киритишга ё‘л қўйилмайди.⁴⁸



Назорат учун саволлар:

1. Суд ҳокимиятига бўлган умумий ахлоқий талабларни санаб ўтинг.
2. Суд жараёнининг ахлоқий хусусиятини таъминлашда судьянинг роли нималардан иборат бўлади?
3. Суд томонидан қабул қилинадиган ҳукм ва бошқа қарорлар мазмунидаги ахлоқий асослар нимада ифодаланади?
4. Ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини текширувчи инстансия судларининг қарорларига бўлган ахлоқий талаблар ҳақида гапиринг.
5. Ҳукмнинг шакли ҳам маълум маънода ахлоқий ҳолатларни ўзида ифодалайди, деганда нимани тушунасиз?
6. Ҳукмга судланувчи, жабрланувчи ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг ахлоқий хусусиятларини киритишда эҳтиётлилик билан ёндашиш деганда нима эътиборга олинган?
7. “Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари” ҳақида гапириб беринг.

⁴⁸ O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga shahlar. – T., TDYI, 2009. – B.713-720.

ВИИИ БОБ. СУД МУЗОКАРАСИНИНГ ЭТИК ВА АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

- 1§ Суд музокарасининг ахлоқий асослари ва ўзига хослиги.**
2§ Прокурор айблов нутқи этикаси ва унга бўлган талаблар.
3§ Ҳимоячи нутқи этикаси ва унга бўлган талаблар.

1§ Суд музокарасининг ахлоқий асослари ва ўзига хослиги

Суд музокаралари суд муҳокамасининг ёрқин ва ҳаяжонли қисми бўлиб, унда протсесснинг тортишув тамойилига амал қилиниши яққол ифодаланади.

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Айблов ва ҳимоя томонлар судга муурожаат қилиб, суд муҳокамасини тасаввур қилинганидай яқунлаб, иш бўйича қандай адолатли қарор чиқариш лозимлиги ҳақидаги таклифлари билан судга муурожаат қилишади.

Музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади, ундан кейин жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда белгилайди (*ЎзР ЖКК 449-м. 2-қ.*).

Суд музокараси фикрлар кураши, манфаатлари одатда тўғри келмайдиган тарафларнинг тортишувидир. Шунга қарамасдан ахлоқий хусусиятнинг умумий талаблари суд музокараси иштирокчиларининг барчасига тегишлидир. *А. Ф. Кони айтганидай*, бу – суд музокараларида ахлоқан рухсат этилган ёки рухсат этилмаган одоб-ахлоқ асослари билан боғланган талаблардир⁴⁹.

Sud muzokarasida ishtirok etayotganlar jamiyatda qabul qilingan axloqiy normalarni nafaqat hurmat qilishlari, balki ularga og‘ishmay rioya qilishlari talab qilinadi. Aksincha, axloqqa zid qarashlarni targ‘ibot qilib o‘z pozitsiyasini saqlab qolishdan saqlanishlari kerak.

⁴⁹ Кони А. Ф. Собр. соч.: В 8 т. Т. 4. – М., 1967. – С. 66.

Суд музокараси иштирокчиларидан биронтаси ишда иштирок этаётганларнинг, ҳатто ишнинг қайси бир ҳолати бўйича эслатиб ўтилган аммо ишда қатнашмаётган шахсларнинг ҳам кадр-қимматини камситишга ҳақли эмас.

Суд музокарасида қатнашаётганлар баҳсларда одоб сақлашлари, судда гувоҳлар, таржимонлар, экспертлар, мутахассисларнинг шахси ва хатти-ҳаракатларига баҳо беришда эҳтиёт бўлишлари талаб этилади. Суд музокарасида иштирок этаётган томонлар судга ҳурмат билдиришлари, суднинг обрўсини сақлашга кўмаклашишлари лозим. Суд музокарасида иштирок этаётганлар томонидан судьяларнинг хатти-ҳаракатига баҳо берилишига умуман ёл қўйилмайди.

Ma'lum bir axloqiy sifatlarga ega bo'lmay turib, chunonchi, munosib inson bo'lmay turib, ijtimoiy hayotda harakat qilib bo'lmaydi.

Arastu (Aristotel)

(miloddan avvalgi 384-322 yillar)

Одатда суд музокарасида иштирок этаётганлар айбловнинг исботланганлиги, судланувчи, жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида, суд томонидан жазо тайинланиши мумкин ҳолатларда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида ҳар хил позитсияни ушлашади. *Шу сабабли ҳам судда музокарага чиқувчининг ахлоқий эркинлиги муаммоси, яъни у судга ўзининг суд нутқида ҳам ҳақиқатни айтиши муаммоси юзага келади.* Суд музокарасида судланувчининг ўзи, яъни қонуний асосларга биноан ҳимоячининг иштирок этмаслиги мумкин ҳолатда, ҳимоя нутқини гапираётганида судга ҳақиқатни гапирмаганлиги, яъни ёлғонни гапирганлиги учун унга ҳуқуқий тарзда эътироз билдиришлик мумкин эмас. Аммо ахлоқий нуқтайи назардан судланувчи тўғри гапиришдан, ёлғондан йироқ бўлишдан озод этилмайди.⁵⁰

Суд музокарасида иштирок этаётган бошқа томонлар, масалан, давлат айбловчиси, ҳимоячи, жабрланувчи бошқа ҳуқуқий ҳолатда бўлишади ва уларга нисбатан ёлғонлиги ахлоқий талаблар ҳам фарқ қилади. Бу талабдан келиб чиққан ҳолда на прокурор, на адвокат ва на жабрланувчи судга ёлғон гапиришга, судга ҳақиқатга яқин бўлмаган, ёлғон маълумотлар ҳақида хабар беришга ва шу асосда ўз нутқларини тузишга ҳақли эмаслар.

⁵⁰ Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005.

П.С.Поровшиков асосли ёзганидай, “Суд томонлардан ҳақиқатни, ҳаттоки очиқчаликни талаб қилолмайди: улар суд олдида фақат ҳаққонийлик учун мажбурдирлар!..”⁵¹

Суд музокараси иштирокчиларидан прокурор ва адвокатнинг суд нутқларининг ўзига хослик томонлари мавжуд бўлиб, улар иш ҳолатларига баҳо беришда ҳар хил ёндашади, бу уларнинг касбий вазифаларидан келиб чиқади. Агарда айблов судда ўз исботини топмаса, прокурор айбловдан воз кечиши ва ҳимоя фойдасига гапириши мумкин. Аммо адвокат фақат ҳимояси остидаги шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилади ва унинг позитсияси ҳимояси остидаги шахснинг позитсияси билан бир хил бўлади. Айбловни қўлловчининг фикри билан тўлиқ рози бўлганда ҳам у ҳимоя қилишдан воз кечишга ҳақли эмас.

Суд музокарасининг ахлоқий аҳамияти судланувчини, жабрланувчини, гувоҳларни ва судда иштирок этаётган бошқа шахсларни, шунингдек суд залида ҳозир бўлганларни ахлоқий тарбиялашга кўмаклашишдан иборат.

Шу боисдан ҳам суд музокараси иштирокчилари нутқлари холисона, беғараз, ҳаққоний бўлиб, бунда томонлар судьяларнинг сабр-тоқатини суиистеъмол қилмаган ҳолда одоб-ахлоқ қоидалари доирасидан четга чиқмасдан ўз нуқтайи назарини ишончли асослар, далиллар асосида ифодалаши лозим.

Суд музокараси одоб-ахлоқ доирасида олиб борилиши, фақат кўрилаётган иш юзасидангина сўз юритилиши, музокара иштирокчиларининг шахсиятига тегмаслик, бир-бирларини камситмаслик, пичинг-кесатикли сўзларни ишлатмасликлари лозим. Суд музокарасида инсон тақдирини адолатли ҳал қилиш, ҳар бир иш замирида аллақандай мавҳум бир суд ходисаси эмас, балки ушбу иш ортида тирик жон – инсон турганини ёддан чиқармаслик керак. Судланувчи ҳам ҳар қандай бошқа шахс каби кадр-қиммати ҳурмат қилиниши лозим бўлган шахс ҳисобланади.

Судда томонларнинг музокара нутқларини олиб бориш маданияти судда раислик қилувчига боғлиқ бўлади. У музокара жараёнига унинг иштирокчиларининг ўзини тутиш маданияти ва нутқ маданиятига таъсир қилади. Унинг зиммасига юкланган вазифа – айблов ва ҳимоя томонларнинг далил ва мулоҳазаларига нисбатан эътироз ва танқидий фикрлар протсессуал қонун доирасидаги маънавий-ахлоқий меъёрлардан чиқиб кетмаслигини назорат қилишдан иборат.

⁵¹Сергей П. Искусство речи на суде. – М., 1960. – С. 262.

Судда раислик қилувчи судья ўзининг протсесс иштирокчилари ва суд залида йиғилганларнинг ҳамиша диққат-эътиборида туришини англаши, ҳис қилиши ва табиийки, унинг барча фикр-мулоҳазалари, имо-ишоралари, юзидаги ифодаси атрофдагилар томонидан муттасил кузатиб борилишини назардан қочирмаслиги керак. Шу ўринда судьянинг тинглаш қобилиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг бу қобилияти музокарага чиқувчиларнинг нутқини оғир-вазминлик ва диққат билан тинглай олиш ҳамда тушунишни тақозо этади, унинг эътиборсизлиги эса музокарага чиқишда изчилликнинг ёқолишига олиб келади ва бу ҳолат протсессуал, ахлоқий ва маданий нутқ меъёрларининг бузилиши тариқасида баҳоланади.

2§ Прокурор айблов нутқи этикаси ва унга бўлган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгилаб кўйилган. ЎЗР ЖПК 34-моддаси 2-қисмида прокурорнинг суд муҳокамасида қатнашиб айбловнинг қонуний ва асосланганлигини таъминлаш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифанинг амалга оширилишини – фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд ёқи билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстансия судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этишида кўрамиз.

Судларда жинойт ишлари кўрилаётганда прокурор давлат айбловини қувватлайди ва шу сабабли прокурорга нисбатан “**давлат айбловчиси**” термини қўлланилади.

Давлат айбловчиси суд тергови яқунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айбдор ёқи айбдор эмаслиги тўғрисидаги ҳулосага келади. Давлат айбловчиси бу ваколатини муваффақиятли бажариши учун музокара нутқида давлат айбловининг ўзига хос нозик томонларини яқши ўзлаштирган бўлиши керак. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004-йил 11-майдаги буйруғида: “Прокурорнинг музокарасида судланувчининг айблилиги, унинг жинойт ҳаракатларини тавсифлаш, жазо турини ва меъёрини тайинлаш билан биргаликда, жинойт натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, қўшимча жазо тайинлаш, шунингдек, жинойтнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида хусусий ажрим чиқариш тўғрисида фикрлар берилсин.

Давлат айбловини қувватлаётган прокурорлар тергов ва суддаги маълумотлар судланувчининг айбсизлигидан, айбловдан воз кечиш тўғрисидаги қонун талабларига сўзсиз амал қилсинлар. Давлат айбловчисининг фикри судга ёзма тақдим этилиши мажбурийлиги ҳақидаги қонун талаблари оғишмай бажарилиши таъминлансин”, – деб таъкидланганлигини алоҳида эътироф этиш ўринли бўлади.

Aqlli soʻz duru javohirlaru toj-taxtdan ham qimmatliroqdir.

*Abulqosim Firdaviy
(934(tahminan) – 1024 yillar)*

Баъзи прокурорлар ўзларининг фаолиятларида ҳимоя қилишдек муқаддас бурчларини унутиб, кўпинча жазолаш хусусиятларини намоён қилиб қўймоқдалар. Президентимиз И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида: *“Яна бир ўз ечимини кутаётган муаммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг барчасига тааллуқлидир. У ҳам бўлса, ушбу касбни танлаган айрим ходимларнинг махсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриш-туриши, хулқ-атвори ўзгариб қолади. Уларнинг онгида*

“Биз давлатнинг ўта ишончли одамларимиз, қолганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма холос,”

деган кайфият пайдо бўлади. Бу, ахир, ўтмишга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик асорати эмасми? Давлат муассасалари, биринчи навбатда, прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қўйиб олсинки, улар ҳам мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи ё‘қ. Прокуратура ходимлари уларни назорат қилиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак”⁵² деган гапларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, биринчи навбатда прокуратура ходимлари тўлиқ амал қилишлари шарт.

Прокурор суд музокарасида айблов нутқини ифодалар экан, ўзининг маданиятли, одоб-ахлоқли эканлигини намоён эти олиши керак. Ҳар қандай шароитда ҳам музокарада иштирок этаётган томонлардан биронтасига дўқ-пўписа қилишга ҳақли эмас. Гарчанд судланувчи ретсидив жиноятчи бўлса ҳам, уни камситиш, масхаралаш, унга нисбатан кесатиқ, қочирим сўзларни асло ишлатмаслиги, шахсиятига тегадиган сўзлардан сақланиши керак. Прокурор одамлар наздида давлат одами, давлат рамзи. Прокурорнинг асосий қуроли бўлган қонунни ифодаловчи бу - сўз эканлигини унутмаслик керак ва у суд музокарасида давлат айбловчиси сифатида иштирок этганда, ўз

⁵² Каримов И. Адолат — қонун устуворлигида. “Фидокор” газетаси, 2001 йил 30 август

нутқини мантиқан изчил, аниқ ва тиниқ, зарур ўринларда расмийлик маъносига урғу бериб, чиройли ифодаласа унинг нуфузи, обрў-еътибори янада ошади, таъсирчан бўлади.

Прокурор айблов музокара нутқида фикрни фақат айблов доирасида эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий маданият, одоб-ахлоқ тарғиботчиси эканлигини ҳам кўрсата олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Прокурор ўз музокара нутқида жиноятнинг келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилиш билан бирга, судланувчининг шахсига, содир этилган жиноятга сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий баҳо бериши ҳам ижобий ҳолдир.

Масалан, содир этилган жиноят инсон соғлиги, ҳаёти, шаъни, кадр-қимматига нисбатан хавф солар экан, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган сиёсий, иқтисодий ва шахсий ҳуқуқлари ҳақида тўхталиши, мабодо жиноят *давлат мулки ёки фуқароларнинг хусусий мулкни ўзлаштириш, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик* билан боғлиқ бўлса, ҳалол ва фойдали меҳнатнинг шарафи ҳақида тўхталиш мақсадли бўлади.

Давлат айбловчисининг барча хулосалари ва суд муҳокамасига таклиф қилаётган фикрлари қонунга ва суд терговидида исботланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларига асосланган бўлиши керак. Юридик баҳо аниқланган ҳақиқий ҳолатларга қўлланилаётган қонун нормаларига мувофиқ бўлиши, яъни прокурор адолатли бўлиши лозим. Давлат айбловчисининг хатти-ҳаракати, унинг тутган нуқтайи назари ахлоқий нормаларга таянган ва уларга мос бўлиши керак. Прокурор жамият манфаатини ҳимоя қилади, давлат номидан иш юритади, шу билан биргаликда у судланувчининг қонуний манфаатини, кадр-қимматини ҳимоя қилишга ҳам чақирилган.

A. F. Koni, prokuror “og ‘ir vazifasini bajara turib, jamiyatga xizmat qiladi. Bunday xizmat qilish unga faqat jiddiy axloqiy intizom joriy qilinganda va jamiyat manfaati va shaxsning insoniy qadr-qimmatini bir xil g‘amxo‘rlik va qunt bilan himoyalanganida foydali bo‘ladi”.

Ушбулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат айбловчиси - прокурор музокара нутқининг ахлоқий хусусиятини асосан у тутган нуқтайи назарнинг иш ҳолати бўйича тўғрилиги, суд муҳокамасига ҳавола қилаётган хулосаларининг адолатлилиги белгилайди.

Масалан, жиноятни содир этганликда айби исботланмаган шахсни судлашликни талаб қилаётган прокурор ахлоқсиз ҳаракат қилган бўлади.

ОПрокурорнинг айблов нутқи одатда иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда мантиқан кетма-кетликда ифодаланадиган бир неча қисмлардан иборат тузилади. Одатда у кўриб чиқиладиган ишнинг, судланувчи айбланаётган жиноятнинг хусусиятли томонини ифодалашдан бошланади. Яқин ўрталаргача айблов нутқида жиноятга “*ижтимоий-сиёсий*” баҳо бериш мажбурий ҳолат ҳисобланар ва бу “ҳар бир айблов нутқининг зарурий элементи бўлиши лозим”⁵³ деб саналар эди. Г.А.Василеванинг фикрига кўшилган ҳолда *бундай сиёсатлаштирилган тушунча ўрнига айблов нутқида судда кўриладиган жиноят ишининг ҳуқуқий ва ахлоқий хусусиятларига, жиноят ишининг ўзига хос хусусияти ва жиноятнинг хавфлилигига баҳо беришга бағишланган қисмни ажратиб мақсадга мувофиқ бўлади.*⁵⁴ Кўриладиган ишнинг умумий тавсифи, унинг ўзига хос хусусиятлари обектив, ўзига мос бўлиши, бўрттириб ифодалашлардан холи бўлиши керак.

Давлат айбловчиси ўз нутқида ишнинг ҳақиқий ҳолатини суд тергови натижасида аниқланганлиги тартибида баён қилади ва судланувчи муайян ҳаракатларни содир қилганлигини, унга қўйилган айбни тасдиқлайди, асослар бўлганида айбловдан воз кечганлигини билдиради. Прокурорнинг ҳуқуқий ва ахлоқий мажбурияти судланувчининг нимада айбдорлиги ҳақидаги судга таклиф қиладиган ҳулосаларининг ҳаққонийлигида ифодаланади. Агар суд муҳокамаси давомида судланувчига қўйилган айблов ўз исботини топмаса прокурор айбловдан воз кечишга мажбур.

Айблов нутқида марказий ўринни судда текширилган далилларнинг анализи ва айбловнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги ҳақидаги ҳулосанинг асосланганлиги эгаллайди.

Қилмишга юридик баҳо бериш прокурор айблов нутқининг элементларидан ҳисобланади ва у далиллар билан исботланган бўлиши, татбиқ қилинадиган моддий қонуннинг моҳиятини чуқур тушунишга асосланган бўлиши лозим.

Прокурорнинг нутқида судда аниқланган фактларга асосланган судланувчи шахсининг тафсилоти берилади ва у обектив бўлиши керак. Прокурор судланувчининг айбини енгиллаштиришга хизмат қиладиган ижобий ахлоқий томонлари, олдинги кўрсатган яхши хизматлари, намунали хулқ-атвори ҳақида гапирмасликка ҳаққи ё‘қ.

Прокурор судланувчининг пушаймонда бўлмаганини, ўзини айбдор деб ҳисобламаслигини, хоҳламаслиги ёки эсламаслиги сабабли

⁵³ Проблемы судебной этики. – С. 227.

⁵⁴ Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005.

саволларга жавоб бермаганликларини айбловга қўшишга ҳақли эмас ва бундай қўшишлик ахлоққа зид ҳисобланади. Шунингдек, айблов нутқида судланувчининг устидан кулиш, ҳақоратли таърифлаш, ташқи кўриниши, миллати, жисмоний камчиликлари ҳақида келтирилиши мумкин эмас.

Прокурор судланувчини таърифлашда унинг учун *айбсизлик презумпсияси* мавжуд эканлигидан келиб чиқиши лозим, яъни судланувчи оқланиши, айблов ҳукми бекор бўлиши мумкин, шу сабабли судда аниқланган ва юридик фактга эга бўлган фактларгагина асосланиб айблов нутқини тузиши ва жазо чораларини асослашда нафақат судланувчининг айбини оғирлаштирадиган балки енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳам келтириши лозим.

3§ Ҳимоячи нутқи этикаси ва унга бўлган талаблар

Мамкатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан давлатимиз ва жамиятимиз талабларига жавоб берадиган, инсон ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қила оладиган *замонавий адвокатура институти*ни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маълумки, собиқ совет тузуми даврида адвокатнинг вазифаси сотсиалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, сотсиалистик одил судловга хизмат қилиш бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, инсон омили иккинчи даражага тушиб қолган эди ва адвокатурага нисбатан одамларда ишончсизлик кайфияти юзага кела бошлаган эди.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақирик ўн тўртинчи сессиясида: *“Биз адвокатура тизимини кучайтириши ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириши учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз”* деганларида нечоғлик ҳақ эканлигини вақт кўрсатди.

Кўп ўтмай 1996-йилнинг 27-декабрида Ўзбекистон Республикасининг *“Адвокатура тўғрисида”*ги ҳамда 1998-йилнинг 25-декабрида эса Ўзбекистон Республикасининг *“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари, адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”*ги қонунларининг қабул қилиниши замонавий адвокатуранинг барпо этилишидаги муҳим босқич бўлди. Ушбу қонунларда адвокатларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, улар олдида қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилди. Адвокатлик фаолиятининг асосий тамойиллари, адвокатнинг ваколатлари, адвокатнинг дахлсизлиги, адвокатлик фаолиятига аралашшга ёл қўймаслик, адвокатлик фаолияти ҳимояланишининг таъминланиши ҳамда

адвокатнинг ижтимоий ҳимояси каби масалаларнинг қонун ё‘ли билан белгиланганлиги адвокатларнинг том маънодаги нуфузининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Адвокатларга бундай имтиёзларнинг берилиши улар зиммасига катта масъулиятлар ҳам юклайди. Айни чоғда адвокатларнинг суд музокараси-даги иштироки, унинг ҳимоя нутқи юзаки эмас, балки юқори даражада бўлиши талаб этилади. Албатта, бунинг мажбурият юки жуда катта, чунки бунинг учун адвокатлар юриспруденсияни қандай юқори даражада ўзлаштирган бўлсалар, адабий тил ва унинг таркибий қисми бўлган юридик тил меъёрлари ва талабларини ҳам худди шундай юқори даражада билишлари шарт бўлади. Чунки юридик тил меъёрлари ва талабларига риоя қилган ҳолда яхши ўйлаб тузилган адвокатнинг ҳимоя нутқи судда кўриб чиқиладиган ишнинг пировард натижасига катта таъсир ўтказиши мумкин. Атоқли олим **М.С Строгович** “адвокатнинг ҳимоя нутқи жиноят иши бўйича суддаги ишқилларнинг юқори ўққисидир”⁵⁵ деб алоҳида таъкидлаган эди.

Hozirgi kundagi eng muhim, eng dolzarb vazifamiz – jamiyatimiz a'zolarini, avvalambor, voyaga yetib kelayotgan yosh avlodni kamol toptirish, ularning qalbida milliy g'oya, milliy mafkura, o'z Vataniga mehr-sadoqat tuyg'ularini uyg'otish, o'zligini anglash, milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalashdan iboratdir.

Islom Karimov

Адвокатнинг ҳимоя нутқи ифодаланаётган фикрни далиллар билан исботлашга асосланади. Адвокат муайян иш юзасидан етарли далиллар тўплай олмаса, судда жиноятни содир қилганликда гумон қилинаётган ҳимояси остидаги шахснинг айбсизлигини исботлай олмайди, оқибатда ҳимоя нутқи ҳам талаб даражасида шаклланмайди ва кўзланган мақсадга эришолмайди. Ҳолбуки айби судда аниқланган далиллар билан исботини топиб турган шахсни айби ё‘қ деб судни ишонтиришга ҳаракат қилиниши ҳам адвокатнинг нуфузига, ахлоқига путур етказди.

Адвокат, одатда, давлат айбловчисидан кейин музокарага чиққанда давлат айбловчиси – прокурор айбловига жавобан далиллар келтириши, ҳимояси остидаги шахснинг тавсифини очиб бериши керак ва унинг ҳимоя нутқи агарда судланувчи айбсиз деб топилганда уни оқлашга, адолатли жазо тайинланишига асос бўлади.

Адвокат бу борада ўз имиджини яратар экан, куйидагиларга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлади:

⁵⁵ Защитительные речи советских адвокатов. Под.ред. М.С.Строговича. – М.: Госюриздат, 1956. – С.13.

1) Музокара нутқида адвокат мантикий урғуга алоҳида эътибор қаратиши, сўзининг маъноси ва овозида уйғунлик бўлиши лозим. Кўрилаётган иш адвокат томонидан яхши ўрганилган бўлса-да, нутқи оҳанги унга мос келмаса, ишончли чиқмайди ва суд иштирокчилари томонидан ўзлаштирилмай қолади.

2) Адвокат ҳимоя нутқини жонлироқ, маънолироқ ва ишонч билан ифодалаш лозим, акс ҳолда тингловчиларда тесқари таассурот қолдириши мумкин.

3) Ўз-ўзидан маълумки, ҳимоячи – адвокат тортишув протсессиди ўз нутқида айблов томонга қарши туради ва унинг суд музокарасидаги иштироки муайян ахлоқий талабларга бўйсунди. Суд музокарасида ҳимояни умуман олиб боришнинг, шунингдек унинг мазмуни ва тузилишининг энг муҳим жиҳати ўз позитсиясини ҳуқуқий ва ахлоқий асосларга таянган ҳолда тўғри танлай олишдан иборат бўлади.

*Шуни эътибордан чиқармаслик лозимки, ҳимоячи ҳимоя қилишнинг фақат қонуний асослари ва усуллари қўллаши мумкин. Қонунни бузган шахсни ҳимоя қилар экан ҳимоячининг ўзи қонунга оғишмай рия этиши, яъни қонуний усуллардан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилиши керак. Шунингдек, у ҳимоянинг қўлланилиши ахлоқан мумкин бўлган усуллари татбиқ қилиши лозим бўлади. Мисол учун ҳимоячи ўзига ишонч билдирган шахсга фойдали бўлса-да, судга ёлғон гапириши, судни ноқонунийликка ундашга ҳақли эмас.*⁵⁶

***Я.С.Кисилев** “Адвокатда нафақат ёлғон гапиришга, нафақат сунъий, ўйлаб топилган, қалбакилаштирилган далиллардан фойдаланишга, балки самимий бўлмасликка ҳам, айёрлик қилишга ҳам ҳаққи ё‘қ”⁵⁷ деганида қанчалик ҳақ эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади.*

Маълумки, ҳимоячи муайян бир шахсни жиноятда айблашдан ҳимоя қила туриб, жиноятнинг ўзини оқлай олмайди. **А.Ф.Кони** адвокатуранинг нуқсонлари ҳақида тўхталиб, қачонки “*жиноятчининг ҳимояси ишининг ахлоқий келажасини била туриб бузиб ташлаган ҳолда, жабрланувчи ва айбдорнинг ролларини алмаштиришга мажбурлаб жиноятни оқлашга қаратилади*”⁵⁸, деб ёзган эди.

Ҳимоячи ҳимояси остидаги шахс ҳимоясини унинг билан асосий масалаларда, яъни айбни тан олиш ёки тан олмаслик масалаларида позитсияларини келишиб олган ҳолда амалга ошириши лозим. Амалиётда учраб турган муаммолардан бири судланувчи судда ўзини айбли деб ҳисобламайди ва айбсиз деб топилишини талаб қилади, суд

⁵⁶ Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005.

⁵⁷ Проблемы судебной этики. – С. 240.

⁵⁸ Кони А. Ф. Собр. соч. Т. 4. – С. 134.

тергови жараёнида эса унинг айбдорлиги текширилган етарли далиллар билан исботланган бўлади ва ҳимоячининг ўзи ҳимояси остидаги шахснинг айбдорлигига ва ҳимоя нутқини айби ёқлиги ҳақида тузишлик натижасиз эканлигига ишонч ҳосил қилади. Кўпчилик муаллифларнинг фикрича, бундай ҳолатда судланувчи ва унинг ҳимоячисининг позитсиялари ҳар хил бўлиши мумкин ва бу ахлоқан маъқулланади. Бундай ҳолатда ҳимоячи ўз нутқида судланувчининг айбдорлигини тан олишга мажбур ва унинг қисматини енгиллаштиришни суддан талаб қилишга мажбур бўлади.⁵⁹

Кейинги пайтлардаги суд амалиёти, қоидага биноан, ҳимоячи ҳимояси остидаги шахснинг айбдорлигини, унинг ўзи айбни рад қилган бўлса-да тан олиши ҳимоя ҳуқуқига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланишидан, ҳимоячи томонидан айбланувчининг зиёнига ҳаракат қилмаган ҳолда, ҳимоянинг барча қонуний услуб ва имкониятларидан фойдаланишга мажбурлигидан келиб чиқмоқда.

Адвокатнинг ёрдамига умид қилиб, ўз тақдирини унга ишонган инсонни айблашдан охиригача ҳимоя қилишнинг ахлоқий мажбуриятини афзал кўриш лозим бўлади. Айбловни эса уни қувватлаши лозим бўлган давлат айбловчиси прокурор амалга оширади. Ҳимоячи – адвокат бундай мураккаб вазиятда айбловни инкор қилиш учун, шунингдек судланувчининг фойдасига ишловчи, унинг шахсини ижобий тавсифловчи иш бўйича фактларнинг исботланганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни судга тақдим қилиш учун кичик имкониятлардан ҳам фойдаланиши керак.

Адвокат яна шунга эътибор бериши лозимки, судланувчи томонидан айбсизлигини узлуксиз талаб қилиб келаётганлиги ҳолати айблов тахминининг тўғрилигига гумон туғдиради ва адвокат ўзининг нутқи асосида бундан фойдаланиши мумкин.

Суд музокарасида иштирок қилувчилар ошкора нутқ сўзлайдилар ва бунда улар ахлоқий ёл қўйилган услублардангина фойдаланишлари, ўз кадр-қимматларига риоя қилишлари, ўзларининг рақиблари ва судда иштирок қилувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматларини ҳурмат қилишлари лозим. Уларнинг судга мурожаат қилишлари маданияти ахлоқий нормаларга риоя қилганликларида ҳам намоён бўлади.



Назорат учун саволлар:

⁵⁹ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005.

1. Суд музокараларининг ахлоқий асоси нимадан иборат?
2. Прокурор айблов нутқининг ахлоқий жиҳатларини гапириб беринг.
3. Давлат айбловчисининг барча хулосалари ва суд муҳокамасига таклиф қилаётган фикрлари нимага асосланади?
4. Айблов нутқида марказий ўринни нима эгаллайди?
5. Суд жараёнида ҳимоячининг иштирокига бўлган ахлоқий талаблар қайсилар?
6. Адвокат ҳимоя нутқининг ахлоқий хусусиятлари нималардан иборат?
7. Суд музокараси иштирокчиларига бўлган умумий ахлоқий талаблар ҳақида гапиринг.

ИХ БОБ: АЙРИМ ЮРИДИК КАСБ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

- 1§ Адвокат фаолиятининг ахлоқий асослари.**
- 2§ Ички ишлар ходимлари фаолиятининг ахлоқий асослари.**
- 3§ Прокуратура ходими фаолиятининг ахлоқий асослари.**
- 4§ Адлия органлари ва муассасалари ходимлари фаолиятининг ахлоқий асослари.**

5§ Нотариус фаолиятининг ахлоқий асослари.

6§ Юридик хизмат ходимлари фаолиятининг ахлоқий асослари

1§ Адвокат фаолиятининг ахлоқий асослари

Адвокат фаолиятининг ахлоқий асослари ҳақида гапирилганда Ўзбекистон Республикаси *“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”*ги Қонунининг 2-моддасида адвокатлик фаолиятининг асосий тамойилларидан бири сифатида *“касб этикаси, адвокатлик сири ва қасамёдига риоя этиши”* белгиланганлигини эътироф этиш жоиз бўлади.

Ўзбекистон Республикаси *“Адвокатлар тўғрисида”*ги Қонунининг 9-моддаси талабига биноан *“Адвокат, адвокат ёрдамчиси, адвокатнинг бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари мансабдор шахслари ва техник ходимларининг адвокатлик сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотлардан ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари ё‘лида фойдаланиши ман этилади”*.

Адвокатнинг мажбурияти сифатида адвокатлик сирини ошкор қилиш мумкин эмаслиги Ўзбекистон Республикаси ЖПК 53-моддасида белгиланган бўлиб, унда *“Ҳимоячи: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши, ҳақиқатни аниқлашга далилларни ё‘қ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт”*лиги кўрсатилган.

Адвокатлар риоя қилиши лозим бўлган касбий талаблар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг II конференциясида 2013-йил 27- сентабрда қабул қилинган *“Адвокатнинг касб этикаси қоидалари”*да белгилаб қўйилган, унга кўра адвокатлар касб одоби қоидалари бу адвокатлар ўз касб вазифасини адо этиш жараёнида уларнинг одоб-ахлоқига, ишонч билдирувчи ва ҳамкасблар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва бошқарув, жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларига қўйилган талаблар мажмуидир. Ушбу қоидаларнинг 6-бандида адвокат ўз касбий нуфузини ошириш ва уни сақлаш мақсадида ахлоқ доирасида ҳаракатлар қилиши ва кадр-қимматни камситадиган ҳаракатлар қилмаслиги лозимлиги, адвокатнинг касбий кадр-қимматини камситадиган хулқ-атвори - бу унинг обрўсини тўқадиган ва адвокатурага нисбатан жамиятнинг ишончини йўқолишига олиб келадиган ҳаракат ҳисобланиши, 40-бандида шериклик шартномасига асосан биргаликда юридик ёрдам кўрсатаётган

адвокатлар топшириқ ижросини давом эттириш учун барча зиддиятли муносабатлар тарафларидан ёзма розилигини олишлари ҳамда шу манфаатларни ҳуқуқий ҳимоя қилишининг тенг имкониятларини таъминлашлари шартлиги, 48-бандида адвокат жабрланувчини, гувоҳни ёки бошқа шахсларни ёлғон кўрсатувлар бериш учун кўндиришга ва адвокатлик сўрови ўтказиш чоғида сўров ўтказилаётган шахснинг розилигисиз тушунтиришлар олишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилган.

Адвокатнинг ўзига хос одоб-ахлоқи, маънавий тамойиллари ва бошқа касбий фазилатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– *Биринчидан*, адвокат ўзининг одоб-ахлоқи билан халқ ўртасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиши, адвокатлик шаънига доғ туширадиган, касбининг обрўсини тўкадиган, жамиятнинг унга нисбатан бўлган ҳурмати ва ишончига путур етказадиган хатти-ҳаракатларни содир этишдан ўзини сақлаши лозим.

Касб этикаси, авваламбор, адвокатларга ҳимояси остидаги шахслар билан адвокатлик сирини сақлаш орқали ишончли муносабатларни таъминлашга кўмаклашади;

– *Иккинчидан*, ҳимояси остидагилар билан яқин муносабатда бўлганлиги, бу касбнинг айнан юқори даражада эркин, мустақиллиги ва маълум даражада ёпиқлиги сабабли адвокатнинг ўзини ҳимоя қилади;

– *Учинчидан*, адвокатнинг суд, давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар билан, оммавий ахборот воситалари билан, касбдошлари ва адвокатлик уюшмалари билан муносабатларини тартибга солишга ёрдамлашади;

– *Тўртинчидан*, адвокатлик касбининг нуфузини унинг ахлоқий нормалари, тамойиллари ва қоидаларининг қатъийлиги, жиддийлиги, “юксаклиги” ва “ойдинлиги”ни, шунингдек уларга риоя қилиш бўйича назорат тизимини жамиятдошларига намоёиш қилиш ҳисобидан қўллаб-қувватлайди⁶⁰.

Ахлоқ тамойиллари адвокатга у ёки бу масалани, муаммоларни ҳал қилишда, ўзининг шахсий ёки ҳимояси остидаги шахснинг ҳаракат фаолиятини танлашда мўлжал вазифасини ўтайди. Бу мўлжалларнинг зарурлиги шу билан ифодаланадики, авваламбор барча ҳаётий воқеаларни олдиндан кўриб билиб бўлмайди, аммо шундай бўлса-да ҳар бир ҳолатда ва ҳар вақтда адвокат ўз олдига, ишонч билдирган, давлат, жамият, касбдошлари, касби олдига ўз нуқтайи назарини, амалга оширмакчи бўлган хатти-ҳаракатини ишончли асослаб бериши керак.

⁶⁰ Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста.Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С. 108.

Халқаро Юристар Ассоциацияси адвокатлари этикасининг бош тамойилларида адвокатларнинг касбий бурчлари қуйидагича келтирилган:

1. Адвокатлар ўзлари муносабатда бўлаётган кишилар билан ўзаро ишонч ва ҳамдардликнинг энг юқори даражасига эришиши керак;

2. Адвокатлар суд олдидаги мажбуриятларни, одил судлов талабларини ҳамда касбий этика талабларини бажариш асосида ўз мижозларининг манфаатларига энг муҳим нарса сифатида қарашлари лозим;

3. Адвокатлар касбий бурчини бажариш жараёнида олинган ҳар қандай мажбуриятларни улар амалга оширилмагунча ёки бекор бўлмагунча ҳурмат қилиши керак;

4. Адвокатлар, агар уларнинг ёки бошқа мижозларининг манфаатлари мижознинг манфаатлари билан қарама-қарши бўлса таклифни қабул қилмасликлари даркор;

5. Адвокатлар қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан бошқа ҳолатларда ўзининг олдинги ва ҳозирги мижозларининг сирларини сақлашлари лозим;

6. Адвокатлар ўз мижозларининг адвокатни эркин танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари лозим ва ҳ.к.⁶¹

Yodda tuting!

Advokatlik kasbi uchun kasb etikasi ahamiyatining yuksakligi shu bilan belgilanadiki, uning huquqiy asosi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida, ko‘pchilik asosiy tamoyillari O‘zbekiston Respublikasining «Advokatura to‘g‘risida»gi Qonunida belgilab qo‘yilgan.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади, деб белгилаб қўйилган. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонунининг 6-моддасида адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида тегишли масалаларни ҳал этишда ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини

⁶¹ Генеральные принципы этики адвокатов международной ассоциации юристов. //Российская юстиция, 1996, № 2

ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳаракатларни бажариш, 7-моддасида ўз касбий фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши, унга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун қонунда кўзда тутилган воситалар ва усуллардан фойдаланиш шартлиги белгилаб қўйилган.

Адвокатлик касби зиммасига қонун талабларига оғишмай амал қилиш, ўз обрўсини жамият олдида қўллаб-қувватлаш ва жамият олдидаги ижтимоий-ахлоқий жавобгарлигини келишилган шаклларда амалга оширишни муайян ахлоқий тамойилларга биноан ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайди. Қонун **адвокатлик фаолиятининг қўйидаги асосий тамойилларини** белгилаган:

- ✓ қонуннинг устунлиги;
- ✓ адвокатнинг мустақиллиги;
- ✓ касб этикасига, адвокатлик сири ва қасамёдига қатъий риоя этиш;
- ✓ қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва воситаларни қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси “**Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида**”ги Қонуни, 5-моддасига биноан, давлат ўз ўрнида тегишли масъулиятларни олади. Мисол учун, адвокатнинг мустақиллиги давлат томонидан унга ваколатлик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади.

– Давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан ҳамкорлик қилади, адвокатурани фуқаролар мурожаат этиш учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан белгиланган тартибда таъминлайди (мазкур қонуннинг 12-м.);

– адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади (мазкур қонуннинг 10-м.).

Мазкур қонуннинг 2-моддаси моҳиятига кўра адвокат зиммасига ўзини одобли-ахлоқли, ҳалол, оқилона тутиш ва ишонч билдирганнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонун ҳужжатларида ман қилинмаган барча усуллар ва воситалар билан ҳимоя қилиш, адвокатлар касб этика қоидаларига оғишмай риоя қилиш мажбуриятини юклайди.

Ахлоқ нуқтайи назаридан мазкур қонуннинг 3-моддаси адвокатни тегишли малака комиссиясининг мажлисида қўйидаги мазмунда қасамёд қилиш мажбуриятини юклайди: “*Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя*

этишга тантанали қасамёд қиламан”. Қасамёд матни ҳалоллик ва виждонлилик тамойилларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонунининг 14-моддасида адвокат адвокатлик шаъни ва кадр-қимматини туширувчи ёки адвокатуранинг обрўсига доғ туширувчи ҳаракатлар содир этганида ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Адвокатлар касб этика қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни, зарур билимга ва касб малакаларига эга бўлган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи литсензия бериш ва адвокатларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш учун махсус тузиладиган малака комиссияси олиб боради (мазкур қонуннинг 13-м.).

Ўзбекистон Республикасининг **“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”**ги Қонунда адвокат фаолиятининг мустақиллиги, манфаатлар тўқнашуви вазиятларида ўзини тутиш қоидалари белгилаб қўйилган. Мустақиллик тамойили асосийлардан ҳисобланади ва қонун адвокатга ўз адвокатлик фаолиятида мустақиллик тамойилига бирон-бир кузатувларсиз, давлатнинг ҳимоясида бўлишликни, шунингдек ўзи, оила аъзоларининг ҳавфсизлигини, мол-мулкининг ҳимоясини кафолатлайди. Мазкур қонуннинг 7-моддаси 1-бандида адвокат юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганида унинг фаолиятига оид қоидаларни ёл қўйиш мумкин бўлмаганлиги белгилаб қўйилган.

Ezgulik qilishdan cho‘chidiganlarni axloqiy go‘zal odamlar toifasiga qo‘shib bo‘lmaydi. Hamma yaxshi narsalarni yaxshi deb bilgan, boylik va amal ham buza olmaydigan odamlar eng oliyjanob insonlardir.

*Arastu (Aristotel)
(miloddan avvalgi 384-322 yillar)*

Ўзбекистон Республикасининг **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонунининг 9-моддасида адвокатлик сири тўғрисидаги муҳим тамойил берилган ва унда адвокатлик сири жумласига ишонч билдирувчи адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, у ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан олган маслаҳатлар, насихатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг у билан ўтказилган барча масалалар киришлиги қайд этилган. Қонун адвокат, адвокат ёрдамчиси, адвокатлар уюшмалари мансабдор шахслари ва техник ходимлари адвокат сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотлардан ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари ёлида фойдаланишини ман этади. Ушбу қонуннинг 10-моддасида белгиланганидек, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-

қиммати қонун билан қўриқланади ва унинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда аралашиш, у ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлиб қолган тавсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек унинг ўзи юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан учрашиш ҳуқуқи чекланмаган.

Ўзбекистон Республикаси “**Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида**”ги Қонунининг 4-моддасида адвокат ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган холи учрашиш ўтказиш ҳуқуқига эгаллиги айтилган.

Ўзбекистон Республикаси “**Адвокатура тўғрисида**”ги Қонунининг 7-моддаси манфаатлар тўқнашуви ҳолатида адвокатнинг хатти-ҳаракати тартибга солинган ва унга кўра адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаролик даъвогарнинг, фуқаролик жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган, шунингдек ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлмиш мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлган ва бу ҳол унга ўз ишини топширган шахснинг манфаатларига зид келадиган ҳолларда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Юқоридаги қонуннинг 7-моддасида жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмаслиги белгиланган бўлиб, *ЎзР ЖПК* 53-моддасида ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган, бу ўринда қонун адвокатнинг ижтимоий-ахлоқий масъулиятини белгилаб қўйганлигини кўриш мумкин. Адвокатнинг ижтимоий масъуллиги улар томонидан жиноят ишларида ҳимоячи тариқасида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд томонидан тайинланган ҳолларда амалга оширилади.

ЎзР ЖПК 50-моддасида ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлилиги, бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш

харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан тўланиши кўрсатилган.

Адвокат деярли ҳар куни мураккаб ахлоқий муаммолар билан тўқнаш келади ва уларни ҳал этиш учун ўз хатти-ҳаракатини қонун ва касб этикаси талабларига риоя қилган ҳолда уларга мослаштириб боради. Ҳуқуқий нормалар адвокатнинг аниқ хулқ-атвор қоидаларини белгиламайди. Адвокатларнинг аниқроқ хулқ-атвор қоидалари турли хил кодексларда, декларацияларда, халқаро ва Ўзбекистон адвокатлари уюшмалари томонидан қабул қилинган ҳужжатларда мавжуд.

Масалан, 170 мамлакат касб усталарини ўзида бирлаштирган Халқаро Юристар Ассотсиацияси 1995-йилда **адвокатлар этикасининг Бош тамойиллари**ни ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатнинг мақсади жаҳоннинг ҳар қандай мамлакатада адвокатдан кутиладиган умумқабул қилинган касбий стандартларни ўрнатишдан иборат.

1977-йилдан бошлаб Европа ҳамжамиятининг барча адвокатлари **адвокатлар учун қоидаларнинг Умумий кодекси** талабларини бажариши керак. Ўзбекистон Республикасида 12.09.2008-йилда “*Ўзбекистон Республикаси Адвокатлари касб этика қоидалари*” ишлаб чиқилди.

Ҳозирда муаммолардан бири ишонч билдирувчининг манфаатини ҳисобга олиш даражаси бўлиб қолмоқда. Адвокат ишонч билдирувчига унинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда юридик ёрдам кўрсатиши лозим. Лекин адвокатнинг меҳнатига ҳақ тўлаб қўйган ишонч билдирувчилар ундан ахлоққа зид ҳаракатларни бажаришни, яъни ўз номидан судьяга пора беришни ёки бўлмаса ёлғон гувоҳни судга чақиришни талаб қилишлари мумкин. Бундай талаблар нафақат ноахлоқий, балки ноқонуний бўлиб ҳам ҳисобланади ва шунинг учун ҳам адвокат ишонч билдирувчига бу қонун талабига зидлигини тушунтирган ҳолда рад қилиш лозим.

Шундай ҳоллар учраши мумкинки, ишонч билдирувчи адвокатдан суд жараёнида жавобгарни ёки бўлмаса ҳимоячини бадном қилишни, яъни обрўини тўкишни талаб қилиши мумкин. Қонун бундай ҳолатларни тўғридан тўғри тақиқламайди, шу сабабли адвокат бундай ҳолатларда касб этикасига, касбдошларига ва судга ҳурмат тамойилларига, шунингдек инсонпарварлик тамойилларига суяниб амал қилиши лозим.

Шундай ҳол юз бериши мумкинки, ишонч билдирувчи адвокатдан қайси бир сабабларга кўра маълумотларни яшириши мумкин. Бундай ҳолатда авваламбор муносабатнинг махсус усуллари билан бу маълумотларни ундан олишга ҳаракат қилиш керак, бўлмаса унга очиқчасига ўз ишончсизлигини билдириши лозим бўлади.

Яна бир муҳим ахлоқий муаммо борки, у ҳам бўлса, адвокатлар ўз касбий фаолиятларини амалга ошираётганларида ўзларининг мустақиллиги ва субъективлигини сақлаш муаммоси ҳисобланади.

Yodda tuting! Advokatda ham, har qanday insonda bo'lganiday, shaxsiy, masalan, boylikka erishish, mashhur bo'lish, yuksak shaxsiy amaliyotga ega bo'lish kabi orzu-istaklar bo'lishi mumkin. Ammo, *kasb etikasi normalari advokatdan shuni talab qiladiki*, u ishonch bildiruvchini himoya qilayotganda o'zining manfaatlari va xohishi ta'siriga tushib qolmasligi kerak.

Европа ҳамжамиятининг Адвокатлар коллегиялари ва юридик уюшмалар Кенгашининг Кодексида (1988, ССВЕ Соде), жумладан шундай дейилади, яъни адвокатга юклатилган мажбуриятларнинг кўпчилиги унинг бутунлай мустақил бўлишини, ҳар қандай бошқа таъсирдан холи бўлишини, энг муҳими унинг шахсий манфаати ёки ташқи босим натижасидаги таъсирдан холи бўлишини талаб қилади.

Адвокат ўз мустақиллигини хавф остига қўядиган ҳар қандай хавф-дан қочиши керак ва ишонч билдирувчининг, суднинг ёки учинчи шахсларнинг манфаатини деб ўзининг касб тамойилларидан (стандартларидан) воз кечмаслиги устидан ҳушёр кузатиб бориши керак.

Адвокатнинг мустақиллиги одил судловга бўлган ишончни ва ишонч билдирувчини тўғри ҳимоя қилинаётганини кафолатлаш учун зарур. Адвокат жисмонан, руҳан, моддий (яшаш учун етарли маблағга эга бўлиши), ақлан, ахлоқан мустақил бўлиши лозим ва бу кўрсаткичлар орқали адвокатнинг мустақиллиги намоён бўлади.

Адвокатларнинг мустақиллиги қуйидагиларда ифодаланади:

- ✓ адвокат ишонч билдирувчининг кўрсатмалари билан келишиши ёки бўлмаса бош тортиши мумкин;
- ✓ адвокат ҳар қандай ишда қатнашишдан ҳар қандай босқичдан бош тортиши мумкин;
- ✓ адвокат ўзи лозим деб ҳисоблаган нутқини тузиш ва судга важларини тақдим этиш ҳуқуқига эга;
- ✓ адвокат адвокат бўлмаган бошқа шахснинг бўйсунувида бўлиши мумкин эмас;
- ✓ адвокат икки ёки ундан ортиқ ишонч билдирувчиларнинг манфаат-лари юзасидан, агар уларнинг манфаатлари ўртасида карама-қаршилик бўлса, ҳаракат қила олмайди ва бундай тақик ҳар бир ишонч билдирувчининг манфаатларининг қонуний ҳимоя қилинишини кафолатлайди;
- ✓ адвокат юридик касбни даромадли иш деб қарамаслиги керак.

Адвокатлар хулқ-атворининг ҳар хил асосларининг қарама-қаршилиги билан боғлиқ ахлоқий муаммоларнинг келиб чиқмаслиги учун адвокат қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

1. Ишонч билдирганнинг манфаатларини ўзининг манфаатларидан юқори қўйиши;
2. Ҳуқуқий давлатга ҳурматни қўллаб-қувватлаши, судни ҳурмат қилиши;
3. Ўз ҳаётий даражасининг оқилона стандартларини бир маромда сақлаб туриш.

Яна бир ахлоқий талаб, адвокат келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг топшириқларини, унинг манфаатлари ўзи ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилган шартнома билан боғлиқ бўлган ҳимояси остидаги шахснинг манфаатларига қарама-қарши бўлганда, қабул қилиши мумкин эмас.

Манфаатлар қарама-қаршилиги қуйидаги мисолларда кўринади:

– адвокат аввал даъвогарга даъво аризасини тузишга ёрдам беради, кейин эса суд мажлисида жавобгарнинг томонида бўлиб қолади;

– адвокат никоҳни бекор қилиш ишлари бўйича олдин аёлига кейин эрига тушунтириш беради.

Адвокат ишонч билдирувчига муносабатлар тўқнашуви борлигини ва у нимада ифодаланишини тушунтиради, аммо охириги қарорни ишонч билдирувчи қабул қилади. Агарда ишонч билдирувчи ишни айнан шу адвокат олиб боришини хоҳлаган тақдирда адвокатнинг ўзи холис ва беғараз бўла оладими, ёқми ҳал қилиши лозим.

Адвокат *виждонлилик тамойилига* мувофиқ ўз касбий мажбуриятини:

1) ўз кучи ва ғайратини ҳамда маҳоратини юқори даражада сарфлаган ҳолда;

2) ўз вақтида ва мукамал;

3) оқилона ва юқори тезликда;

4) ишнинг бориши ҳақида ишонч билдирувчини кечиктирмасдан хабардор қилиб турган ҳолда бажариши лозим.

Advokatlik siriga rioya qilish advokatdan ishonch bildiruvchi haqidagi ma'lumotlarni, uning shaxsiy va ishbilarmonlik xususiyatlari, hayot tarzi, savdo-sotiq ishlari, hamkorlari haqidagi va boshqa ma'lumotlarni sir tutishni talab qiladi. Bularsiz ishonch bildiruvchi bilan ishonchli munosabat bo'lmaydi, shuning uchun ishonch bildiruvchiga samarali yordam ko'rsatish mumkin bo'lmaydi.

Адвокатлик сирини сақлаш, мустақиллик тамойилидек, бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий ва ҳам юридик ҳисобланади ва адвокатлик касбининг фаолият кўрсатиши унга риоя қилишликка боғлиқ бўлади.⁶²

Асосий тамойиллардан адвокатлик сирини сақлаш, мустақиллиги тамойилларига қатъий риоя қилишлик инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланишининг, одил судловнинг самарали амалга оширилишининг муҳим асосларидан ҳисобланади, мамлакатимизда амалга оширилаётган прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларга муносиб жавоб бўлади.⁶³



Назорат учун саволлар:

1. Адвокатлик фаолиятида касб этикасининг роли қандай?
2. Қандай ахлоқий тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлар тўғрисида”ги Қонунини тартибга солади?
3. Қандай ахлоқий тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлар фаолиятларининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” Қонунини тартибга солади?
4. Адвокатнинг фаолиятида асосий ахлоқий муаммоларнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Нима учун мустақиллик тамойили адвокатлик касбида асосийлардан ҳисобланади?
6. Адвокатлик сирини сақлаш тамойилининг талаблари нимадан иборат?
7. Адвокатлик фаолиятида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларининг моҳияти нимадан иборат?

⁶² Васильева Г.А.Профессиональная этика юриста.Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С. 113-114.

⁶³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Б.18.

2§ Ички ишлар ходимлари фаолиятининг ахлоқий

асослари

Ахлоқ тамойилларини бирон-бир шахс яратмаган, у муайян ижтимоий муносабатларга мувофиқ моддий ва маънавий ҳаёт жараёнида кишилар ижтимоий турмушининг, ахлоқий муносабатларининг талабларини бирмунча умумлашган ҳолда акс эттирадиган ахлоқий онг шакллари сифатида вужудга келган қонун-қоидалар ҳисобланади.

Шунга кўра, *умуминсоний ахлоқ тамойиллари* деб жамиятнинг онгида ишлаб чиқилган, инсоннинг маънавий моҳиятига, бурчига, ҳаётининг мазмунига ва кишилар ўртасидаги ўзаро талабларнинг табиатига тааллуқли бўлган умумий талабларни акс эттирадиган, инсонлар фаолиятининг умумий ёналишини кўрсатиб берадиган ва муайян хулқ-атвор нормаларига асос бўлиб хизмат қиладиган қонун-қоидаларга айтилади.

Umuminsoniy axloq tamoyillari axloq normalari orqali namoyon bo'ladi. Ushbu tamoyillarga quyidagilar kiradi:



Insonparvarlik

o'zaro yordam

ishonch

hamjihatlik

tinchliksevarlik

vatanparvarlik

adolatlilik

odamiylik

qonuniylik va h.k.lar

Шунга кўра ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи тамойиллари ҳам амалда ахлоқ нормалари орқали вожиб бўлади. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқининг асослари деб,

жамият, давлат, вазирлик томонидан ишлаб чиқилган, ички ишлар идоралари ходимларининг хулқи, феъл-атворларини тартибга солувчи, бажарилиши шарт бўлган ахлоқий-хуқуқий талаблар мажмуасига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг асослари умумийликдан хусусийликка ва ундан алоҳидаликка қараб амал қилган ҳолда ходимнинг ўз хулқий хатти-ҳаракатларини содир этишда нима қилиши лозимлигига эмас, балки унинг қандай бўлиши кераклигига қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлади. Худди шунингдек, ахлоқий нормалар жамиятнинг, давлатнинг, хизмат жамоаларининг ходимга муносабатини ифодалаб, унинг шахсига муайян баҳо беради. Шундай қилиб, ахлоқ нормалари бир вақтнинг ўзида талаб ва баҳо нормалари шаклини олади, яъни жамият, давлат, хизмат жамоалари ёмонлик келтирадиган хатти-ҳаракатларни улар орқали қоралайди ва яхшиликка эришишга қаратилган хатти-ҳаракатларни улар орқали маъқуллайди. Бу билан ахлоқ нормалари фақат ёмонлик учун тўсиқ эмас, балки айна пайтда ходимларни яхши ишларга чорловчи маънавий-ахлоқий омил бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқининг нормаларига қуйидагилар киради:

- 1) хушмуомалалик ва одоблилик;
- 2) оддий ва камтарлик;
- 3) ҳалоллик ва ростгўйлик;
- 4) очиқ кўнгиллик ва дангалчилик;
- 5) сахийлик ва мурувватлилик;
- 6) ўзаро ҳурмат;
- 7) дўстона муносабат;
- 8) самимийлик;
- 9) сиполик;
- 10) катталарни ҳурмат қилиш ва бошқалар.

Ахлоққа зид иллатлар,
биринчидан, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига тўсқинлик қилади;

иккинчидан, ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш ишларига халақит беради,

учинчидан, жиноятларнинг келиб чиқишини кучайтириб юборади. Шунинг учун ҳам ахлоққа зид иллатларга қарши курашиш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Умуминсоний ахлоққа зид бўлган ахлоқий ёмонликларнинг энг қабиҳ шаклларида бири жиноятдир. Унинг жамиятга зарари ва уни тугатиш ёллари ҳақида **И.А.Каримов** шундай деган эди: “*Демократик*

давлат ўз фуқароларига тинч яшаш ва меҳнат қилиши имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин, айни замонда, жиноятчиликка қариши кураш шунчаки вақтинчалик кампанияга айланиб кетмаслиги лозим. Бу иш давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлмоғи зарур. Жиноятнинг яширин ва энг қабиҳ тури бор. Бу – коррупция ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин.

Бюрократ кимса ҳадик ёки масъулиятсизлик туфайли жараённи секинлаштириб қўйса, порахўр кўпинча кўра-била туриб, ўз манфаатини ўйлаб давлат ва халқ манфаатларига зид қарорларни қабул қилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг порахўрлик, қонунни четлаб ўтиб чайқовчилик қилиши, энг аввало, тижорат аҳлининг ўзини обрўсизлантиради, аҳолининг қарғишига дучор этади. Шу сабабли, бозор муносабатларининг виждонли ва софдил тарафдорлари турли ўғри ва муттаҳамларга ўз ораларидан ўрин бермасликлари керак”⁶⁴.

Одамлар ўртасида маънавий-ахлоқий кадриятларни шакллантириш ишларини, яъни азалий удумлар – катгани ҳурмат, кичикни иззат қилиш, аёлларга олийжаноб муносабатда бўлиш, ҳар куни саломлашиш, меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, камтарлик кабиларнинг ҳаётда қўлланилишини назорат қилиш асосида мунтазам равишда иш олиб бориш. Бу тадбирларни амалга оширишда ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни беқиёсдир. Чунки у ахлоқ ва ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида бу ишларни амалга оширишга масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1993-йил 30-декабрда чиқарган ва “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси”ни эълон қилган 446-буйруғида шундай дейилади: “Ички ишлар идоралари ходими фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлиши, уларнинг иш билан боғлиқ чигал саволларига ва бошқа ҳолатлар бўйича мурожаатларига тўғри ва аниқ жавоб бериши, арз ва шикоятларини имкони борича қонуний ҳал қилиши лозим. Жойлардаги аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ўз хизмат вазифасини бажариши эвазига ҳадя ва тортиқлардан воз кечади”⁶⁵.

Ички ишлар идоралари ходимларининг махсус кийим-кечагини кийганда ва уни кийиш билан боғлиқ ҳолда қуйидагиларни қилиш қатъиян ман этилади:

- қимор ўйнаш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;
- тўй-ҳашамларга, ресторанларга бориш, у ерда рақсга тушиш;

⁶⁴ Қаримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т 2. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 222.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси. - Т.: ИИВ, 1993. – Б. 5.

- фуқароча кийимлар билан аралаштириб кийиш;
- мавсумга мос бўлмаган кийимларни кийиш, уларни ифлос ҳолда сақ-лаш;
- давлат белгиларини ва бошқа фарқловчи белгиларни нотўғри тақиш, уларга нисбатан ҳурматсизлик қилиш;
- кийимларни ўзгаларга бериш, бош кийимсиз юриш, ифлос оёқ кийимида, айниқса, таъмирланмаган, мойланмаган поябзалда аҳоли олди-да, иш жойида пайдо бўлиш;
- чўнтакларни ҳар хил нарсалар билан тўлдириш ёки қўлни чўнтакка тиқиб юриш;
- формадан ўз хизмат ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланиш ва кийим кийиш қоидаларига зид бўлган бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш.⁶⁶

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни қайд этиш мумкинки, ички ишлар идоралари ходимларининг ташқи кўриниши, биринчидан, унинг ички маданияти, яъни тиришқоқлиги, хизматга шайлиги, интизомлилиги, ўз касби ва атрофдагиларга муносабатини билдирувчи; иккинчидан, фуқаролар ва ўз ҳамкасбларининг ишончига сазовар қилувчи; учинчидан, инсонга эстетик завқ берувчи; тўртинчидан, атрофдагиларга ахлоқий-руҳий таъсир ўтказиш тарбияловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 35-моддасига асосан, *“жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар”*.

Терговчи тергов ишларини *уч асосий қоидага* риоя этган ҳолда амалга ошириши керак:

- протсессуал нормаларга, яъни тергов ишларини қайси мазмунда, қайси шаклда ва қайси тартибда олиб боришни белгилаб берадиган қонун ҳужжатларига таяниш;
- криминалистик тактикага, яъни жиноятни тезроқ ва самаралироқ очиш учун зарур методлардан унумли фойдаланишга асосланиш;
- ахлоқ нормаларига суяниш.

Бунда протсессуал қонунлар - терговчи ишининг мазмуни ва шаклини; криминалистик тактика - тергов методикасини; этика эса унинг ахлоқий асосларини белгилаб беради.

Терговчи юқорида кўрсатилган қоидалар асосида иш кўриш жараёнида, ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариши

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси. –Т.: ИИВ, 1993. – Б.5-6.

учун бир катор шахсий, қолаверса, касбий ҳислатларга эга бўлиши керак. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Терговчи интеллектуал ақлга эга бўлиши, яъни барча билимлардан, воқеалардан, касб-ҳунарлардан хабардор бўлиши лозим. Аниқроғи, у ҳар қандай мутахассис билан суҳбатлаша олиш қобилиятига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир;

2. Терговчи ўз касбининг устаси бўлиши, яъни ҳамма норматив ҳужжатларни яхши билиши, криминалистик тактикани юқори даражада эгаллаган бўлиши, ниҳоятда синчков ва нотик бўлиши зарур.

3. Терговчи руҳшунос бўлиши, яъни одамларнинг кайфиятини тез илғаб олиши, ўзининг муомаласи, хатти-ҳаракатлари билан одамларнинг кўнглига ё‘л топа олиши керак.

4. Терговчи ахлоқан пок, маънавий жиҳатдан гўзал бўлиши керак. У ахлоқ, одамларни тарбиялаш воситаси эканлигини, гўзаллик эса дунёни, одамларни жаҳолатдан қутқарувчи куч эканлигини ҳеч вақт унутмаслиги керак.

5. Тергов ҳаракатларининг ахлоқий ва ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида қуйидагича баён этилган: “ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”.

Сўроқ қилиш жараёнида терговчидан қуйидаги ахлоқий қоидаларга риоя этиш талаб этилади:

а) гувоҳни кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида огоҳлантириш;

б) айбланувчига ҳар бир далилни, шунингдек, эксперт ҳулосасининг аҳамиятини холисона тушунтириш;

в) гумон қилинувчи ва айбланувчига чин кўнгилдан айбига иқроп бўлиш айбни юмшатувчи ҳолат эканлигини батафсил тушунтириш;

г) сўроқ қилинувчининг маънавий-ахлоқий ва диний эътиқодларини ҳурматлаш;

д) сўроқ қилиш вақтини оқилона чеклаш;

е) дастлабки тергов натижаларини ошкор қилмаслик, шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ҳеч кимга билдирмаслик, яъни уларнинг махфийлигини сақлаш;

ж) илтимосномаларни қабул қилгандан сўнг ўз ваколатларини масъулият билан амалга ошириш;

з) ўзга шахсларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва кишилар билан мулоқотда одоб қоидаларига риоя этиш.

Ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилиши деб уларнинг қонун ҳужжатлари, низом ва буйруқларда белгилаб қўйилган ахлоқий нормалар, профессионал бурч ва вазифаларни бажаришда ўзларининг шахсий манфаатларини жамият, давлат, халқ, манфаатларидан устун қўйиб суиистеъмол қилишлари, пора олиш, калондимоғлик, тамагирлик, қўполлик қилиш, жиноятни ҳисобдан яшириш каби қонунга хилоф хатти-ҳаракатларининг мажмуиёга айтилади.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий онгида, хатти-ҳаракатларида юзага келган бузилишлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- тошбағирлик, одамларга юзаки муносабатда бўлиш, ғамхўрлик ва раҳм-шафқатнинг ёқлиги;
- субутсизлик;
- фирромлик, тамагирлик, виждонсизлик, шахсга бефарқлик, касбига совуққонлик билан қараш;
- ахлоқ тамойиллари (инсонпарварлик, жамоатчилик, ватанпарварлик) ва нормаларини (бурч, виждон, масъулият, шаън ва кадр-қимматлар) онгли равишда, била туриб атайин бузиш;
- касбий билимларининг паст даражада эканлиги;
- одамларга мунтазам равишда шубҳа билан қараш, ўч олиш пайида бўлиш, захрини сочиш;
- ўзига берилган ваколатлардан мутлақо нотўғри фойдаланиш, уни суиистеъмол қилиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг “*Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида*”ги Қонунининг 5-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий тамойиллари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, конспиратсиядан, ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлигидан иборатлиги белгиланган.

Қонуннинг 10-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида тезкор-қидирув фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг органлари амалга оширади.

Қонуннинг 13-моддасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар фаолиятининг ахлоқий асослари берилган бўлиб, улар ўз ваколатлари доирасида:

- ✓ инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ҳимоя қилиш, шунингдек

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриши;

- ✓ жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фoш этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши;
- ✓ фуқароларнинг шахсий ҳаётига тегишли, шаъни ва қадр-қимматида дахлдор маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслиги;
- ✓ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаши;
- ✓ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаши;
- ✓ ўз ходимларининг ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек улар оила аъзоларининг хавфсизлигини, уларнинг мол-мулкини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаши мажбуриятлари белгиланган.⁶⁷



Назорат учун саволлар:

1. Умуминсоний ахлоқ тамойилларини айтиб беринг.
2. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқининг асосларини гапириб беринг.
3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси ҳақида гапиринг.
4. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқининг нормаларини сўзлаб беринг.
5. Ички ишлар идоралари ходимларининг махсус кийим-кечагини кийганда ва уни кийиш билан боғлиқ ҳолда қандай ҳаракатларни содир этиш қатъиян ман этилади?
6. Терговчи тергов ишларини қайси уч асосий қоидага риоя этган ҳолда амалга ошириши керак?

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

7. Терговчи иш кўриш жараёнида, ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун қандай шахсий, қолаверса, касбий хислатларга эга бўлиши керак?
8. Сўроқ қилиш жараёнида терговчидан қандай ахлоқий қоидаларга риоя этиш талаб этилади?
9. Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий онгида, хатти-ҳаракатларида юзага келган бузилишлар қандай шаклларда намоён бўлади?
10. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг қайси асосий тамойиллари белгиланган?

3§ Прокуратура органлари ходими фаолиятининг ахлоқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2013-йил 30-декабрдаги 104-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасалари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларининг *Касб одобномаси* бешта бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлимида ушбу касб одобномаси – ходимларни мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, инсон ва унинг шаънини фақат қонунга риоя этган ҳолда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда ахлоқ-одоб нормалари асосида фаолият кўрсатишини белгилайдиган қоидалардан иборатлиги ва унга оғишмай риоя қилиш шартлиги белгиланган.

Иккинчи бўлимида прокуратура органлари ходимларининг касбий бурчи деб:

- мамлакатимиз шаънини эъзозлаш, она-Ватан билан ғурурланиш, олиб борилаётган давлат сиёсатига содиқ бўлиш;

- Ўзбекистон халқининг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш;

- Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси, қонунлар, Республика Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Бош прокурорнинг раҳбарий буйруқлари талабларини масъулият билан ҳалол ва виждонан бажариш;

- ҳар қандай қонун бузилишига қарши қатъиятлилиқ билан муросасиз курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳолисона ҳимоя қилиш;

- иш фаолияти давомида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек прокуратура органларида ўрнатилган ички меҳнат тартиб-қоидаларига қатъий амал қилишда шахсан ўзи намуна бўлган ҳолда мансабдор шахслар ва фуқароларда ҳурмат ҳиссини шакллантиришда иштирок этиш;

- ваколатларини қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида қатъий равишда қўллаш, юклатилган вазифани бажаришда расмиятчилик ва кўзбоямачилик ҳолларига йўл қўймаслик;

- прокуратура органлари ходимларининг қасамёдига содиқ бўлиш ҳамда унга амал қилиш;

- ҳолис, одил ва мустақил бўлиш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан, коррупциялашган жиноий кўринишларга нисбатан муросасиз бўлиш;

- юриш-туришда бошқаларга ижобий томондан ўрнатилган бўлиш, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиш;

- фуқароларга ва ўз ҳамкасбларига хушмуомалада бўлиш, уларнинг кадр-қимматини ва ҳурматини сақлаш;

- умумийтироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- шахснинг шаъни, кадр-қимматини, ижтимоий келиб чиқишини, мансаби, жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, иқтисодий аҳволини камситувчи ҳаракатларни содир этмаслик ва бундай ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлиш;

- хизмат вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва малакага эга бўлиш, касб маҳоратининг юқори даражасига эришиш, иш вақтини самарали сарфлаш;

- ишониб топширилган хизмат хоналари, давлат мулкани авайлаб-асраш ва улардан фойдаланишда тежамкорлик кўрсатиш ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Учинчи бўлимида прокуратура органлари ходимларига қўйиладиган талаблар белгиланган бўлиб, унга кўра прокуратура органлари ходими хизмат вазифаларини бажариши жараёнида ва хизматдан ташқари ҳолатларда қуйидагиларга қатъий риоя қилиши талаб қилинади:

- Ўз ҳаракатлари билан давлат ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлаши, Ўзбекистон Республикасининг шаънига доғ туширувчи ҳар қандай ҳаракатдан ўзини тийиши;

- прокуратура ва бошқа давлат органларининг нормал фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай қонунсиз ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлиши;

- ўз фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда ҳимоясини таъминлаш прокуратура органларининг устувор вазифалари эканлигидан келиб чиқиши;

- юклатилган вазифани бажаришда расмиётчилик ва кўзбўямачилик ҳолларига йўл қўймаслиги, фақатгина қонуний далиллар, қонун ҳужжатлари асосида қарорлар қабул қилиши;

- юқори турувчи прокурорнинг қонунга асосланган ва ваколат доирасида берилган буйруқ ва фармойишлари, қарор ва кўрсатмаларини бажариши;

- иш фаолиятига прокуратура органларига алоқаси бўлмаган шахсларни жалб қилмаслиги, давлат ва хизмат сирлари ҳамда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолатда маълум бўлган ҳар қандай маълумотларни сир сақлаши, уларнинг ноқонуний ошкор этилишига

ёки ғараз ва бошқа ноқонуний мақсадларда ишлатилишига йўл қўймаслиги;

- иш юритувидаги жиноят ишлари, текшириш ва бошқа хужжатлар бўйича уларнинг тақдири ҳақидаги маълумотларни ошкор этмаслиги;

- бошқа ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришларига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши;

- ҳар қандай ҳолатда прокуратура ходимининг шаънини эъзозлаши, ходимларга, уларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотларни тарқатмаслиги;

- ўзига ёки бошқа ходимга жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундаб мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида зудлик билан бевосита раҳбарига ёзма равишда маълум қилиши;

- оммавий ахборот воситалари томонидан фаолияти ноҳолис ёритилган ҳолларда ўз фаолиятида холислиги, мустақиллиги, беғаразлигини сақлаши, оммавий ахборот воситалари билан ҳар қандай қарама-қаршиликдан ўзини тийган ҳолда қонун хужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши;

- фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда адолатлилик, сезгирлик, эътиборлилик ҳамда холисликни намоён этиши, бу борада сансоларликка йўл қўймаслиги;

- хизмат кийимини кийиш тартибига қатъий риоя қилиши;

- хизмат гувоҳномасини сақлаши, хизмат ваколатларидан шахсий ёки ғаразли мақсадларда, шунингдек, бирор-бир жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ноқонуний манфаатлари учун фойдаланмаслиги;

- прокуратура органларида хизмат билан боғлиқ қонунда белгиланган чеклашларни ўз зиммасига олиши ва уларга амал қилиши;

- хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига ҳар қандай моддий қимматликлар олиниши ёхуд мулкрий наф кўрилишига йўл қўймаслиги;

- самимий ва камтар бўлиши, дабдабабозлик ва шуҳратпарастликка, шунингдек, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслиги;

- оила аъзоларининг прокуратура ходими сифатидаги фаолиятига ҳар қандай кўринишда таъсир ўтказишларига йўл қўймаслиги;

- илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши ҳамда ушбу фаолиятни прокуратура органларининг манфаатларига зарар етказмаган ҳолда амалга ошириши ва ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланмаслиги;

- ҳар қандай тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаслиги;

- тижорат ташкилотини бошқаришда иштирок этмаслиги;

- ҳар қандай ташкилот фойдасига маблағлар йиғишда катнашмаслиги, бирон-бир шахсни маблағлар йиғишда иштирок этишга даъват қилмаслиги;

- прокуратура ходими номига доғ тушириши мумкин бўлган ноқонуний шахсий ва мулкӣ муносабатларга киришмаслиги;

- қимор ва қонунга хилоф ташкил қилинган таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда равишда иштирок этмаслиги;

- шахсий манфаатдорлиги хизмат вазифаларини холисона бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида бевосита раҳбарига зудлик билан ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Тўртинчи бўлимида прокуратура органларининг раҳбар ходимлари куйидагиларга мажбурлиги, яъни:

- бойсунувидаги ходимни ноқонуний қарорлар қабул қилиш ва ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга мажбур этмаслик;

- бойсунувидаги ходимларнинг иш ҳажми ва меҳнат тақсимотини улар эгаллаб турган лавозимидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгилаш, уларга хизмат вазифаларидан ташқарига чиқувчи топшириқларни бермаслик;

- ходимларга раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш ва лавозимини кўтариш) ёки ноҳўя ишларга бепарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид ҳаракатларга эътибор бермаслик), шунингдек, интизомий жазо қўллаш борасида ўзига берилган ваколат доирасидан четга чиқиш ёки лозим бўлган ҳолларда жазо қўлламамаслик ҳолатларига йўл қўймаслик;

- ходимлар билан орттирилган билим ва амалий тажрибани баҳам кўриш, уларни қонунларга сўзсиз риоя қилиш руҳида тарбиялаш; кадрларни танлаш ва тайинлашда маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик ва бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик;

- бойсунувидаги ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш чораларини кўриш; прокуратура органлари тизимида коррупсияга қарши курашишда яқиндан ёрдам бераётган ходимларни турли таъйиқлардан ҳимоялаш ва уларни рағбатлантириш;

- ишга бўлган муносабат ва шахсий хислатлар билан жамоада соғлом ва аҳил маънавий муҳитни шакллантириш чораларини кўриш;

- бўйсунувидаги ходимлар томонидан касб одобномасига риоя қилинишини таъминлаб, айбдор ходимларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни кўриб бориш.

Hukumat rahbarida quyidagi 12 ta tugʻma sifatlar jam boʻlmogʻi joiz:
xushbichimlik, fahm-farosatlilik, oʻtkir xotira, idroklilik, soʻzga chechanlik,
ilmgacha chanqoqlik, har bir ishda meʼyorni saqlay bilish, halollikka muhabbat
va yolgʻonga nafrat, oliyjanoblik, boylikka nafrat, adolatparvarlik, qatʻiylik.

Forobiy

(Abu Nasr Muhammad ibn Tarxon ibn

Oʻzlugʻ al Forobiy at-Turkiy)

(870-950)

Касб одобноманинг *бешинчи бўлимида* прокуратура органлари ходимининг касб одобномаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги белгиланган бўлиб, унга биноан прокуратура органлари ходими содир этган номуносиб, ножўя хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги учун шахсан жавобгардир. Прокуратура органлари ходимининг касб одобномаси қоидаларини бузишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади ва қонунчиликда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.



Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимининг касб одобномаси қандай қоидалардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходими қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай риоя қилган ҳолда ўз фаолиятларини амалга оширадилар?
3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимининг касб одобномасида прокуратура органлари ходимларининг касбий бурчлари деб қандай қоидалар белгиланган?
4. Мазкур касб одобномасида прокуратура органлари ходимларига қандай талаблар белгиланган?
5. Прокуратура органлари ходимининг касб одобномаси қоидаларини бузганлик учун қандай жавобгарликлар белгилаб қўйилган?

4§ Адлия органлари ва муассасалари ходимлари фаолиятининг ахлоқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2008-йил 22-октябрдаги 84-сонли буйруғи билан *Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси қоидалари* қабул қилинган бўлиб, унга биноан Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси қоидалари (бундан буён матнда - Касб этикаси қоидалари деб юритилади) ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилган ҳолда, адлия органлари ва муассасаларининг олдига қўйилган вазифаларни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширишга ёналтирилган қоидалардан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, Юристар малакасини ошириш маркази, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази, Тошкент давлат юридик институти (ҳозирда университети), Тошкент юридик коллежи мансабдор шахслари ва ходимларига (бундан буён матнда - тегишлича адлия органлари ва адлия органлари ходимлари деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

Адлия органлари ходимлари қонун иродкорлиги ва ҳуқуқни қоғлаш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини ҳамда О‘збекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан мушакмланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини та’минлашга, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Касб этикаси қоидаларига амал қилиш мажбурияти ходим адлия органларига ишга қабул қилинган кундан эътиборан, у билан тузиладиган меҳнат шартномаси ҳамда корхонада ўрнатилладиган ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш мажбуриятидан келиб чиқади.

Касб этикаси қоидалари Адлия органлари ходимларининг касбий бурчлари белгиланган бўлиб, унга биноан Адлия органлари ходимларининг касбий бурчларига қуйидагилар киради:

- ✓ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Адлия вазирлиги Ҳайъати қарорларига, буйруқлари ва кўрсатмаларига ҳамда мазкур Касб этикаси қоидаларига амал қилиш;

- ✓ юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиб, юриш-туриш, кийиниш ва муомалада бошқаларга ижобий томондан ўрناق бўлиш;
- ✓ қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган ҳар қандай вазифаларни амалга оширишда қонунийлик, ҳалоллик, холислик, одиллик, мустақиллик ва масъулиятни ҳис қилишга таянган ҳолда муросасиз бўлиш;
- ✓ адлия органларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида берилган ваколатларни қонун ҳужжатлари доирасида қатъий равишда амалга ошириш, сансалорлик ва кўзбўямачилик ҳолатларига ёл қўймаслик;
- ✓ ўз ҳамкасблари ва фуқароларга хушмуомалада бўлиш, уларнинг кадр-қимматини ва ҳурматини сақлаш;
- ✓ ишониб топширилган хизмат хоналари, давлат мулкани асраб-авайлаб, моддий-техника жиҳозлари ва материалларидан тежаб оқилона фойдаланиш;
- ✓ умумеътироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, миллий урф-одатлар, қадриятлар ва халқ анъаналарини ҳурмат қилиш;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси шаънини эъзозлаш, мамлакатимиз эришган ютуқларини ҳурмат қилиш, уларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясида мустаҳкамланган тамойилларга ва конститутсиявий тузумга содиқ бўлиш.

Ушбу касб этикаси қоидаларида Адлия органлари ходимларига кўйиладиган талабларга кўра Адлия органлари ходимлари қуйидагиларга амал қилиши шарт:

– ўз фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларига риоя қилган ҳолда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш – адлия органларининг энг муҳим вазифаларидан эканлигини ҳис қилиш;

– хизмат вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва малакага эга бўлиш ҳамда касб-маҳоратини доимий равишда ошириб бориш;

– хизмат вазифаларини ҳалол, виждонан ва масъулият билан бажариш ҳамда қонунда белгиланган чеклашларни ўз зиммасига олиш ва уларга амал қилиш;

– фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда холислик, масъулият, синчковлик билан бир қаторда талабчанлик, омилкорлик ва жонкуярлик каби хислат ва фазилатларни намоён этиш;

– юқори турувчи адлия органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга асосланган ва ваколат доирасида берилган буйруқ ва фармойишларини, талаб ва кўрсатмаларини сўзсиз бажариш;

– иш жойи ва вақтидан ташқарида хизмат масалаларини муҳокама қил-маслик;

– хизмат вазифаларини амалга ошириши жараёнида қонун талабларига зид бўлган ташқи таъсирларга берилмаслик;

– хизмат ваколатларидан шахсий ёки ғаразли мақсадларда, шунинг-дек, бошқа шахсларнинг ноқонуний манфаатлари учун фойдаланмаслик;

– бўйсунувдаги идоралар ва ходимларни ноқонуний қарорлар қабул қилиш ва ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишга мажбур этмаслик;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида тўпланган маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик, улардан иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланмаслик;

– адлия органларини обрўсизлантириш, уларнинг мақоми ва нуфузига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш;

– шахсий манфаатдорлиги хизмат вазифаларини холисона бажаришига тўсқинлик қилиши ёхуд таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида ўз раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

– хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида у ёки бу ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги учун пул, моддий қимматликлар, қимматбаҳо буюмлар ва хизматлар кўринишида ҳақ олмаслик;

– адлия органларининг бошқа ходимларига ҳамда ишга янги қабул қилинган ходимларга зарур амалий ва услубий ёрдам бериш.

Мазкур касб этикаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга биноан Адлия органлари ходимлари содир этган номуносиб, ножўя хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун шахсан жавобгардирлар ва ушбу қоидаларга амал қилмаслик қонунда белгиланган тартибда интизомий жавобгарликни келтириб чиқаради.



Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси қандай қоидалардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай риоя қилган ҳолда ўз фаолиятларини амалга оширадилар?
3. Касб этикаси қоидаларида Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касбий бурчлари деб қандай қоидалар белгиланган?
4. Мазкур касб этикаси қоидаларида адлия органлари ва муассасалари ходимларига қандай талаблар белгиланган?
5. Мазкур касб этикаси қоидаларини бузганлик учун қандай жавобгарликлар белгилаб қўйилган?

5§ Нотариус фаолиятининг ахлоқий асослари

Нотариат давлат ҳуқуқий тизимининг устунларидан бири ҳисобланади. У зиммасига низоли бўлмаган факт-ҳолатларни тасдиқлаш, ҳужжатларни тасдиқлаш, ҳужжатларга ижро кучини бериш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш вазифалари юклатилган давлат органлари ва мансабдор шахслари тизимини ўзида намоён қилади ва фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг усули бўлиб нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларнинг давлат томонидан амалга оширилиши ҳисобланади.

Нотариуслар қуйидаги турдаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- битимларни, васиятномаларни тасдиқлайди;
- эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб кўяди ва тақиқни бекор қилади;
- меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- мерос мол-мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- фуқоранинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- фуқоранинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- фуқоранинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;
- пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
- ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
- пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
- ижро хатларини ёзади;

- векселларнинг протестларини амалга оширади;
- денгиз протестларини амалга оширади;
- нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради ва қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида нотариал фаолият Ўзбекистон Республикаси 1996-йил 26-декабрда қабул қилинган “*Нотариат тўғрисида*”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига биноан нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш ёли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этадиган ҳуқуқий институтдир.

Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллари амалга оширади.

Қонун нотариал фаолиятнинг мустақиллигини кафолатлайди, Қонунининг 5-моддасига биноан нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади. Шунинг билан бирга қонун нотариуснинг ўзи хизмат фаолиятини амалга ошираётганда мустақил ва беғараз бўлишини талаб қилади. Манфаатлар тўқнашувининг бўлмаслиги ёки бўлишининг олдини олиш мақсадида қонун томонидан нотариус фаолиятига маълум чекловлар қўйилган, яъни нотариус, нотариус ёрдамчиси ва стажори:

- илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари, тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга;
- шартномалар тузишда воситачилик хизмати кўрсатишга ҳақли эмас.

Нотариуслар қонунийлик тамойилига риоя қилишлари, яъни ўз фаолиятларида Ўзбекистон қонунларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилишлари керак. Қонун нотариусга қонунга зид бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад қилиш вазифасини юклайди.

Нотариуслар ўз фаолиятларида махфийликка риоя қилишлари ҳам талаб қилинади, яъни қонун нотариусларга ва нотариат идорасида ишловчи ходимларга нотариал ҳаракатлар амалга оширилганлиги натижасида ўзларига маълум бўлган ҳужжатларни ошкор қилиш ва маълумотларни тарқатишни тақиқлайди. Нотариуслар ва нотариат идорасида ишловчи ходимлар махфийлик тамойилига ваколатлари

тугаган ёки бўшатишган ҳолларда ҳам, қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, риоя қилишлари лозим.

Нотариус ўз касбий фаолиятларини амалга ошириш учун шахсан жавобгардир. Қонуннинг 3-моддасига кўра қуйидаги мазмунда қасамёд қилади: *“Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишига тантанали қасамёд қиламан”*. Бизнингча, бу қасамёдга “касбий сирни сақлашга” деган сўзлар қўшилса мақбул бўлар эди.

Нотариус жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқларининг амалга оширилишига ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига кўмаклашиши, яъни у фуқароларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида огоҳлантириши лозим ва бу фуқароларнинг юридик бохабар бўлмаганлиги уларнинг зиёнига ишлашининг олдини олади.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларни қабул қилишга, нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилганнинг шахсини аниқлашда, битимларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомалага лаёқатлилиги ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатлилигини текширишга, меросни белгилаш билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширишда меросхўрларни мерос очилганлиги ҳақида хабардор қилиш, мерос мол-мулкни рўйхатга олиш ва уни сақлаш учун топшириш ва бошқаларга виждонан ёндашиши керак.⁶⁸

Қонуннинг 13-моддасига биноан нотариусларнинг ўз касбий мажбуриятларини бажариши устидан назоратни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010-йил 30-мартдаги 64-сонли буйруғи билан тасдиқланган *“Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”*ги Ё‘риқнома, Ўзбекистон Республикасининг *“Нотариат тўғрисида”*ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 23-августдаги 1602-сон *“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарорига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ушбу Ё‘риқноманинг 4-бандида фуқаро жисмоний нуқсонли, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза

⁶⁸ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С.118.

ёки бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганида, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топшириғига кўра имзолаган фуқаро, ҳужжатни таржима қилиб берган таржимон (сурдо таржимон) ва бошқалар ҳам ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши тақиқланади, деб белгилаб қўйилган.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши, амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан мумкинлиги ҳам Ё‘риқномада қайд этилган.

“Нотариат тўғрисида”ги Қонун ва Ё‘риқномадан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, нотариус қуйидагиларни амалга ошириши, яъни:

– жамиятда нотариал ҳаракатнинг холис ва беғаразлигига ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

– ўзининг ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари учун, жамиятда нотариуснинг беғаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширишга, нотариус касбининг шаъни, кадр-қимматига зиён етказадиган ҳаракатларга ё‘л қўймаслиги лозим⁶⁹.

Ё‘риқноманинг 16-моддасига биноан, нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини (ери) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (ерининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан, шунингдек мазкур давлат нотариал идорасининг ходимлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатлар бошқа давлат нотариал идорасида амалга оширилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал ҳаракатлар муайян давлат нотариал идорасида бажарилиши керак бўлган ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан белгиланади.

Қонун ва Ё‘риқнома талабларидан келиб чиқиб,

– нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишилар билан муносабатда ҳурматсизликка, қўполликка, ўзини тутолмасликка, сўзлаш-увида, кийинишда, хулқ-атворда касбий ва шахсий маданиятсизликка ё‘л қўймаслиги керак, инсонларнинг шахси ва истакларига эътиборсиз бўлмаслиги лозим;

⁶⁹ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С.118.

– нотариус ўзининг касбий ва шахсий муносабат доирасида чидамлилиқ, ҳурмат ва одобрилиқни намоён қилиши, ҳар қандай шароитда сабрли бўлишга ва шахсий қадр-қиммати қишлоқни сақлашга ҳаракат қилиши керак;

– нотариус касбдошлари билан муносабатини ўзаро ҳурмат, ишонч тамойиллари асосида қуриши, нотариал идорада яхши ахлоқий-психологик муҳитни ушлаб туриши керак;

– нотариус ишда ёмон одатларнинг, энг муҳими инсоннинг қадр-қиммати туширадиган ва атрофдагилар томонидан ёмон қабул қилинадиган хатти-ҳаракатларнинг юз беришидан сақланиши керак.⁷⁰

Қонуннинг 19-моддасида нотариуснинг жавобгарлиги белгиланган, унга кўра нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги оқибатида етказган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат томонидан белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида Низом.

Ёриқнома талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши кўрастилган.



Назорат учун саволлар:

1. Нотариус фаолиятида ахлоқий муаммоларнинг асосий манбайини нима ташкил этади?
2. Нотариус фаолиятида адолат тамойилининг мазмуни қандай?
3. Нотариус фаолиятида махфийликни қандай тушунасиз?
4. Нотариус касби учун шахсан жавобгарлик тамойилининг муҳимлиги нимадан иборат?
5. Холислиқ тамойили мазмунига нималар киради?
6. Қонунчилик ва Ёриқнома нима учун нотариусдан ўз фаолиятида мустақиллик тамойилига риоя қилишни талаб қилади?

⁷⁰ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. - Челябинск, 2005. – С.120.

7. Нима учун Ё‘риқнома нотариуснинг шахсий ҳаётини тартибга солади?
8. Нотариус қайси ҳаракатлар қодалар ёрдамида мижозларга бўлган ҳурматини намоён қилади?
9. Нотариуснинг ҳалол ва виждонлилиги нималарда ифодаланади?
10. Нима учун нотариусга тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга, шартномалар тузишда воситачилик хизмати кўрсатишга рухсат берилмайди.

6§ Юридик хизмат ходимлари фаолиятининг ахлоқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 24-августда 182-сон қарори билан “*Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида*”ги Низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда “корхона” деб аталади) юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Korxonaning yuridik xizmati – korxonada faoliyatini huquqiy ta’minlash maqsadida tashkil etiladigan yoki joriy qilinadigan mustaqil tarkibiy bo‘linma yoxud lavozim. Yuridik xizmat bevosita korxonaning rahbariga bo‘ysunadi.

Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсултдан иборат бўлиши мумкин.

Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Корxonaning yuridik xizmati ходими лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

Unutmang! *Yuridik xizmat boshlig‘i lavozimiga oliy yuridik ma’lumotga va yuridik xizmat xodimining kamida ikki yillik mehnat stajiga ega bo‘lgan shaxs tayinlanadi.*

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими лавозимида ишлаши мумкин эмас.

Қуйидагилар корхона юридик хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

– корхона ва унинг таркибий бўлинмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашда қатнашиш;

– корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қатнашиш;

– корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

– корхонада шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома – даъво ишларини юритишда қатнашиш;

– судларда ва бошқа идораларда корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

Корхонанинг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

1) қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

– корхона раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлари бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳага юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

– корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

– корхонада меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

– корхонанинг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

– корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашади;

– корхона ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга корхона фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда кўмаклашади, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради;

2) *мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш соҳаси-да:*

– мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

– бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонада мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

– моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;

3) *шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳаси-да:*

– бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг шартно-маларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, шартномалар лойиҳаларига, агар эътирозлари ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томони-дан корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

– қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

– шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади, корхона томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритади;

– корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва корхонага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, корхонада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

– тегишли бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганайди, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

– шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб боради;

– корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади;

4) бошқа соҳаларда:

– таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрса-тади, юридик хизмат фаолиятининг турли ёналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди, ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига таклифлар киритади.

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

Корхонанинг юридик хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

– раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга ва ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

– қонунчиликка зид бўлган ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш учун ижрочиларига қайтариш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

– корхона ва унинг таркибий бўлинмаларининг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд қонун бузилишга ёл қўяётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

– корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида ўтказилаётган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик хизмат ходими:

– юридик хизматга юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

– корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида аниқланган қонун бузилишлари тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

– белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестат-сиядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик хизмат ходими ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳалари ва ўзи томонидан берилган хулосаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

Юридик хизмат ходими ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизматлар ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишларининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортишга ёналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни корхоналардан сўраб олиш ҳуқуқига эга.⁷¹

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун ушбу Низом тавсиявий хусусиятга эга.

ПКМ № 182!!!

Г.А Василева ўринли таъкидлаганидек, тадбиркорлик тизимида хизмат қилаётган юристларнинг касбий хатти-ҳаракати тўғрисида, уларнинг имиджи ҳақида, айрим мақолаларни ҳисобга олмаганда, кам ёритилган. Ҳолбуки, тадбиркорлик тизимида хизмат қилаётган юристлар касб кўрсаткичи поғонасида биринчилар қаторида туради.

Barchamizga ayon bo'lishi kerakki, qayerdagi beparvolik va loqaydlik hukm sursa, eng dolzarb masalalar o'zibo'larchilikka tashlab qo'yilsa, o'sha yerda ma'naviyat eng ojiz va zaif nuqtaga aylanadi. Va aksincha – qayerda hushyorlik va jonkuyarlik, yuksak aql-idrok va tafakkur hukmron bo'lsa, o'sha yerda ma'naviyat qudratli kuchga aylanadi.

Islom Karimov

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда.

Маълумки, фирма юристининг асосий вазифаси фирма фаолиятига ҳуқуқий баҳо беришнинг заруриятдан, раҳбариятни юридик хатоларда ва уларнинг оқибатларидан асрашдан иборат.

Фирмаларни юридик кузатувнинг бир неча асосий ё‘налишларига бўлишади, уларнинг барчаси у ёки бу тарзда этика билан боғлиқ:

– айнан шу бизнес шакли учун кўзда тутилган ишбилармонлик ахлоқи қоидаларига амал қилишни ўз ичига олган фирманинг ахлоқий номини кўллаб-қувватлаш;

– фирма ходимларининг, маъмуриятнинг оддий ходимлар билан, аксия-дорлар билан, бизнес эгалари билан ўзаро муносабатларининг ахлоқийлигини таъминлаш;

– ахлоқий ва этик муаммо ва низоларни ҳал қилиш.

Агарда фирма куйидаги, баъзида “**ахлоқий минимум**”, деб номлана-диган қоидаларга амал қиладиган бўлса у ахлоқий деб аталиши мумкин:

– “зиён етказма”; зиён, қайсиким ундан узоқда юриш керак, бу келтирилиши мумкин бўлган зиён:

– одамларга, ходимга, аҳолига, мижозларга, бутун жамиятга;

– ён-атрофга;

– эркин тадбиркорлик тизими қадр-қиммати ва эркинлигига путур етказма; порахўрликка ё‘л қўйма; монополистик амалиётда қатнашма;

– тузилган шартномаларни бажаришда ҳалолликка риоя қил.

Yodda tuting!

Firma jamiyatda axloqiy obro‘cini qo‘lga kiritish va uni saqlab turish uchun quyidagilarni amalga oshirish ustida doimo ishlashi kerak:

- yangi ish joylarini ochish va mavjud ish joylarini saqlab qolish;
- xodimlarni ijtimoiy ta‘minlash va kasbiy mahoratini oshirish;
- ekologiyani yaxshilash, aholini toza ichimlik suvi bilan ta‘minlash;
- turgan joyni obodonlashtirish, dam olish joylarini obod qilish;
- madaniyat muassasalarini, maktab va bolalar bog‘chalarini qurish v.b.

Ташкилот ўзининг ижтимоий жавобгарлигини ҳис қилган ҳолда уни амалга ошира туриб, кўплаб афзалликларга эришади, яъни унга жамиятда ишонч кучаяди, мижозлари кўпаяди, фойда олиш ва истеъмол бозорини кенгайтиришга имконият туғилади.

Фирмаларнинг юридик бўлимлари тез-тез ахлоқий муаммолар билан тўқнаш келади. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ва халқаро тажрибаларга ва тегишли норматив ҳужжатларга таяниш лозим бўлади.

Ташкилотда юристга тўқнаш келадиган муаммоларнинг *асосий ахлоқий асослари* қуйидаги ўзига хосликда ифодаланади:

- ахлоқий танловнинг ҳолатлари билан боғлиқ;
- турли хил, яъни ташкилий, психологик, экологик, юридик сабаблардан юзага келади.

Ахлоқий муаммоларни ҳал қилишлик учун уларни *ахлоқий дилеммалар (иккиланиш) шаклида* тузиш лозим, масалан:

- компаниянинг маблағини шахсий мақсадда фойдаланиш ахлоқданми;
- иш вақтида шахсий масалалар билан шуғулланиш ахлоқданми;
- фирмангиз зарарли чиқиндиларни хавфли кўринишда жойлаштира ахлоқийми?

Ахлоқий дилеммалар келишув ҳисобига, қарама-қаршилиқларни бартараф қилиш ва манфаатларнинг оқилона тенглигига эришиш, ишонтириш ёрдамида, виждон, ақл, олдин қабул қилинган келишувлар ва одатлар ёрдамида ечилишига эришилади.



Назорат учун саволлар:

1. Юридик хизмат ходимлари фаолиятининг ахлоқий асослари нималардан иборат?
2. Юридик хизмат ўз фаолиятида қайси қонун ҳужжатларига амал қилади?
3. Корхонанинг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қандай функцияларни бажаради?
4. Корхонанинг юридик хизмати қандай ҳуқуқларга эга?
5. Қайси фирма ахлоқий ҳисобланади?
6. Юрист ташкилотда қандай ахлоқий муаммолар билан тўқнаш келиши мумкин?
7. Ташкилот ўзининг ижтимоий жавобгарлигини ҳис қилган ҳолда уни амалга ошира туриб қандай афзалликларга эга бўлади?
8. Ахлоқий муаммолар қайси ўзига хосликлар билан тавсифланади?
9. Ахлоқий дилеммаларнинг ечимига нималар ёрдамида эришилади?

1§ **Хизмат этикетининг тушунчаси, мазмуни ва ахлоқий тамойиллари.** 2§ **Юридик этикетнинг турлари ва ўзига хос хусусияти**

1§ **Хизмат этикетининг тушунчаси, мазмуни ва ахлоқий тамойиллари**

Этикет (франс. “*этикетте*”) – бу ўзаро инсоний муносабатларнинг ташқи кўринишларини тартибга солувчи ўрнатилган хулқ-атвор тартиби, яъни атрофидагилар билан мулоқотда бўлиш, мурожаат қилиш ва саломлашиш, жамоат жойларида ўзини тутиш, хатти-ҳаракат ва кийиниш кабиларни ўз ичига олади.

Хизмат этикети – бу инсоннинг касбий хатти-ҳаракати ахлоқининг муҳим томони ҳисобланади. Хизмат этикетини билишлик зарур касбий сифат бўлиб, уни қўлга киритиш ва доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Хизмат муомаласи этикаси – бу фан, амалиёт ва жаҳон тажрибаси томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий-етик талаблар, тамойиллар, норма ва қоидалар бўлиб, уларга риоя қилишлик хизмат муомаласи субъектларининг бир-бирларини тушунишларини ва ўзаро ишончларини таъминлайди ва пировард натижада муносабатларининг яхшиланишига ва ижобий натижаларга эришиш-ларига олиб келади.

Faqat o‘z shaxsiy manfaati haqida qayg‘urib, burchni unutmoklik o‘ta ketgan pastkashlikdir.

*Syun-Tszi
(taxminan miloddan avvalgi 313-235-yillar)*

Хизмат муомаласи муайян ахлоқий тамойилларга асосланади ва улардан қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

Биринчидан, хизмат этикети асосида иш манфаатлари ётади, асло шахсий манфаатлар эмас. Ушбу тамойилнинг кўпинча бузилиши юз беради. Масалан, сиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимисиз ва сиз томонингиздан мурожаат қилган шахсга юридик ёрдам кўрсатилди, унинг ҳуқуқ ва имкониятлари тушунтирилди, натижада у муаммони сизнинг фойдангизга ҳал қилмаслиги мумкин, индамасдан қўйсангиз ҳам бўларди-ку. Аксинча, ўзининг касбий, юридик лаёқатлилигини, шунингдек хизмат муомала услубларини ўзининг ғараз ниятлари учун ишлатиш ахлоқсиз хатти-ҳаракат бўлган бўлар эди.

Иккинчидан, виждонлилик бу – нопок қилиқ ёки хатти-ҳаракатларни содир этишга қодир эмаслик бўлиб, унга кўра ҳатто ҳаракатсизлик ёки жим туриш нопок ҳисобланади, ўз шаънини доимо доғ туширмаган ҳолда сақлашга интилади, ҳар қандай киши билан суҳбатда унинг хизмат ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар ўзини бир хилда тутати, ахлоқан қатъиятли, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз тамойилларидан воз кечмайди, масъулиятни, жавобгарликни доимо ҳис қилади, ўз сўзига содиқ қолади.

Учинчидан, хайрихоҳлик, яъни бошқаларга яхшилик исташ инсоннинг ҳаётий фаолиятининг ижтимоий соҳасини кенгайтиради, бундай ёндашмаслик эса унинг ойлик тўланадиган хизмат доирасидаги кўрсатма-ларнигина бажариш билан чекланиб қолишга олиб келади. Хайрихоҳлик эса инсонда нафақат бажариши керак бўлган, балки инсонлар манфаати учун унга бунинг учун ойлик олмаса-да, инсоний ҳурмат ва руҳий озуқа оладиган қўшимча хизмат қилишлик ҳиссини уйғотади.

Тўртинчидан, асослилик, узрлилик, яъни муомаладаги шеригининг кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва бу хушмуомалалик, одоблилик, ғамхўрлик, назокат, мулойимлик каби ахлоқий сифатлар билан амалга оширилади. Ҳар қандай ахлоқий тамойил ўзининг ахлоқий моҳиятидан ташқари ишчанлик мақбуллигига ҳам эга. Бу қуйидаги мисолда айнан кўринади.

Рус флотида масъулиятли йиғилишларда биринчи бўлиб сўзни ёшларга бериш тартиби ўрнатилган эди. Шундай бўлса-да, агар уларнинг фикри катталарнинг фикрига зид, уларни уялтирадиган ва ноқулай аҳволга солиб қўядиган ҳолларда уларнинг фикрини эшитиш истисно этиларди.⁷²

Кўпинча “*этика*” тушунчаси билан биргаликда “*маданият*” сўзи ҳам ишлатилади. “Маданият” сўзи Мадина шаҳри номи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан.

Мадина – тўлиқ арабча номи “*Мадина – Расулиллоҳ*”, яъни *Пайғамбар шаҳри* ҳисобланиб, ободончилиги, кўркамлиги билан Арабистондаги аҳоли яшайдиган бошқа манзилгоҳлардан ажралиб турар эди.

Шунингдек, Мадина Маккадан кейин мусулмонлар ибодат қиладиган энг йирик шаҳардир. Шу тариқа маданият сўзи бизнинг ўлкамизга Мадина шаҳри номи билан, Ислом дини билан боғлиқ тарзда кириб келган.

Фанда, одамлар ўртасидаги мулоқотда маданият сўзи билан бир қаторда “*култура*” сўзи ҳам ишлатилади. Култура сўзи латинча

⁷² Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. - Челябинск, 2005. – С. 127-128.

“султуре” сўзидан олинган бўлиб, “ишлов бериш”, “екиб ўстириш” маъносини билдиради. Рус файласуфлари **Н.Бердяев** ва **В.Розинлар** “култура” сўзини “култ”, яъни “*диний ибодат*”, “култура” Сўзидан келиб чиққанлигини қайд этганлар.

Ҳозирги пайтда инсоният фаолиятининг кўпгина соҳаларида маданият ёки култура сўзи қўлланилади. Қадимги Римда маданият деганда шахснинг тарбияланганлик, маърифатлилик даражаси тушуниланган. Кейинроқ маданият деганда шахснинг кадр-қиммати, такомиллиги тушуниланган.

Немис файласуфи Ф.Шиллер кишилардаги инсонийлик фазилатларини, унинг ички дунёси, маънавийлик даражасини маданият деб тушунтирган. Америкалик маданиятшунос олим эдуард Тейлор (1832-1917) маданият атамасини илм-фанга киритди. Тейлор ўзининг “*Ибтидоий маданият*” (1871) асарида: “*Маданият кенг маънода кишининг жамият аъзоси сифатида ўзлаштирган билими, эътиқоди, санъати, ахлоқ-одоби, қонун-қоидалари ва бошқа бир қатор қобилиятлари ва одатлари йиғиндисидан ташкил топади*”, - деб таъкидлайди.

Файласуф ва маданиятшунос В.Розин ибораси билан айтганда, “*қанча йирик маданиятшунос бўлса, шунча назариялар, тушунчалар мавжуд*”.

Дарҳақиқат, э.Тейлор замонида маданиятнинг 7 та таърифи бўлган бўлса, 1950-йилларда унинг сони 150 тага, ҳозирги кунда эса маданиятга берилган тушунчалар сони 400 тага етди. Бу таърифлар умумлаштирилганда маданият сўзининг маъно-мазмунини қуйидагича тушуниш мумкин:

1. *Маданият* – узок тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томони-дан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, осори-атиқалар йиғиндиси.

2. *Маданият* – у ёки бу жамиятга хос фалсафий қарашлар, илм, фан, маориф, санъат, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маиший хизмат кўрсатиш даражасини акс эттирувчи омиллар, ижтимоий тараққиёт даражаси.

3. *Маданият* – инсонлар ҳаётида, жамият ривожидида шаклланган миллий, умуминсоний қадриятлар мажмуи.

4. *Маданият* – ҳар бир кишининг тарбияланганлиги, инсонийлик фазилат-лари ва ижодий фаолиятининг ифодасидир.

Маданиятни қўлланилишига қараб шахсий, оилавий, касбий, табақавий, миллий маданият, жамият маданияти, умуминсоний маданият каби шаклларга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин. Кундалик ҳаётда “*муомала маданияти*”, “*меҳнат маданияти*”, “*нутқ маданияти*”,

“ишлаб чиқариш маданияти”, “хизмат кўрсатиш маданияти”, “дам олиш маданияти”, “ҳуқуқий маданият” каби тушунчалар ҳам қўлланилади.

Маданият ва маънавият ҳақидаги таълимотларни чуқур ва мукамал билиш барча соҳа кишилари, мутахассислар, раҳбарлар, оддий кишилар сингари ҳуқуқшунослар, судьялар, прокурорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун ҳам ўта муҳим ва фойдалидир, бошқача айтганда, сув ва ҳаводек зарур.

Жиноятни очиш, жиноятчини топиш, айбдорнинг – гумон қилинаётган шахснинг айби ёки қилмишини бўйнига қўйиб исботлаш, ҳақиқатни қарор топтириш мутахассисдан наинки профессионал билим ва маҳоратни, айти пайтда катта тажриба ҳамда нозик руҳшуносликни, кўрс-қўпол бўлмасликни, катта-кичик далиллар, ҳатто бир қарашда содир бўлган ҳодисага бевосита дахли бўлмаган воқеалар, хатти-ҳаракатлар, факт-далиллар, мантиқий таҳлил ва муқоясани яхлит бир тизимга солиш ҳамда сирли, шубҳали нуқталарни ички бир туйғу билан нозик ҳис қилиш санъатини ишонарли тарзда билишни ҳам талаб қилади. Шу маънода терговчи амалдаги қонунлар ва қатор юридик ҳужжатлар асосида жиноят деб аталмиш “сахна”нинг “жарроҳи”га, образли қилиб айтганда, “ташхисчи”сига, тадқиқотчисига айланади. Кўриниб турганидек, тергов жараёни жуда оғир бўлиши билан бир қаторда ўта масъулиятли ҳамдир. Мана шунинг ўзи ҳам жараённинг ўзи соф маънавий-ахлоқий ҳодиса эканлигини англаиб турибди.

Агар терговчи ўз фаолиятида қонунларга таянган, улардан мутлақо оғишмаган ҳолда иш тутса-ю, аммо маънавий моҳиятига эътибор бермаса, бу қилмиши билан *биринчидан*, қонунни бузган, *иккинчидан*, мансабини суиистеъмол қилган, демак, адолатсиз ҳукм чиқарилишига, гуноҳсиз ноҳақ жазоланишига сабаб бўлади. Бунинг оқибати жуда хунук бўлиши турган гап. Одамларда қонунларга, демак, жамиятга, одил сиёсатга, адолатга ишонч ёқолади. Жамиятда қонун устуворлиги бузилади. Энг ёмони – бу бузилишнинг ҳуқуқни химоя қилиш мақомига эга кишилар айби билан бўлишидир. Терговчининг хатоси ёхуд ўз ишига масъулиятсиз қараши жуда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Инсонлар тақдири ҳал қилинаётганда тергов ҳужжатлари фақат ва фақатгина исботланган, асосланган, тасдиқланган факт ва далилларга асосланган бўлишини унутмаслик керак. Ана ўшандагина жиноятни келтириб чиқарган омиллар илдизи билан ёқ қилиб ташланади, кишиларга адолат тантанасидан ибратли сабоқлар берилади, жиноятларнинг олди олинади, одамларда қонунларга, адолатга ишонч ва ҳурмат уйғонади. Демак, қонун устуворлиги тўлиқ таъминланади. Ана шуларнинг ўзи асл моҳияти билан соф маънавий сабоқ, тарбия, маданият, маърифатпарварлик белгисидир. Демак, *тер-*

гов нафақат қонунлар адолати, айна пайтда, тарбия мактаби, юксак маънавиятлиликнинг намоён бўлиши ҳамдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий маданиятини юксалтириш борасида, *авваламбор*, ходим юксак маданият соҳиби бўлиши, унинг юқори даражада тарбияланганлиги – айтган сўзининг устидан чиқиши, фидойилиги, қўл урган ишини ўз вақтида, пухта ва тезкорлик билан бажариш қобилиятларига, содир этилган воқеани аниқ таҳлил этиш ва тўғри қарор қабул қилиш, вазминлик, мардонаворлик, турли хавф-хатарлардан, ҳақоратлардан эсанкираб қолмаслик сифатларига, шахсий хулқ-одоби, обрў-еътибори билан қариндош-уруғлари, фарзандлари ҳамда маҳалладошларига ўрнак бўлишига интилиш каби фазилатларга эга эканлиги билан белгиланади. Юқорида қайд этиб ўтилган талабларга риоя қилиш,

биринчидан, ҳар қандай мураккаб масаланинг ечимини осонлаштиради;

иккинчидан, атрофдагиларга ижобий таъсир этади.

Еу hukmdor, idrokli, saxiy, adolatli bo'l. Elning baxti hukmdorning baxtidir.
Abulqosim Firdasiy
(934(taxminan) – 1024-yillar)

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий фаолиятида нотиклик маданияти ҳам алоҳида ўрин тутади. Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга чечан, бадий дидли кишиларни кадрлаб келган. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида фаолият олиб борувчи ҳар бир ходим ҳам ўзининг нутқи ва ифода этмоқчи бўлган фикрини мантиқан изчил ва аниқ, ҳар бир сўзни аввал тафаккур чиғириғидан ўтказиб, кейин ифода этиши лозим. *Чунки фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти кундан кунга юксалиб бориши, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри билиши уларга нисбатан эскича муносабатда бўлишига барҳам бериши талаб этади.*⁷³

2§ Юридик этикетнинг турлари ва ўзига хос хусусияти

Турли хил юридик мутахассисликлар вакилларининг ўзаро, хизмат жамоаларида, шунингдек фуқаролар билан хизмат муомаласи турли хил шароитларда бўлиб ўтади ва турли шаклларда юз беради ва уларни қуйидагиларга бўлиши мумкин:

⁷³ Nabiyev O. “Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning xodimlari kasbiy madaniyatini yuksaltirish masalalari” // O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining Oliy o‘quv kurslari Axborotnomasi. №4 (12) 2012. – B. 5-6.

Биринчиси, кундалик хизмат муомаласи бўлиб уларга суҳбатлар, учрашувлар; қабулга келганларни қабул қилиш; йиғилишлар, йиғинлар, конференциялар; корхоналар ва муассасаларга бориш; фуқароларнинг яшаш жойларига бориш; навбатчилик, кўриқлаш киради.

Иккинчиси, хизмат муомаласининг ўзига хос шакллари бўлиб, уларга хизмат жамоасида муомала; бўйсунуш шакллари бўйича муомала; ҳамкасблар билан муомала; ўқитувчиларнинг тингловчилар билан ўқув жараёнида муомаласи; чет эллик фуқаролар билан хизмат учрашувлари киради.

Учинчиси, экстремал (енг паст ёки энг юқори даражадаги кўрсаткичлар билан ҳаракатланадиган) хизмат муомаласи шакллари бўлиб, уларга низоли ҳолат шароитларидаги муомала; митинглар, намойишлар, оммавий юришлар қатнашчилари билан муомалада; тинтув вақтида ушланган шахс билан муомала; махсус контингентлар билан муомалалар киради.

Тўртинчиси, муомаланинг ўзига хос бўлмаган шакллари бўлиб уларга журналистлар билан оммавий учрашувлар; радио, телевидение ва матбуотда чиқишлар; телефон, телетайп, радиоалоқа; хизмат ёзувлари, имзо чекишлар киради.⁷⁴

Бундан ташқари борлиқ муносабат шакллари орасида нутқ маданияти, ташқи кўриниш, имо-ишора, оҳанг каби муомала қоидалари қисмлари ҳисобланувчи ҳолатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади ва уларнинг ҳар бирига қўйилган ахлоқий талаблар мавжуд ва уларга риоя қилмаслик кўзланган мақсадга эришишга тўсқинлик қилади.

Юристининг касбий фаолият натижаси шахсий учрашувлар, суҳбатлар, йиғилишларга кўпроқ боғлиқ бўлади. Тўғри ўтказилган суҳбат мақбулроқ ва суҳбатдошининг ўз тутган ёлингизга ишонтиришга ва сизнинг шартингиз ҳамда қарорингизни қабул қилишга мажбур қилишга бирдан-бир имконият ҳисобланади. Табиийки, ҳар бир учрашув ёки суҳбат унинг барча томонларини олдиндан ишлаб чиқишни талаб қилмайди, лекин муҳимлари учун буни амалга оширмаса бўлмайди. Унча аҳамиятли кўринмаган учрашув ва суҳбатлардан қочмаслик керак, бундай суҳбат ва учрашувлар охири-оқибат келгусида бўлажак бундай учрашув ва суҳбатларнинг тўғрироқ ташкил этилишига ва ишда омадлар келтиришига кўмаклашади.

Юрист суҳбатга тайёргарлик кўришда суҳбатдошини ўрганиши керак бўлади, у жамиятда қандай ўринни тутди, ўзига нисбатан унинг муносабати қандай, у ўзи қандай инсон, у нимани хоҳлайди,

⁷⁴ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. - Челябинск, 2005. – С. 128-129.

биографиясининг асосий ҳолатлари қанақа, унинг шахсий қизиқиш доираси ва бошқа ҳолатларни ҳам ўрганиш тавсия этилади.

Учрашув вақти олдиндан белгиланади ва бу вақтга бошқа учрашув белгиланмаслиги ва таклиф этилганларни қабулхонада кутишга мажбурламаслик лозим. Учрашув вақтини агар муҳим масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлиб қолмаса ажратилган вақтдан чўзиш одобдан эмас. Суҳбат вақтида соатга қараб қўйиш ҳам одобдан бўлмайди, сабаби бундай ҳаракат одатда учрашув вақти тугади деб қабул қилинади. Шунинг учун ҳам вақтни ҳис қилишга одатланиш лозим.

Yodda tuting!

Psixologlarning tavsiyasiga ko'ra miyaning eng yuqori faollik nuqtasi kunduzgi soat 10-12 larga to'g'ri kelishi sababli, eng muhim va aqliy va psixologik kuch-quvvat sarflashni talab qiladigan uchrashuvlarni ish kunining birinchi yarmiga tayinlash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Яна бир муҳим ҳолатга, яъни ўз имкониятини тўғри баҳолаш, суҳбатда айтмоқчи бўлган асосий ҳолатларни олдиндан ўйлаб қўйиш, энг муҳим фикрларни алоҳида ажратиш ва уларни тартибли баён қилишни олдиндан режаслаштириш керак.

Учрашув ва суҳбатни ўтказиш чоғида этикетнинг кейинчалик ишнинг натижасига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган “майда-чуйда”ларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Масалан, кабинетга киришдан олдин, ҳатто котиба таклиф этган бўлса-да, рухсат сўралиши керак. Котиба эргаштириб кириб, раҳбарга сизни таништиради рухсат сўрашга ҳожат ё‘қ.

Раҳбар, ўз навбатида, бош ҳаракати билан розилигини билдириб қолмасдан, балки ўрнидан туриб кабинетига кирган шахснинг қаршисига чиқиб саломлашади. Стол ортидан туриб саломлашиш одобдан эмас. Агар суҳбатдошлар нотаниш бўлсалар, у ҳолда бир-бирларини таништирганларидан кейин, кабинет соҳиби меҳмонга ўтиришни таклиф этади. Кабинет соҳиби-мезбон ва меҳмоннинг жойлашиш ўринлари суҳбатнинг боришига таъсир кўрсатади. Агарда кабинет соҳиби ўз ўрнида қолса бу унга катта имконият туғдиради ва суҳбатда устунликка эга бўлади. Агар кабинет соҳиби-мезбон меҳмоннинг қаршисига ёки ёнига ўтирса бу тенгликка ҳаракат қилишни, суҳбатдошига ҳурматни, яқин муносабатни ва норасмий суҳбатга интилишни билдиради. Суҳбат давомида тўғри ва эркин ўтирилади. Иш юзасидан бўладиган музокараларда қатнашаётганда чекмасликка, энг муҳими мезбоннинг рухсатсиз чекмасликка ҳаракат

килинади. Аслида бундай илтимоснинг қилинмагани маъқул, чунки рад қилинса ноқулайлик пайдо бўлади.

Суҳбат жараёнида нафақат юз-чехранинг ҳолати, ўзини тетик тутишлик, тирноқ ва сочларнинг олинганлиги, балки кийимларнинг ҳам, улар ҳолатининг ҳам, бу кийимларда ўзини эркин тутта билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Озода ва хушбичим кийинганлик иш бўйича шерикларда ижобий тушунча уйғотади, шу сабабли унга эътиборсизлик билан қаралмаслик керак.

Суҳбат ва учрашувларда нутқ ва уни изҳор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаддан ташқари тез ва кўп сўзли нутқлар унинг муаллифининг унча ишончли эмаслиги ҳақида таассурот қолдиради. Ортиқча секин нутқ аччиқланишга-ғижинишга ва унинг соҳибининг суёт ҳаракат қилиши ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Халқда кимда ким тиниқ фикрласа, у фикрини тиниқ ифодалайди, деган нақл бор. Нутқингиз суҳбатдошингизга қанчалик тушунарли бўлса, шунчалик умумий тил топиб кетишингизга имконият топилади.

Суҳбатни шошмасдан, овозни кўтармасдан ва жаҳллашаётганини, ҳатто унга асос бўлса-да, суҳбатдошига билдирмасликка ҳаракат қилиши лозим. Қизиққонлик ва шошмашошарлик суҳбатда фойда бермайди. Ишонарли ва шошилмасдан ифодаланган нутқ суҳбатдошда катта таассурот қолдиради.

Суҳбатдошингизга эътиборли бўлинг, у келтирган важларга улар кучсиз бўлса-да қадрланг, акс ҳолда хизмат муомаласига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Агарда суҳбатдошингиз сиздан даражаси пастрок ёки сизга тобе бўлса ўзингизнинг шахсий ёки касбий устунлигингизни намойиш қилишингиз ақлсизлик бўлади. Бундай ҳолат шахсий ишончсизликка олиб келади, ҳолос.

Har kuni, har soatda fidoiy bo'lish, o'zini tomchi va tomchi, zarrama-zarra buyuk maqsadlar sari charchamay, toliqmay tinimsiz safarbar etib borish, bu fazilatni doimiy, kundalik faoliyat mezoniga aylantirish – haqiqiy qahramonlik aslida mana shu.

Islom Karimov

Хизмат муносабатларида суҳбатдошни эътибор билан эшитиш муҳим аҳамият касб этади. Суҳбатдошини оғир вазиятда эшита билиш ўзаро тушунишнинг омили ҳисобланади, унингсиз хизмат муносабатлари ўрнатил-маслиги мумкин. Шу сабабли бундай вазиятда самарали эшитишнинг қуйидаги *асосий этик қоидалари ишлаб чиқилган:*

– ўзини хизмат суҳбати, баҳс, йиғилиш мавзуси бўйича ички манфаати ё‘налишига қарата билиши;

– гапираётганнинг-ахборот бераётганнинг асосий фикрларини ўзи учун ажратиб олиш ва уларни тўғри тушунишга ҳаракат қилиш;

– олинган маълумотни ўзидаги шахсий маълумотлар билан тезгина солиштириш ва йиғилиш, баҳс, суҳбатнинг асосий мазмунига тезликда хаёлан қайтиш.⁷⁵

Суҳбатдошни эшитиш унинг фикрларини идрок қилиш, мағзини чақиш ва тушунишни ўз ичига олади. Ходим суҳбатдошни диққат билан тингламаслиги оқибатида ушбу талабларнинг қайси бири бузилади ва суҳбатдоши фикрини тушуниш хато бўлиб чиқади. Тан олиш керак суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар касб эгаларининг ҳаммаси ҳам суҳбатдошни эшита олади, деб бўлмайди.

Г.А.Василеванинг фикрини эътироф этган ҳолда, айтилганлардан айрим хулосалар чиқариб, ўзимиз ва иш учун фойдали бўладиган суҳбатдошни эшитишни ўрганишга ёрдам берадиган бир неча зарур қатъий ахлоқий қоидаларни келтириб ўтамиз, *яъни суҳбатдошни эшитаётганда*:

- 1) суҳбатдошга қарши шахсий огоҳлантиришларни унутиш лозим;
 - 2) жавоб ва хулосалар қилишга шошилмаслик керак;
 - 3) фактлар ва хулосаларни фарқлай билиш лозим;
 - 4) нутқингиз ўта тушунарли ва аниқ бўлишини кузатиб боринг;
 - 5) суҳбатдошингиздан эшитганларингизни баҳолашда адолатли бўлиш;
- б) эшитаётгандай бўлиб ўзингизни кўрсатмасдан, бошқа фикрлар билан чалғимасдан, суҳбатдошни ҳақиқий эшитиш лозим.⁷⁶

Хизмат юзасидан суҳбатда ва учрашувларда мутахассислар томони-дан умумлаштирилган *қуйидаги айрим қоидаларга* риоя қилинганда омадга эришиш мумкин бўлади:

- олдиндан суҳбат режасини тузиш;
- суҳбат давомида суҳбатдошга психологик таъсир ўтказиш, яъни нохуш ҳолатларни кўнгилли ҳолатлар билан алмаштириб туриш, суҳбатнинг бошланиши ва охири ижобий бўлиши лозим;
- суҳбатдошнинг қизиқишлари, нимани кутаётганлиги, тутган позитси-яси, ўз қадр-қимматини ҳис қилиши, ўзини яхши кўришини доимо эътиборда тутиш;
- ўз фикри ва таклифларини аниқ, қисқа ва тушунарли баён қилиш;

⁷⁵ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. - Челябинск, 2005. – С. 131-132.

⁷⁶Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. - Челябинск, 2005. – С.134-135.

- суҳбатдошни ҳеч қачон ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақорат қилмаслик ва хафа қилмаслик, у билан хушмуомалали, илтифотли, андишали, мулойим бўлиш;
- ҳеч қачон бошқаларга нописандлик билан қараш мумкин эмас;
- мақтовни ўз ўрнида, меъёрида қилиш лозим;
- имконият бўлганда ҳар доим суҳбатдошнинг ҳақлигини тан олиш.

2.1 Аҳолини қабул қилиш

Аҳолини қабул қилиш юрист фаолиятини тарғибот қилиш, аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Одатга кўра, корхона ва ташкилотларда аҳолини қабул қилиш кунлари ва соатлари аниқ белгилаб қўйилади. Агар қабул мансабдор шахсларнинг кабинетига бўлмаса, бунинг учун тегишли тартибда жиҳозланган алоҳида хона ажратилади. Имкон бўлганда қабул ўтказиладиган хона ёнида тегишли тартибда жиҳозланган кутиш хонаси бўлиши лозим. Фуқаролар қабулини ўтказадиган ходим жавоб беришига тўғри келадиган саволларга жавоб беришга муносиб бўлиши лозим бўлганда, у тегишли хизмат органлари билан маслаҳатлашгани маъқул ҳисобланади. Қабулга келувчиларни қабул қилувчи ходим аризачиларга эътиборли бўлиши, ҳар бирини шошилмасдан, сўзини бўлмасдан, ҳурмат кўрсатган ҳолда эшитиши, хаяжонланган, кўп гапли, асабийлашган аризачини ҳам қабул қилишга психологик тайёр бўлиши лозим ва бундай аризачини тинчлантириш ва у билан тинч суҳбатлашишга қодир бўлиши керак. Қабулни ўтказадиган ходим аризачининг саволларига батафсил жавоб беришга ҳаракат қилиши лозим. Агар қабулни ўтказган раҳбар тўлиқ жавоб беролмаган тақдирда, қабулга келганга саволига ёзма равишда жавоб бериш ҳақида вақтни белгилаб хабар беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда охириги пайтларда аҳоли билан мулоқот қилишнинг ишонч телефони орқали ёки навбатчи қисмларда фуқароларнинг у ёки бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида хабар берувчи хатлари, шикоят ва аризалари учун махсус қути қўйилади. Аҳоли билан мулоқотда бўлишнинг бу шакллари раҳбариятда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликнинг фикридан, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан хабардор бўлиб туриш имконини беради.

2.2 Хизмат жамоасида мулоқот

Хизмат муносабатлари одамларнинг кайфиятига таъсир ўтказади, ушбу иш жойига хос ахлоқий иқлимни ташкил этади, қайсиқим бундай ахлоқий иқлимсиз жамоа мавжуд бўлолмайди.

Одатдаги хизмат муноабатлари иккита талаб асосида вужудга келади, улар ишга масъулиятлилик ва жамоага ҳурматдан иборат. Масъулиятлилик ўз сўзи ва ишига ҳалол ва масъулият билан муносабатда бўлишдир. Масъулиятсиз, маҳмадона одам нафақат ўз хулқ-атворида зарар етказади, балки ўз атрофида масъулиятсизлик ва интизомсизлик муҳитини яратади. Ишламасдан гап отиб ўтириш, танаффуслар қилиб, иш вақтида уй ишлари билан шуғулланиш, нафақат иш унумига таъсир этади, балки ишда виждонли ёндашадиган одамларга ҳам салбий таъсир ўтказади.

Касбдошларига ҳурмат уларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олишни билишда, уларга ғамхўрлик қилишда, катта бўлмаса-да ёқимли кўмаклар кўрсатишда ифодаланади. Юридик фаолият мураккаб, тез ўзгарувчан вазиятлар, таваккалчиликлар билан боғлиқ бўлади ва шахслар ҳамда гуруҳлар ўртасида ҳар хил низоларга олиб келиши мумкин. Муваффақиятли ишлаш учун бундай низолар келиб чиқишини олдиндан кўра билиш ва уларни қандай бартараф этишни билишни талаб қилади. Агар низони бартараф этишнинг имконияти бўлмаса, унда кам ёқотишлар билан уни осон ҳал қилишни билиш лозим. Бу ерда хулқ-атворнинг этик асосларигина етарли бўлмайди. Бу этик қоидаларни ҳолатни бундай низоли ҳолатда ҳамкасбларининг ўзини қандай тутишини ҳисобга олган ҳолда маҳорат билан психологик таҳлил қилиш билан биргаликда амалга оширишлик талаб этилади. Барча низоли ҳолатларда аввало бу низоларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганишлик ва ундан кейин уни ҳал қилишга киришиш лозим бўлади.

Низолар ҳар хил бўлса-да, муносабатдаги қийинчиликларни бартараф қилишнинг умумий талаблари мутахассислар томонидан таклиф қилинади. *Бундай таклифларга қуйидаги ҳаракатлар киради:*

1. ҳамкорлик муҳитини ташкил этинг;
2. мулоқотда аниқликка ҳаракат қилинг;
3. низонинг мавжудлигини тан олинг;
4. низонинг мазмунини аниқланг;
5. уни ҳал этишнинг турли ечимларини ўрганинг;
6. низо тарафлари ўртасида келишувга эришинг;

7. келишувни ҳаётга татбиқ этинг.

энг яхшиси низони ўчиргандан кўра, уни бартараф қилган маъқул.

Ҳатто низо муваффақиятли ҳал этилганида ҳам у нохуш хотирлашларда, охиригача ўрнатилмаган муносабатларда, мулоқотдаги айрим кескинликларда ўзини билдириб, намойиш этиб туради. Қадимги шарқ ҳикмати огоҳлантирганидай, *синган пиёлани ямаш мумкин, лекин ёриқ излари барибир қолади.*⁷⁷

Шундай экан, жамоада ўзаро ишонч ва бир-бирига нисбатан хушмуомалали вазият ўрнатилиши лозим. Ҳар бир жамоада ўзининг ахлоқий-психологик муҳити мавжуд бўлса-да, хизмат одоби қоидалари ходимларнинг шахсий муносабатларидаги кўнгилсизликларни бартараф этишга ва бу пировардида хизмат фаолиятининг самарасининг оширилишига кўмаклашади.

2.3 Хизмат йиғилишларини ўтказиш

Хизмат йиғилишларини ўтказмоқчи бўлган раҳбар ёдида тутиш шарт бўлган бир неча қоидалар мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат:

– *биринчидан, йиғилиш қисқа бўлиши керак, йиғилишнинг чўзилиб кетиши унда кўрилаётган масалага қизиқишнинг пасайиб кетишига олиб келади, ҳатто унгача қизиқиш уйғотиб турган маълумотдан ҳам кўнгилни совутиши мумкин;*

– *иккинчидан, йиғилишга ундан оладиган маълумотларни ҳаётга татбиқ этадиган, шунингдек қарор қабул қилишда фикрлари керак бўладиган ҳақиқатан ҳам зарур ходимларни таклиф этиш лозим бўлади;*

– *учинчидан, йиғилиш ҳақиқатан зарурат тугилганда ва муайян қарорлар қабул қилиш учун бошқа ё'л кўп вақтни олиши ва камроқ натижа бериши мумкин бўлган ҳолларда ўтказилиши керак, ортиқча тез-тез йиғилиш ўтказилиши раҳбарнинг бўшлигидан ёки унинг маъмурий кўрқоқлигидан, шунингдек ходимларнинг хизмат вақтларини самарасиз ўтказилишидан дарак беради.*

Ҳар қандай йиғилиш мукамал тайёргарлик кўришни талаб қилади, чунки йиғилишга қанча яхши тайёргарлик кўрилган бўлса уни ўтказишга шунча кам вақт сарфланади. Йиғилишга тайёргарлик кўриш қуйидаги амалларни бажаришни талаб қилади: *йиғилишнинг мақсадини*

⁷⁷ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. - Челябинск, 2005. – С. 138-140.

аниқлаш, мавзуни шакллантириш, кун тартибини аниқлаш, йиғилишни ўтказиш санаси ва вақтини аниқлаш, иштирокчиларни аниқлаш ва маърузачини белгилаш, йиғилиш ўтказилиш давом этиш вақтини белгилаш, амалда 1,5 соат маъқулланади, чунки ундан ошса самара тез тушиб кетади, йиғилиш хужжатларини ва техник томонларни тайёрлаш лозим бўлади. Амалиётда йиғилишларнинг тўртта тури, яъни тезкор йиғилиш, кўрсатмалар бериш учун йиғилиш, муаммовий йиғилиш ва якуний йиғилишлар мавжуд.

Йиғилишни тайинланган вақтда бошлаш лозим. Кириш сўзини раҳбар гапиради. Кириш сўзида муҳокама қилинаётган муаммонинг доирасини аниқ белгилаб олиш лозим, муҳокаманинг мақсади, амалий аҳамияти айтилади ва регламент белгилаб олинади. Йиғилишни олиб борувчининг вазифаси сўзга чиқувчиларнинг сўзларини эшитишни таъминлаш ва уларни таҳлил қилишдан иборат. У усталик билан сўзга чиқувчилар томонидан олдин айтилганларни такрорлашларга эътиборни қаратиш, ишга тегишли бўлмаган-ларини чиқариб ташлаш, айтилган сўзлар фактларга асосланишига эришишни талаб қилиши лозим. Мажлисни бошқарувчи маданиятининг белгиси регламентга риоя қилишдан иборат. Раҳбар ўз кабинетида йиғилишлар ўтказишни суиистеъмол қилмаслиги керак. Ушбу ҳолатнинг ўзи, яъни ўз креслосида ўтирган раҳбар ва бошқа суҳбатдошлар ўртасидаги ҳолат нотенгликни ифодалайди. Раҳбарга бўйсунувчилар бундай ҳолатларда ўзларини ноқулай сезади. Ўз кабинетида йиғилиш ўтказадиган раҳбар телефонда гаплашиш ва қабулига кирувчлар билан гаплашишлар

Unutmang!
Telefonda gaplashish madaniyati to'g'risida gapirganda, tibbiyot xodimlari yetarlicha davomli telefon qo'ng'iroqlarining ta'siri asab tizimiga salbiy ta'sir qiladi, ayrimlarining ta'kidlashicha, bunday ta'sir inson umrini uch-to'rt yilga qisqartirishi mumkin ekan.

орқали йиғилишнинг боришини бўлмаслиги лозим. Бундай хулқ-атвор иштирокчиларнинг вақтларини нафақат бекорга сарфлашга, балки уларга нисбатан бўлган тўғридан тўғри хурматсизлик белгиси ҳисобланади. Йиғилиш қарор қабул қилиш билан ёки раҳбарнинг аниқ ижрочиларни кўрсатган ҳолдаги якуний сўзи билан тугалланади. Йиғилишда баённома юргизилади ва унда келгусида ижросини таъминлашликни назорат қилиш учун қабул қилинган қарорлар қайд

этилган бўлиши керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчилик фаолиятида эса телефонда гаплашувлар билан инсон тақдири бўғлиқ бўлиши мумкин. Ҳар бир телефонда гаплашувга яхши тайёргарлик кўришлик талаб этилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан одамлар ёрдам ва ҳимояни кутади, телефон гўшагидан газабланганлик товушини эшитгандан кейин улар тушунадик, бундай одамдан яхшиликни кутиш амри маҳол.

Сўзлашув ташаббускори, жавобни эшитгандан саломлашиши ва дарҳол ўзини таништириши, исми, фамилияси ва отасининг исмини, ташкилоти ва лавозимини айтиши керак. Телефон қилганлик бошқага ноқулай туйилиши мумкинлиги сабабли, ўзини таништиргандан кейин, унга халақит бермадингизми агар халақит берган бўлсангиз қачон қайта кўнғироқ қилсангиз қулай бўлиши мумкинлигини сўрашлик тавсия этилади. Шу ўринда қандай масалада гаплашмоқчи бўлганингизни қисқача эслатиб қўйишингиз мумкин. Хизмат гаплашуви қисқа ва аниқ бўлиши лозим. Шунини эсда тутиш лозимки, телефонда давлат ва хизмат сирлари ҳақида гаплашув олиб борилмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга одамлар кўпинча воқеалар, жиноятлар ҳақида ҳаяжонда, кўрқув ҳолатларида телефонда хабар қилишади ва хабарларини аниқ ифода қила олмасдан, асосий ҳолатларни унутиб қолдириб, қайта-қайта гапирадилар. Бундай ҳолатда уни тинчлантириб, тўғри ёналтириб, ёналтирувчи саволлар бериб туриш лозим бўлади. Ходимнинг муомалалилиги, шошилмасдан, манфаатдорлик билан ёндашиши телефон қилганнинг ҳаяжонини босишга ва етарли маълумотни олишга имконият яратади.

Хизмат суҳбатларида “яхши”, “бўлади”, “хўб”, “окей” каби сўзларни ишлатишлик ишга енгилтаклик билан қарашликдан, телефонда гаплашаётган шерикнинг масъулиятсизлигидан дарак беради. Хушмуомалалик “кечиринг”, “узр”, “раҳмат”, “илтимос” каби сўзларни ишлатишни талаб қилади, шунингдек хизмат телефонида кечирим сўраш ва миннатдорчилик билдиришни ҳадеб такрорлаб суиистеъмол қилмаганлик маъқул бўлади.

Хизмат ҳужжатларини тузиш одатда қаттиқ тартибга солинган. Хизмат ҳужжатлари қисқа ва аниқликка, тил раволигига риоя қилишни тақозо этади, кераксиз сўз айланмаларини ишлатиш маъқулланмайди. Кўп бўлмаган сўзлар орқали тўлиқ маълумотни бериш уларни тузишнинг асосий қонидаси ҳисобланади. Хизмат ҳужжатларининг шакллантирилганлиги масаланинг мақсадини тез ва аниқ тушуниб олишга ҳамда уни тузишга кераксиз вақтни кетказмаслик ва қоғозбозликнинг камайишига олиб келади.

Маъруза якунида суд этикети ҳақида тўхталишлик лозим топилди. Суд этикети бу – суд протсесси субъектларининг суд билан унда иштирок этаётган шахсларнинг ўзаро муносабатларининг ташқи

кўринишларини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари, улар муносабатлари шакллари­нинг мажмуи ҳисобланади. Суд этикети одил судлов мадания­тининг ажралмас қисми бўлиб, суд ҳокимияти об­рўсининг ошишига хиз­мат қилади. Одил судлов­нинг тантаналилиги, маросимлилиги томон­лари жамиятда ва одам­лар ҳаётида суднинг алоҳида ро­лининг белгиси сифатида қонунда белги­лаб қўйилган.

Масалан, Ўзбекистон Республика­сининг “Судлар тўғрисида”ги (янги тах­рирдаги) 2000-йил 14-декабрдаги Қонуни­да суд биноси узра Ўзбекистон Республика­си Давлат бай­роғи, суд мажлиси залларида эса Ўзбекистон Республика­си Давлат герби тасвири ўрнатилади.

Yodda tuting!

Sud etiketining qoidalari odil sudlovning tantanavorliligini, sud hokimiyatining obro'sini qo'riqlash va qo'llab-quvvatlashni ta'minlashga xizmat qiladi.

Суд этикетининг асослари жи­ноят-протсессуал қонунчи­ликда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Ўзбекистон Республика­си ЖПКнинг 424-моддаси тала­бига биноан судьялар кириб келаётганда суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар­нинг ҳаммаси ўрниларидан турадилар. Суд прот­сессининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда мурожаат қиладилар, кўрсатувлар берадилар ва баё­нотлар қиладилар. Ушбу қоидадан фақат раислик қилув­чининг рухсати билангина четга чиқилиши мумкин. Суд прот­сессининг барча иштирокчилари, шунингдек суд залида ҳозир бўлган барча шахслар раислик қилув­чининг суд мажлисида бел­гиланган тартибга риоя қилиш тўғрисидаги фармойишларини сўз­сиз бажаришлари лозим. Раислик қилув­чига ёки суд таркибига суд мажлисида тартибни бузганни суд мажлиси залдан чиқариб юбориш ҳу­қуқи берилган, айрим ҳолларда тартиб­бузар суд ажрими­га асосан маъмурий жавобгарликка тор­тилиши мумкин. ЖПКнинг 473-моддасига биноан суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар­нинг ҳаммаси, шу жумладан суд тарки­би ҳам ҳукми тик туриб э­шитадилар.



Назорат учун саволлар:

1. Этикет, хизмат этикети тушунчаларини белгилаб беринг.
2. Хизмат этикетининг асосий ахлоқий тамойилларини айтиб беринг.

3. Сухбат, учрашув, музокаралар олиб бориш учун талаб қилинадиган этик талабларни санаб ўтинг.
4. Аҳолини қабул қилишда қайси этик нормаларга амал қилиниши лозим?
5. Ходимлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда хизмат этикетига бўл-ган асосий талабларни гапириб беринг.
6. Хизмат йиғилишларини ўтказишда хизмат этикетининг қайси қоидаларига риоя этилиши керак?
7. Телефон алоқаларининг қандай қоидалари бор?
8. Хизмат қоғозларини тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган асосий этикет қоидаларини айтиб беринг.
9. Юридик этикетнинг ўзига хослиги нималардан иборат?

Информатсион–услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш таълимнинг анъанавий ва илғор услублари, жумладан, экспресс сўровлар, тест сўровлари, давра сухбатлари, коллоквиумлар, илмий-амалий анжуманларни ўтказиш, клиник таълим ва бошқа услубларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Мустақил иш мазмуни

Мустақил иш жараёнида талабалар маърузаларда, семинар, амалий машғулотлар ва мустақил таълим машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлашлари ва тегишли мавзу бўйича кейинги машғулотга синчковлик билан тайёрланишлари лозим. Машғулотларга тайёргарлик қўриш Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларидан хабардор бўлиб бориш, рефератлар ёзиш, илмий докладлар, маълумотлар тайёрлаш, Ўзбекистон олимлари ва хорижий давлатлар олимлари асарларида мавжуд бўлган асосий қоидаларни ўрганиш ва конспектлаштиришдан иборат бўлиши мумкин.

Ахборот - техник воситалар

Фанни ўқитиш таълим беришнинг турли техник воситалари билан таъмин-ланган бўлиши шарт. Машғулотлар давомида мавзунини тушунтиришнинг самарадорлигини ошириш учун телевидение, видеоаппаратлар, кодоскоп, диапроектор, турли кўргазмалар қуроллари, тақсимловчи материал, ЭҲМ ва бошқа воситалардан фойдаланиш лозим.



ЮРИСТНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Эрамиздан олдинги ИВ асрда ким яхши фазилатлиларни ўрганадиган фанни ифодалаш учун янги “этика” сифатини яратди?
 - а) Сократ;
 - б) Платон;
 - в) Аристотел;
 - г) Сенека.

2. Сократ, Платон, Аристотел, эпикурлар этиканинг қайси ривожланиш босқичига мансуб?
 - а) этикадан олдинги;
 - б) антик этика;
 - с) ўрта асрлар этикаси;
 - д) янги давр этикаси;
 - е) замонавий этика.

3. “Ҳақиқий этика сўздан фойдаланишни бекор қилинган жойда бошланади” деган этика концепсиясининг муаллифи ким?
 - а) Сократ;
 - б) Епикур;
 - с) А.Швейтсер.

4. “Бу шаҳарга ҳоким бўладиган одам шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн икки хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур...”, деган сўзлар қайси мутафаккирга тегишли?
 - а) Алишер Навоий;
 - б) Абу Наср Фаробий;
 - с) Кайковус;
 - д) Юсуф Хос Ҳожиб.

5. “Ей фарзанд, агар донишмандликда баланд даражага етиб, қози бўлсанг, оҳиста ва тамкин бўлғил ва тез фаҳм, соҳиби тадбир, пешбин (олдиндан кўрувчи), мардумшунос (одамларни текшира олувчи) ва соҳиби сиёсат бўлғил, ҳар гуруҳнинг урф-одатидин, ё‘л-ё‘риғидин хабардор, ҳар қавмнинг мазҳабидин огоҳ бўлғил. Керакдурким, қозилик хийлалари сенга маълум бўлғай. Агар бир вақт бир мазлум олдинга келса, унинг гуноҳи бўлмаса ва зулм этиб, унинг ҳаққи бекор кетар бўлса, ул мазлумнинг фарёдига

этгил ва тадбир юзидан ул мустаҳикқа ҳаққин эткурғил”, деган сўзлар қайси мутафаккирга тегишли?

- a) Абу Наср Фаробий;
- b) Юсуф Хос Ҳожиб;
- c) Кайковус ибн Искандар;
- d) Амир Темур.

6. “Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куюниб гапирса, суйиб эшитар эдим; кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга қулоқ солардим; ҳар кимдан кенгаш сўрар эдим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим”, деган ҳикматли сўзлар қайси мутафаккир томонидан айтилган?

- a) Амир Темур;
- b) Кайковус ибн Искандар;
- c) Сократ;
- d) А.Швейтсер.

7. “Хулқий онг бу - қарашлар, ишончлар, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида ғоялар, лойиқ ва нолойиқ хатти-ҳаракатлардир, хулқ эса жамиятда инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг ўзаро муносабат-ларини тартибга солувчи ижтимоий нормалардир, деган фикр қайси олим томонидан билдирилган?

- a) Л. М.Архангелский;
- b) М. С. Строгович;
- c) Г.А.Василева;
- d) Ғ.А.Абдумажидов.

8. 1998-йилнинг 1-ноябридан бошлаб қайси икки орган доимий ҳаракатда бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди билан алмаштирилган?

- a) Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси, Европа Кенгашининг министрлар комитети;
- b) Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди;
- c) Европа Суди, Европа Кенгашининг министрлар комитети.

9. “Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш” Конституцсион тамойил Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг қайси моддасида ўз ифодасини топган?

- a) 23- моддасида;
- b) 45- моддасида;

- c) 19- моддасида;
- d) 31- моддасида.

10. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлан-гунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади, деб Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг қайси моддасида қатъий белгилаб қўйилган?

- a) 27-моддасида;
- b) 47-моддасида;
- c) 116-моддасида;
- d) 118- моддасида.

11. Исбот қилишнинг ахлоқий мақсади нима?

- A) айбни исботлаш;
- B) ҳақиқатни аниқлаш;
- C) айбсизлигини исботлаш;
- D) A, B.

12. ... исбот қилишнинг ўзига хос ахлоқий хусусияти ҳисобланади.

- A) далилларни тўплашнинг шартлиги;
- B) далилларни баҳолашнинг шартлиги;
- C) ўзининг предметига эга эканлиги;
- D) A, B, C.

13. Сўроқ қилишда қайси ноахлоқий ҳаракатлар тақиқланади.

- A) текширувчи саволлар бериш;
- B) ишора қилувчи саволлар бериш;
- C) аниқлаштирувчи саволлар бериш;
- D) B, C.

14. ... ахлоқий-мақбул далиллар ҳисобланади.

A) айбланувчининг айбини тасдиқловчи, атрофлича текширилган далил-лар;

B) фақат қонунда кўрсатилган манбадан, қонуний усулда, тегишли субъект томонидан олинган ва расмийлаштирилган далиллар;

C) текширилиш имконияти бўлмаган, лекин аниқ манбадан олинган далиллар;

D) тасдиғини топган-топмаганлигидан қатъи назар манбадан олинган далиллар.

15. ... далиллар баҳоланади.

А) ички ишонч ва тажрибага мувофиқ;

Б) ички ишонч, ҳуқуқий онг, қонунга мувофиқ;

С) ички ишонч ва эгаллаб турган мансабга кўра;

Д) А, Б.

МУСТАҚИЛ ИШ – КЕЙС СТАДИ УЧУН ВАЗИФА

1. Туман марказида “Мустақил адвокатура” деб номланган адвокат-лик фирмасида тўртта адвокат фаолият кўрсатади, шулардан бири меҳнат таътилида, биттаси малака оширишда, яна биттаси касал. Фуқаролар қабулини битта адвокат ўтказмоқда. Унинг қабулига сешанба куни Н. исмли аёл Т. исмли эридан ажралиш, яъни никоҳни бекор қилиш масаласида маслаҳат олиш учун келди ва маслаҳат олди. Чоршанба куни худди шу адвокатнинг қабулига ушбу аёлнинг эри Т. келиб айнан шу никоҳни бекор қилиш масаласи тўғрисида маслаҳат олмоқчи эканлигини билдирди. Бундай ҳолатда адвокат ўзини қандай тутиши лозим. Адвокат қандай этик ҳолат билан тўқнаш келди? Ушбу позитсияга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Адвокат Ю. бундан уч йил олдин ўзига ишонч билдирган Б.га ҳуқуқий маслаҳат бериб, ундан тадбиркорлик фаолияти тўғрисида айрим маълумотларни олган эди. Адвокат Ю. ўзининг ҳамкасби И. билан суҳбатда Б. биографиясининг бу фактлари ҳақида эслатиб ўтди. Адвокат Ю. ошкор қилиб бўлмасликнинг қандай тамойилларига амал қилмаган? Сизнингча, адвокат И.нинг ҳолати бундай маълумотни ўз ҳамкасбидан эшитганда қандай бўлган? Ушбу позитсияга ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Нотариал идора, юридик фирма ходимларининг, Адвокатлар палатаси адвокатлари касб этикаси қоидалари лойиҳасини (танлаганингизни) тузинг.

4. Тошкент давлат юридик университетида бўлиб ўтган давра суҳбатида талаба Б. ўз музокара сўзида “одоб-ахлоқ нормалари ноҳуқуқий тусдаги ҳужжатларда мавжуд бўлади”, деб таъкидлаб ўтди. Одоб-ахлоқ нормалари қандай ноҳуқуқий тусдаги ҳужжатларда мавжуд бўлади? Бундай ҳужжатларга мисоллар келтиринг ва уларнинг ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқини изоҳлаб беринг.

5. Тошкент давлат юридик университетида бўлиб ўтган конференция маърузачиларидан бири Содиқов этиканинг ривожланиш тарихини бир неча босқичларга ажратиш мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Айтингчи, этиканинг ривожланиш тарихини қайси босқичларга бўлиш мумкин? этиканинг ривожланиш босқичларини санаб ўтинг ва уларнинг моҳияти ҳақида тушунча беринг.

6. Л.М.Архангелский одоб-ахлоқнинг вазифалари масаласини тартибга солувчи, тарбияловчи, билдирувчи, қатъий баҳо берувчи, мўлжал берувчи, асослантирувчи, алоқа учун хизмат қиладиганларга ажратиш мумкинлигини айтган. Одоб-ахлоқнинг ушбу вазифаларидан қайси бирлари юристлар учун бирламчи қизиқиш уйғотади? Уларни ажратиб кўрсатинг ва изоҳлаб беринг.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тарихида ҳуқуқ ва эркинлик соҳасида халқаро стандартларнинг, хорижий мамлакатларнинг демократик қонунчилиги таъсири, тажрибаси асосида тузилган, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг кенг турларини ўз ичига олган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Мамлакат тарихида ҳуқуқ ва эркинлик соҳасида халқаро стандартларнинг, хорижий мамлакатларнинг демократик қонунчилиги таъсири, тажрибаси асосида тузилганлигини Конституциянинг айнан қайси қисмида кўриш мумкин ва у қандай баён қилинган? Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ахлоқий асослари ҳақида нималарни биласиз? Бу ҳақда фикрингизни баён қилинг.

8. Олмазор туман нотариусига фуқаро Д. Эри Т. билан ўрталаридаги эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришликни сўраб мурожаат қилди, нотариус Д.дан эр-хотин ўртасида низо бор-ёқлигини сўради? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Бу ҳолатда низо бор-ёқлигининг ахлоқий жиҳати нимадан иборат?

Нотариус Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни ва Адлия вазирининг 2010-йил 30-мартдаги 64-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Ёқриқномасига биноан нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишилар билан қандай ахлоқий муносабатларда бўлиши кераклигини ёритинг.

9. Г.А.Василева “терговчи юқори даражадаги ахлоқий ва психологик сифатларга эга бўлиши лозим, аксинча унинг шахси ва хулқ-атворидаги ахлоқий нуқсонлари хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Терговчи ўз фаолияти давомида уч турли қоидаларга асосланади” деб таъкидлаган. Айтингчи, терговчи ўз фаолияти давомида асосланадиган қоидалар қайсилар ва бу асосларнинг хусусиятларини ёритинг. Терговчи ўз касбий бурчи учун ҳамда дастлабки тергов олдида турган вазифаларнинг ижроси учун шахсан ахлоқий жавобгар ҳисобланади, жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришга у ёки бу шаклда дахлдор бўлган

фуқароларнинг кенг доираси билан ахлоқий муносабатлар тизимида ҳаракат қилади, деганда нимани тушунасиз?

10. Судьялар олдига қўйилган муҳим вазифаларни оғишмай бажаришни таъминлаш лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 2013-йил 28-февралдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари”да ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Мазкур Судьялар одоб-ахлоқи қоидаларида қайси хатти-ҳаракатлардан судьялар ўзларини тийишлари шартлиги, фуқаро, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг қандай манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шартлиги ва одил судловни бажариш бўйича қўйилган бошқа талабларни ёритинг.

11. “Ҳуқуқ ва бурч” журналидаги мақолалардан бирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг [2013-йил 30-декабрдаги 104-сон](#) буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимининг касб одобномаси ҳақида сўз юритилган. Айтингчи, ушбу касб одобномасида прокуратура органлари ходимларининг қандай касбий бурчлари белгиланган ва уларга қандай талаблар қўйилган? Мазкур касб одобномасининг моҳияти ва мазмунини ёритинг.

12. Тошкент давлат юридик университетида бўлиб ўтган давра суҳбатида маърузачи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2008-йил 22- октябрдаги 84-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси қоидалари қабул қилинганлиги ҳақида гапириб ўтди. Айтингчи, ушбу касб этикаси қоидаларига биноан Адлия органлари ходимларининг касбий бурчларига нималар киради, ушбу касб этикаси қоидаларида Адлия органлари ходимларига қўйиладиган талабларга кўра Адлия органлари ходимлари нималарга амал қилиши шарт.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият // “Халқ сўзи”. 2005, 10 декабр.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 222.

3. Каримов И.А. “Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди”. /Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Независимая газета» (Москва) мухбирининг саволларига жавоблари / 2005-йил 14-январ/Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005.

4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль

5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида ривожланиш ва барқарорлик шартлари кафолати // Хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 34–36.

6. Каримов И. А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ИВ қурултойидаги маъруза. 2007-йил, 6-ноябр – Т.: Ўзбекистон, 2007.

7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – юксак қадрият Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б. 224.

8. Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлида: Т.6 – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б. 413.

10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашиш керак. Т.10 – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – Б. 399.

11. Каримов И.А. Избранный нами путь – это путь демократического развития и сотрудничества с прогрессивным миром. Доклад на XII сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва, 24 апреля 2003 г. – Т.: Узбекистан, 2003. – С. 292.

12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 174.

13. Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране: Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 2010 год 12 ноября. – Газета Народное слово. – 13 ноября 2010 г.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 384 бет.

15. Каримов И.А. Наш путь – углубление демократических реформ и последовательное продолжение модернизации страны // Доклад Президента Ислама Каримова на торжественном собрании, посвященном 19-летию Конституции Республики Узбекистан // – Газета Народное слово. – 8 декабря 2011 г.

16. Каримов И.А. Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны // Выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на открытии Международной конференции // – Газета Народное слово. – 18 февраля 2012 г.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003-йил 9-декабр Фармони // ЎзР ҚХТ, 2003, № 23, 229-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида 1991-йил 31-август Қонуни // ЎзР ОКА, 1991, №9-12, 268-м.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака

комиссиясининг 2013-йил 28-февралдаги “Судьялар одоб-ахлоқи коидалари” бўйича 5-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 23-августдаги 1602-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. - Т.: Адолат, 2001

7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013.

8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда.

9. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 1992-йил 2-июл Қонуни // ЎЗР ОКА, 1992, №9, 338-м.

10. Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолат-лари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июл Қонуни // ЎЗР ОКА, 1992, №9, 344-м.

11. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992-йил 9-декабр Қонуни // ЎЗР ОКА, 1993, №1, 33-м.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуни. Т., 2001.

13. Давлат санитария назорати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992-йил 3-июл Қонуни // ЎЗР ОКА, 1992, №9, 355-м.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 2001-йил 13-феврал Фармони // ЎЗР ҚХТ, 2001, № 3-4, 9-модда.

15. Ўзбекистон Республикасида нотариал фаолият ЎЗР 1996-йил 26- декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010-йил 30-мартдаги 64-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Ё‘риқнома.

17. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари касб одобномаси (Ўз.Рес. Ички ишлар вазирлиги 1993 йил 30 декабрь, 446-сонли буйрук).

19. Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди судьясининг шаъни тўғрисидаги кодекс (Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди қарори билан тасдиқланган 05.07.1996 й.)

20. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасалари ҳамда Бош прокуратура хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларининг касб одобномаси (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2013 йил “ 30 ” декабрдаги 104-сон буйруғи билан тасдиқланган).

21. Ўзбекистон Республикасида Адвокатнинг касб этикаси қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ИИ конференциясида 2013 йил 27 сентябрда қабул қилинган).

22. Всеобщая декларация прав человека от 10.12.1948 г.

23. Генеральные принципы этики адвокатов международной ассоциации юристов. // Российская юстиция, 1996, № 2

24. Международные нормы и правоприменительная практика в области прав человека: Документы и материалы. – М., 1993. – С.498-518.

25. Декларация прав человека и гражданина 1789 года // Французская Республика: Конституция и законодательные акты.- М., 1989. – С. 26-29.

26. Закон РФ «О статусе судей в Российской Федерации» - М., 1992.

27. Конституция Р.Ф. – М., Юрид.лит., 1993.

28. Уголовно-процессуальный кодекс РФ. – М., «Элит-2002», 2002.

29. Кодекс профессиональной этики нотариусов Москвы. // www.нотарй.ру

1. Асосий адабиётлар:

1. Мухаммадиев А.А. Судлар фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. - Т.: ТДЙИ, 2010.

2. Андриевский С.А. Русские судебные ораторы в известных уголовных процессах XIX века. – Тула: Автограф, 1997.

3. Анисимов С. Ф. Мораль и поведение. М., 1985. 2.2. Структура и функции морали.

4. Барщевский М.Ю. Адвокатская этика. 2-е изд., испр.–М.: «Профобразование», 2000. – 312 с.
5. Барщевский М.Ю. Адвокатская этика.- М., 2000.
6. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
7. Болиев А. Раҳбар маданияти. – Т.: “Маънавият”, 2002.
8. Ватман Д.П. Адвокатская этика. – М., 1977.
9. Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине Челябинск, 2005.
10. Гусейнов А.А., Ирритц Г. Краткая история этики.- М., 1987.
Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Судебная этика. - Воронеж, 1973.
11. Гольдинер В.Д. Об этике в деятельности адвоката // Советское государство и право, 1965. Н 10. - С.95-101. Дробницкий О. Г., Гусейнов А. А. Введение в этику. М., 1985.
12. Ефимичев С.П., Кулагин С.П., Ямпольский А.Е. Допрос. - Волгоград, 1978.
13. Зеленухин А.В. Предмет и категории этики: Учебное пособие. – Саратов: СГАП, 2002. – 124 с.
14. Иванов В.Г. История этики Древнего мира: Учеб.пособие для вузов – СПб., 1997.
15. Кайковус. Қобуснома. - Т.: “Ўқитувчи”, 2006.
16. Темур тузуклари. - Т., 1996.
17. Кант И. Лекции по этике // Этическая мысль. М., 1990.
18. Карпец И. И. Уголовное право и этика. М., 1985.
19. Карташкин В.А. Права Человека в международном и внутри-государственном праве. – М, 1995.
20. Кобликов А.С. Юридическая этика. Учебник для вузов. – М.: НОРМА, 2004. – 176 с.
21. Кокорев Л.Ж., Котов Д.П. Этика уголовного процесса: Учеб.пособие. - Воронеж, 1993.
22. Кони А.Ф. Нравственные начала в уголовном процессе// Соч.: В 8-ми т. - Т. 4. - М., 1967. - С. 56-54.
23. Коряковцев, В. В. Защитительная речь в суде с участием присяжных заседателей /В. В. Коряковцев. //Правоведение. -2002. - № 2(241). - С. 109 –122
24. Красникова Е.А. Этика и психология профессиональной деятельности. М., «ФОРУМ», «ИНФРА-М», 2003
25. Красникова Е.А. Этика и психология профессиональной деятельности. М., «ФОРУМ», «ИНФРА-М», 2003
26. Красникова Е.А. Этика и психология профессиональной деятельности: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2004. (гл.8).

27. Красникова Е.А. Этика и психология профессиональной деятельности: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2004. (гл.8).
28. Кузнецова Н. Ф. Уголовное право и мораль. М., 1967.
29. Леоненко В.В. Профессиональная этика участников уголовного судопроизводства. Киев, 1981. - С. 58—75
30. Лукашева Е. А. Право, мораль, личность. М., 1986.
31. Макаренко О.Н. Нотариат в вопросах и ответах: Практикум. – Ростов-н/Д., 2002. Мобичев С.Т. Этические основы следственной тактики. -М.,1980.
32. Москалькова Т.Н. Этика уголовно-процессуального доказывания.-Гл. 2. - М., 1996.
33. Мухаммадиев А.А. Далиллар назарияси муаммолари. Дарслик (кирилл ва лотинда) - Т.: ТДЮИ. 2009.
34. Мухаммадиев А.А. Судлар фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. - Т.: ТДЮИ. 2010.
35. Мухаммадиев А.А. Учебник. Организация деятельности судов. - Т.: ТГЮИ. 2012.
36. Мухаммадиев Н. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998.
37. Ничипоренко О. Суд удаляется на совещание // Российская газета, 2000. 25 окт.
38. Носирхўжаева Г.А. Этика. Эстетика. –Т.: ТДЮИ, 2007.
39. Полянский Н.Н. Правда и ложь в уголовной защите. – М., 1927.
40. Проблемы судебной этики // Под ред. М. С. Строговича. М.,1974.
41. Процессуальное принуждение. - М., 1985.
42. Фритце Д.Д. Этика бизнеса. Глобальная и управленческая перспектива. – М., 2002
43. Халиулина В.П. Профессиональная этика юриста: Учебное пособие – М.: Изд-во РУДН, 2004. – 161 с.
44. Швейцер А. Культура и этика. – М., 1993.
45. Шер А. Ахлоқшунослик. - Т.: ЎЗМУ, 2010
46. Этика. Маъруза матнлари. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, 2010.
47. Этика. - Т.: ТДИУ, 2008.
48. Юношев С. Укрепление правового статуса потерпевшего и его пред-ставителя // Российская юстиция. - 1998. - № 11. - С. 21.
49. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. - Т.: Юлдузча, 1990.
50. Ҳожиёв э. Давлат хизмати. Ўқув кўлланма. - Т.: ТДЙИ, 2004.

51. Ҳожиёв э. Самиғжонов Ф. Маъмурий қонунчилик тизими. Дарслик. - Т.: ТДҲИ, 2005. - 219 б.

52. Худойбердиева В.Ж., Ҳожиёв э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўллан-ма. - Т.: ТДҲИ, 2001.

53. Мобичев С.Т. Этические основы следственной тактики. - М.,1980.

54. Управление персоналом: Учебник // Под ред. Базарова Т.Ю., Еремина Б.Л. – М., 2002.

4. Қўшимча адабиётлар:

1. Мингбоев У. Суд шундай ҳокимиятки... - Т.: “Шарқ” нашриёти матбаа концерни.1999.

2. Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). - Самарқанд: СамДУ, 2008.

3. Саломов Б. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки. - Т.: Адолат, 2007.

4. Окусов А.П. Введение в юридическую деонтологию. - М.: Изд-воРУДН, 1997.

5. Олим С. Навоий – ёшларга. - Т.: “Абу матбуот-консалт”, 2008.

6. Петрухин И.Л. Личная жизнь: пределы вмешательства. - М., 1989

7. Петрухин И.Л. Свобода личности и Уголовно-процессуальное принуждение. - М., 1985.

8. Словарь по этике // Под ред. Гусейнова А. А., Кона И. С. 6-е изд. М., 1989.

9. Сокова З.К. Профессиональная этика: Курс лекций. М.: ЦИ иНМО КП МВД России, 2000. – 204 с.

10. Соловьёв В.С. Оправдание добра – М., 1996.

11. Социальная сущность, структура и функции морали. – М.,1977

12. Дробницкий О. Г., Гусейнов А. А. Введение в этику. М., 1985

13. Дробницкий О.Г. Понятие морали. – М., 1974.

14. Социальная сущность, структура и функции морали. – М.,1977

15. Философская энциклопедия: В 5 т. Т. 3. – М., 1964. - С. 499.

16. Философский энциклопедический словарь. – М., 1983. - С.387–388.

17. Международные нормы и правоприменительная практика в области прав человека: Документы и материалы. –М., 1993. – С.498-518

18. Организация Объединенных Наций. Основные факты. Справочник. - М., 2000.

19. Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательство. Под ред. О.А.Жидкова. Перевод О.А.Жидкова. М.: Прогресс, Универс, 1993.
20. Петрушевский. Д.М. Великая Хартия вольностей и конституционная борьба в английском обществе во второй половине XVIII века. - М.: Изд. М. и С. Сабашниковых, 1915.
21. Топорнина Б.Н., Ю.М. Батурина, Р.Г. Орехова. - М., 1994.
22. Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Судебная этика. - Воронеж, 1973.
23. Стецовский Ю.И, Уголовно-процессуальная деятельность защитника. - М., 1982.
24. Смолярчук В. Гиганты и чародеи слова. - М., 1984.
25. Макаренко О.Н. Нотариат в вопросах и ответах: Практикум. – Ростов-н/Д., 2002.
26. Фритце Д.Д. Этика бизнеса. Глобальная и управленческая перспектива. – М., 2002
27. Волгин Б.Н. Деловые совещания, М., 1970.
28. Венедиктова В.И. Деловая репутация: личность, культура, этика, имидж делового человека. М. 1996.
29. Иванова Е.Н. Эффективное общение и конфликты. С-П. 1997.
30. Кашапов Р.Р. Курс практической психологии, или как научиться работать и добиваться успеха. Ижевск.: Изд-во Удм. Ун-та. 1996.
31. Кричевский Р.Л., Дубовская Е.М. Личность в групповом процессе // Хрестоматия по социальной психологии. М.: Международная педагогическая академия. 1995.
32. О деловой этике и этикете. - М.: Фонд «Правовая культура», 1994
33. Профессиональная этика сотрудников правоохранительных органов. Под редакцией доктора философских наук, профессора А. В. Опалева и доктора философских наук, профессора Г. В. Дубова.
34. Психология и этика делового общения: Учебник для вузов // Б. Ю. Дорошенко, Л.И. Зотова, В.Н. Лавриненко и др. - М.: Культура и спорт. ЮНИТИ. 1997.
35. Шахов В. О судебной этике // Советская юстиция. 1965. № 1. С. 22.
36. Шепель В.М. Имиджелогия. Секреты личного обаяния. М.: Культура и спорт. ЮНИТИ. 1994 (2-е изд. - 1997).
37. Шмидт Р. Искусство общения. М. 1992.
38. Ягер Д. Деловой этикет. – М.: Джон Уайли энд Сан, 1994.
39. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.

5. Хорижий адабиётлар:

1. Бенсон, Финал Репорт: Волуме 1, (1979)
2. Коммитте он Лeгал эдусатион (1971) СМнд. 4595 (Ормрод), пара. 109 анд Тхе Коммитте он тхе Футуре оф тхе Лeгал Профессион (Тхе Марре Коммитте) А Тиме фор Чанге (Генерал Соунсил оф тхе Бар анд тхе Лав Сосиетй: Лондон, 1988).
3. Тхе Лeгал Прастисе Соурсе, интродусед ин 1993, рекуиред тхат лаверлй скиллс бе таугхт тхроугх тхеътрансастионс‘ оф лeгал прастисе анд смалл групп ворк витх профессионал этхисс ас аъпервасивеъ субжест ундерпиннинг тхесе ареас.
4. Р. Мас СратеъПрепаринг Лаверс то Партисипате эффестивелй ин тхе Лeгал Профессион‘ (1994) 44 Жоурнал оф Лeгал эдусатион 89. Ноте тхат Лав ин тхе УС ис а сесонд дегрее.
5. Г. ПowlесъТакинг тхе Плунге: Интегрating Лeгал этхисс ин Аустралиаъ (1999) 33 Лав Теачер 315.
6. Федератион оф Лав Сосиетис оф Санада Таск Форсе он тхе Коммон Лав Дегрее (ФЛСС, 2009) ([хттп://www.флсс.ca/ен/пдф/](http://www.флсс.ca/ен/пдф/) Коммон Лав Дегрее Репорт.пдф) Септембер 2010.
7. WM Сулливан, А. Солбй, ЖW Вегнер, Л Бонд, ЛС Шулман эдусатинг Лаверс: Препаратион фор тхе Профессион оф Лав (Станфорд, Салиф.: Тхе Сарнегие Фоундатион фор тхе Адвансемент оф Теачинг, 2007)
Ресоммендатион 1 ат п8.

6. Электрон таълим ресурслари:

1. [хттп://www.тсул.уз](http://www.тсул.уз)
2. www.манавият.уз
3. www.манавият.гов.уз
4. [хттп://www.лех.уз](http://www.лех.уз)
5. [хттп://www.лавбоок.ру](http://www.лавбоок.ру)
6. [хттп://www.лавлибрарй.ру](http://www.лавлибрарй.ру)
7. [хттп://www.закон.ру](http://www.закон.ру)
8. [хттп://www.адвокат.ру](http://www.адвокат.ру)
9. [хттп://www.мсу.ру](http://www.мсу.ру)

**МУХАММАДИЕВ АЮБ АБДУРАХМАНОВИЧ
ЕГАМБЕРДИЕВ АЗАМАТ УКТАМОВИЧ**

ЮРИСТНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ

Муҳаррир: Чориев О.А.
Техник муҳаррир: .
Компютерда саҳифаловчи: Н.Мухаммадиева.

Босишга рухсат этилди:0.2015.
Ҳажми:..... Адади: 100. Буюртма:.....
ТДЮ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри. Сайилгоҳ, 35.

ҚАЙДЛАР УЧУН